

# САДАТ

1925 йилдан чиқа бошлаган

6-7  
2020



Шоҳсанам Худойбердиева:  
– Миллий қўғирчоқларимиз болаликнинг ишончли тарбиячилариидир.

# УСМОН НОСИР

(1912 – 1944)



*“Усмон Носир адабиётимизга  
чақмоқдек кириб келди”, дега  
эслашади унинг замондошлари.  
Дарҳақиқат, ёшлиқ эҳтирослари,  
тафаккур тарзи, ҳатто, ижод  
маҳсули ўзига хос бўлган бу шоир  
давраларга кириб шеър ўқиганида  
майдонлар, томошагоҳларга тўлган  
одамлар адабиётнинг куч-қудратини  
ҳис қилганлар, унга ишонгандар, унга  
эрғашганлар.*

*Ўзининг “Юрак”, “Мехрим” каби  
китобларига кирган уйготувчи  
шеърлари “Наҳшон” сингари оҳанги  
мафтункор достонлари билан  
тилга тушди, элига севимли бўлди.  
Афсуски, халқимиз бошида сермалган  
қатагон қиличининг зарбаси Усмон  
Носир қисматига ҳам чандиқ солди.  
Парвози авжида қаноти синди.  
Фақат Ватан мустақиллиги бу  
бетакрор истеъдод эгасига иккинчи  
умр берди. Айни кунда Усмон Носир  
ижоди севиб ўқилмоқда, атрофлича  
ўрганилмоқда.*



# Усмон НОСИР



## Юрак

Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жүр этдинг.  
Кўзимга ойни беркитдинг,  
Юрак, сенсан шиқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак,  
Севинчинг тошиди қирғоқдан.  
Тилим чарчар ажаб гоҳи  
Сени таржима қилмоқдан.

Сен, эй, сен – ўйноқи дилбар,  
Зафардан изла ёрингни.  
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,  
Тирикман, куйла борингни.

Итоат эт!  
Агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан сен,  
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

# Қадриятлар

## Қадринг кўттарар

**Ҳаёт – оқар дарё. Дақиқа, соат, кун, ҳафта, ойлар сувдек оқиб ўтиб турибди.**  
**Кетаётган, ўтаётганлар ўзи билан кимларнидир, нималарнидир олиб кетади. Баъзидা келган, келаётганлар кетган, ўтганларнинг ўрнини тўлдиради. Гоҳи тўлдириб, аввалгисидан ошириб ҳам юборадики, ундан кўнглимиз ўсади. “Ўнгланяпмиз, яхшиланяпмиз”, деб суюнамиз. Аммо шундай йўқотаётган, йўқотиш хатари бўлган бойликларимиз борки, ундан ажралсак, бироз беўхшов бўлса-да, айтай, белибос, кийимсиз, қараса кўз, айтисса сўз уяладиган кимсага ўхшаб қоламиз.**

Гап маънавиятимизга лой сачратает-ган, доғ тушираётган бир иллатнинг оғриғи билан боғлиқлигини англа-гандирсиз. “Уфф, янами?” демассиз. Аслида мен ҳам бугуннинг қувончларини, бугуннинг янгиликларини бир сийлов сифатида қабул қилиб, ҳалқимизнинг ҳаётига нур олиб кираётган яхши ўзгаришлардан бошим кўк-ка етиб яшаётганлардан бириман. Қани эди, кўксимни баланд кўтариб, оғзимни тўлдириб, фақат қувончлардан сўзласам... Аммо атрофимизни кўряпмиз, кузатяпмиз... Ҳали чилласи чиқмаган келинчак ўз ётоҳонасида тўйдан аввал кўнгилхушлик қилиб юрган кишиси билан биргалашиб бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалолининг жонига зомин бўлган... Бу ёвузликнинг, шармисорликнинг илдизи қаерда? Ҳалқимизда “Андиша” деган ҳамма ҳалқда ҳам учрамайдиган, қайси миллатнинг маънавий ҳазинасида бўлса, уни бойитган, обрў либосини, иззат тожини кийдирган бир сўз бор. Шогирдларининг айтишича, устоз шоира Зулфияхонимнинг шеърларини бошқа тилга таржима қилаётганда, таржимон:

– Бу “андиша” деган сўзнинг таржимаси бизда йўқ экан-ку, – деганида опамиз:

– Чунки бу тушунчанинг ўзиям факат бизда бор, унинг синонимини ахтариб овора бўлманг, – деган эканлар.

Юқоридаги фожиани яратган иллат эса ўша андишасизлик, андишанинг кўтарилгани. Келинчакнинг қайнота, қайнона, ҳатто, ҳар бир нарсани кўргувчи Оллоҳдан андиша қимлагани... Шу гапларни ёзаяпман-у, қишлоғимизда оғиздан-оғизга ўтиб, достон бўлган бир воқеани эсладим.

Севишганми, севишмаганми, ё “Никоҳ муҳри Худо” дега тақдирини боғлашганми, ўн саккиз ёшли Салима билан 24 ёшли Абдурасул турмуш қуришади. Орадан уч кун ўтгач, куёв-келиннинг болишидан районлар ҳиди кўтарилимай, оддий бўлса-да, ўзларига

ярашган тўй либосларининг оҳорига гард тушмай, Абдурасулга ҳарбий комиссариатдан чақириқ қоғози келади. На чора? “Уруш кўпга келган тўй, эр йигит учун мардлик синови”, дея аҳли хонадон уни кузатишга чиқадилар. Онаизор юраги йиғлаб, кўзи кулиб кетаётган ўғлони орқасидан:

– Болам... – дея чақиради, яқин келгач, оҳистагина:

– Уч кун умр қилдинг, агар сендан келинимда бирор нишона қолган бўлса, билганинг ҳақида белги қолдир, токи қайтиб келганингда, ўғлингми, қизинг олдингга югуриб чиқса, гумонга борма! – дейди. Оналар доно-да, Абдурасул унинг айтганини қилиб, рўпарасидаги дарахтга мих қоқади-да.

– Агар фарзанд кўрсам, шу михга унинг беланчагини боғланглар, – дейди...

Дарҳақиқат, куёв уруш майдонига кирап-кирмас келинчакнинг ой юзига доғ туша бошлайди. Лекин унинг гўдаги “Ота” дея олмайди, қаттол уруш уни отазорига айлантиради. Орадан олти ой ўтиб, Абдурасулдан қорахат келади. Бизнинг оналар бошқача, бизнинг оталар бошқача! Ўғлидан жудо бўлиб, юраги қоракуюкка айланган бўлса-да, ўн саккизида сўла бошлаган келинчакка:

– Болам, ёшсиз, кетганинг орқасидан кетиб бўлмайди. Турмуш қилинг, биз розимиз, – дейишади. Гўдагини “Дада ўғлим, ота ўғлим”, дея эркалаб таскин топаётган, соғинч оловига сув пуркаётган келинчакни эшитинг:

– Ўғлингиз айтганидай, улар қоқиб кетган михга Ёдгоржоннинг беланчагини осдим. Мен учун у оддий чўян мих эмас, унда боламнинг отасининг сўнгги нигоҳи қолган. Сўнгги нафаси шунга урилган, уйдаги сўнгги сўзини шу эшитган. Мен ҳар кун ўша мих билан гаплашаман... Унга илтижоларим, соғинчимни тўкаман. Агар сизлар айтгандек, бошқага кетсан, умр йўлдошимнинг ёди нима бўлади? Одамлар нима дейди? – дея йиғлаган экан. Қаранг-а, ўша михдан андиша қилиб уч кунлик турмушдошига садоқат сақлаб ўтган бу аёлнинг юраги қандай юрак, кўнгли қандай кўнгил экан? Бу михга унинг невараблари, эвараларининг ҳам беланчаги осилибди. Васиятни адо этганини аёл ўзи, тақдирни учун мукофотдай қабул

қилибди. Бундай андишани кичик ҳарф билан ёзип бўладими? Шивирлаб айтиш мумкинми?

Ана энди икки келинчакни қиёсланг: андиша унинг хонадонига нима берди? Ота-онаси-нинг интиқ қалбига малҳам, ўғил-невараларга она садоқати билан фахрланиш ҳисси, эл орасида эса шаън, обрў... Иккинчисига андиша-сизликнинг бергани нима бўлди? Лаънат, жирканиш, қафас, маҳкумалик... Энг ёмони, унинг қилмишидан аёл номига доф тушди. Фақат унинг ота-онаси эмас, кўча-кўйи, қариндошлири, ўқиган, ишлаган жойи... Ҳаммасига ундан қоралик сачради...

Жамиятдан андиша кўтарилигани ва бу ҳодисага бефарқлигимиз, “қилмишига яраша, жазоланди, баттар бўлсин”, тарзидаги муносабатимиз янги фожиаларга йўл очмайди, деб ким кафолат беради? Ахир, аёл киши ўзига ҳунар ўргатган устозининг уйига ўғриликка тушяпти. Қимматбаҳо тақинчоқларини ўғирлаб, сотиб, яна ҳеч нарса бўлмагандек, юрагини ушлаб “вой-вой”лаб ётган устозидан кўнгил сўрагани келибди...

Яна бир воқеани эсламасдан ўта олмадим. Менинг бувим (онамнинг оналари) Марҳаматда тилга тушган чевар бўлган экан. Улар ҳақида:

– Толнинг япроғидан ҳам кўйлак тика олади, – деган таърифлар юради. Шундай от қозонган чевар мижозлари эгни-боши учун ташлаб кетган матодан кафтча келадиган қийқим ортиб қолса, эгасига қайтарар экан. Агар ундан кичикроқ лаҳтак бўлса, розилигини олиб, ўзида қолдирап экан. Кейин бу қийқимлардан қурок кўрпа, кўрпача, болиш қилиб қули юпқа оиласларнинг фарзандлари тўй қилганида, сепига ҳадя сифатида қўшар экан. Қунларнинг бирида эртасига узатилаётган қизга кўрпа тикиётib кафтдек қора атласни қўлида тутиб ўйланиб қолибди.

– Нима гап, буви? – деб сўрасалар:  
– Мана шу атлас қийқим кўрпани очиб юборади, жуда кўйгим келяпти, – дебди.

– Қурайвермайсизми, игна, ип кўлингизда, – онам шундай деса бувим:

– Эгаси ҳали кўйлакни олиб кетгани келмади, розилигини олмай, қандай тикаман?  
– деган экан. Эртаси саҳарлаб мижозининг уйига бориб, розилигини олгач, қурок кўрпани битказган экан. Бугун эртақдай туюлаётган бу эсадаликнинг жозибаси, қиммати нимада? Ўша кимёи саодатимиз, кимёи маънавиятимиз, кимёи миллатимиз бўлган андишада эмасми? Эҳтимол, шу андиша туфайли, уни бизга, хужайраларимизга мерос қилиб қолдириб кетгандарни боис биз ҳануз омон-омон ҳаётдадирмиз. Оллоҳ сувдан, қуёшдан ҳаводан мосуво этмагандир. Лекин омонатга хиёнат Худою банданинг наздида оғир гуноҳ эканлигини бир лаҳза бўлса-да, унутмаслигимиз керак. Андиша ҳам бизга аждодларимиздан омонат мерос. Уни олтин сандиқ – тоза қалбимизда асрар, авлодларга қолдириш бизга ҳам қарз, ҳам фарз...

Хей, андишасизлик билан гўдагини пуллаётгандар, яратган берган соғлом тўрт мучадан хижолат бўлмай, ҳануз “бер-бер” дея кимларнингдир ёқасига ёпишаётгандар, оналиқка иснод келтириб, кўкрак излаб тамшанган чақалогини ахлатга ташлаб кетаётгандар, сиз фақат ўзингизнинг номусингизга эмас, андиша аталган миллатимизнинг сифат белгиси бўлган тушунчага куя тушираётганингизни биласизми?

Яна хаёлим кетди: беш ёш қизим Дилсора дадаси кўчадан келиб, ювениб, дастурхонга ўтиргач, ўйнаётган жойидан югуриб келди. Дадасини қулоқлаб йиғлаб юборди.

– Дадажон, мен гилос тагида ўртогим Наргиза билан ўтиргандим. Сизнинг олдингизга чиқиб: Дадажон, ҳорман! – деб қулоқлаб келди. Лекин Наргизанинг дадаси йўқ-ку... У ўксимасин, дедим...

Мен гўдак қалби билан андишани билган қизчами мажкам бағримга босиб, кўзимга ёш олган эдим ўшанда. Худога шукрки, андишалик бахти ҳали бор. Ҳали биз билан! Қўшнида аза бўлса, белгилаб қўйилган бўлса-да, карнай-сурнайли тўй қилишга андиша қиламиз... Қизларимиз ҳомиласи билингач, ака, отаси ҳузурида қўринишдан тийилади. Кўкси кенг ўйилган кўйлакларга ҳамма аёл ишқибоз эмас...

Қандай чиройли экан, бор-йўғи етти ҳарф, (Етти рақами хосиятли рақамлигини ҳам унутманг) етти товушда ифодаланган бу латофат, фаросат, фасоҳат, назокат...

Тоғлар, иморатлар, яна нималардир емирилади, боғлар кесилади, улар беиз кетмайди, аммо миллий белгилар емирила бошласа, ўзлиқдан, ўздан чекиниш хатари пайдо бўлади. Дунёда шундай хатарлар бор, ундан ҳалос бўлишга инсоният ожизлик қилади. Аммо қалбимизда, кўнглумизда бор бўлган андишадек ҳазинани йўқотмаслик, уни Ғарбданми, қаердантир эсаётган тўзон, тўфонларга бермай асрар қолиш бизнинг ихтиёrimиздаги ҳодиса. Бу ҳақиқат ёнимизда, ёдимизда тургувчи, бизга куч, шаън бергувчи қаддимизни баландлатиб, қадримизни кўтарувчи ҳақиқатдир.

Мунаввара УСМОНОВА

### ТАҲРИРИЯТДАН:

Муаллиф бу зарурдан зарур мавзуни ёритар экан, ўз ҳаётидаги уч нурли воқеани эслади. Ҳолбуки, бундай воқеалар кўп. Ёмоннинг қоракуяси юқади, деганларидек, ҳадеб дилни хира қиладиган воқеа кечмишлар эсланса, ундан салбий қувват тарқалади. Бу фанда исботланган. Биз Сиздан андишани улуғлаган, унга умр берган инсонлар ҳақидаги ажойиб ҳикояларни кутамиз. Зора, кўп, хўп айтсан, сўзлаб, эшитиб, таъсирлансак... Бу сўз қиймати, бу туйғу қимматини төранроқ англассак... Ёзинг, кутамиз.

# Мен отамни күрмаганман

Ойшахон Құчқорова уруш фарзанди. Чунки 1941 йил 26 июлда Наманган шаҳрида туғилған, деб ҳужжатларига ёзиб күйилған. Отаси хунарманд, шаҳарнинг косибларидан, 20 ёшда, онаси 16 яшар ҳали бўйи етиб улгурмаган қиз. Қийинчилек замонлар, одамларнинг қорни зўрга тўядиган кунлар. Бу қиз туғилибок отасига зор бўлишини ким ҳам билибди? Турсуной кундуз эри ишда, ҳовлиларга бир сидра қараб, сутига тўймаётган боласини юпатиш билан овора бўлар, кечалари бешик устидага ухлаб қоларди. Келинчакнинг ўшандаги орзуси тўйиб ухлаш эди. Отинг қурғур уруш бошланганига ҳеч қанча бўлмай, бўз йигитлар билан унинг отаси ҳам жангга жўнади. Гитлер деган олифта ёвузнинг босқинчилек орзуларини барбод қилиш учун дунёнинг бу четидаги чилласи чиқмаган чақалоқ Ойшахоннинг отаси ҳам косиб иғнасини милтиққа алмаштириб, жангга жўнади.

– Болалигимда эсимни таниб-танимай уруш қачон тугаркин, менинг дадажоним қачон келаркин, деб юрагим эзиларди, – деб ҳикоя қиласди Ойшахон опа. – Отам урушга кетган куни 35 кунлик чақалоқ эканман. Ҳарбий комиссариат Сардобада экан, отам сим тўсиқнинг ичкарисида, онам ташқарисида мени бир-бирларига тўсиқдан қайта-қайта узатишиб, дил изҳорлари қилишган, йўргакларимга отамнинг кўз ёшлари томган экан.

Хунарманд шаҳарнинг хунарманд боласи – отам, ўша машъум урушга милтиқ ўқталиб кириб, биринчи учбурчак хатларини онамга ёзмай туриб, мени ота уйимдан олиб кетишибди. Сабаби отамнинг онаси вафот қилган, опоғдадам, икки бўй етган амаким билан бир ҳовлида ёш келинчак гап-сўз бўлмаслиги учун онамни ота-онаси кўч-кўрони билан кўчириб кетибди. Мен ота ҳовлимизга, маҳалласига зор бўлиб ўсганман. Икки яшарлигимда дийдорини ҳам кўрмаган отам душман ўқининг курбони бўлган экан. Ўша даврдаги кўп болалар каби пешонамга отасизлик ёзилган экан. Қорним нонга тўймай, онамнинг пилта саватида катта бўлганман. Ҳалиям нонни жудаям яхши кўраман. Онам раҳматликнинг нахуари, на касби бор эди. Уруш пайти ишламаган сираям тишламасди. Беш йил ичida жангда курбон бўлган дунё йигитлари ичida 350 минг ўзбекистонлик ҳалок бўлган бўлса, бизнинг Наманганда ҳам эркаклар сийраклашиб қолган эди. Беваси, етими йўқ хонадон йўқ ҳисоби эди. Ҳозирги Бобуршоҳ кўчасида мунғайиб юрган сағирлардан бири мен эдим.

Онамдан ўргилай, эрнинг нонига етолмаган бўлса-да, мани йўқчиликка, очликка бермаслик учун Чорсадаги чеварчилик цехига кўрпа тикишга тикувчи бўлиб ишга кирганлар. Иш орасида ҳам қўлларидан китоб тушмас эди. Китобга бўлган меҳр менга улардан ўтган. Олисдаги уруш тўфони бизнинг кўчаларимизни ҳам тўзитаётган йиллар, онам илк марта кўчадан нон кўтариб кирган кунлар ёдимда. Рўзгоримизга аста-секин барака кирди. Қорни тўқ одамнинг иши юришади. Эсимда: эллик биринчи йиллардан бошлаб яхши ҳаёт кечира бошладик. Тўлиқсиз ўрта мактабнинг бошланғич синфларини тугатиб, боғнинг ёнидаги 5-мактабда юқори синфларда ўқиганман. Ўқийман, онамга ёрдам бераман. Еттинчиди ўқиётганимда икки дугонам – Тўхтахон билан Хадичахон мактабдан ҳужжатини олиб шаҳарда янги очилган тибиёт техникумга ҳужжат топширишди. Мен ҳам шошиб қолдим, ҳамшира бўламан, оқ ҳалат кийиб беморлар дардига шифо топаман, деб ният қилдим. Онам ҳайрон, етаклаб мактаб директорига олиб кирдилар. Директор йўқ, деб туриб олди.

– Турсуной, қизингиз яхши ўқийди. Андижон тибиёт институтига боради, бу ҳамшира эмас, катта дўхтири бўлади, – деди. Ўша даврларда аёл шифокор жудаям керак экан. Янаям яхши ўқишига ҳаракат қилдим. Мактабни битиргунча, менга ўхшаб шифокор бўлишни мақсад қиладиган дугоналарим ҳам кўпайиб қолди. Олти нафар қиз бир мактабдан бир йилда баравар АДМИга кирганмиз. 1958-64 йилларда олийгоҳни тамомлаб ишга жойлашдик. Мутахассис кам бўлгани учун шифокорларга муҳтоҷлик бор эди. 1-шахар касалхонасида уч ой ишладим. Кейин тўйим бўлди. Маҳмуджон



Аҳадов исмли, биздан бир йил аввал тиббиёт институтини битирган жарроҳ йигитга турмушга чиқдим. Баҳтимдан ўргилай, болалиқда зор бўлиб ўсганим, киндиқ қоним тўкилган отамнинг маҳалласига келин бўлдим. Кўрмаганим, кўриб ҳидларига тўймаганим меҳрибонимнинг изларини излаб юрган кунларим эсимда. Болалигимда бир боришга зор бўлган, юрагимда армон бўлган кўчада отамни кўрганлар, яқинлари, жигарларим орасига бордим.

Ўша манзил одамлари корига яраб, дардига дармон бўлсан, ўзимизнинг қизимиз, деб алқаса бошим осмонга етарди. Шифокор бўлганимдан қувониб ёниб-куйиб, тинмай ишладим.

Ойшахон опанинг бир кулиб, бир йиглаб гапирган ҳикоясини тинглар эканман, хаёлан у босиб ўтган йилларни бирга одимлайман. У 1966 йил малака ошириб, 2-түргуқхонада даволовчи шифокор бўлиб иш бошлаган.

1968 йилдан бўлим мудири бўлиб, бир умр битта түргуқхонада, бир вазифада меҳнат қилган. 1974 йилдан 2008 йилгача вилоят санавиациясида навбатчи шифокор бўлиб фаолият юритган. Бир кунда вилоятнинг ғарбидаги Попда, шарқидаги Учқўргонда, яна Чустда шошилинч чақирувларда органларини кўпчилик билади.

Аллоҳнинг марҳамати кенг экан, Ойшахон опа умр йўлдошдан ёлчили, қайнонаси меҳрибон чиқди. Музмархон китобдорнинг келини бўлди, меҳрига қориши. Худойим уч фарзанд берди. Болаларини қайнонаси киприклирида асраб катта қилди. Эр хотин иккиси яхши, билимдан мутахассис сифатида вилоятда донг таратиб ишладилар. Водийнинг турли вилоятларидан даво излаб Ойша дўхтирга ихлос қилиб беморлар келишар эди. Қайнонаси ҳам ўғли, келини билан фаҳрланар, улар изидан келган раҳматларни эшитганида ҳар гал боши осмонга етарди. Ўзи ош-овқатигача пишириб болаларини оқ ювиб оқ тараарди. Баъзан уларга раҳми келиб: “Болаларим, бу қанақа ҳаёт бўлди, ойнинг ўн куни бирингиз, ўн куни яна бирингиз тунги навбатчиликда турсангиз, бир-бирингизни қачон кўрасиз? Ёшлиқ ғанимат, ҳаёт бир марта берилади, яшаш керак, заҳматини чекиб юравермай, роҳатини ҳам кўриш керак-ку”, – дерди. Ойшахон опанинг қизарган кўзлари куларди.

– Бир мизгиб олай, онажон, борлигингиз катта баҳт, – деб хонага кириб уйкуга кетарди. Болалигига қорни нонга тўймаган бўлса,

## БОЛАЛИГИМДА БИР БОРИШГА ЗОР БЎЛГАН, ЮРАГИМДА АРМОН БЎЛГАН КЎЧАДА ОТАМНИ КЎРГАНЛАР, ЯҚИНЛАРИ, ЖИГАРЛАРИМ ОРАСИГА БОРДИМ.

ёшлиги, умрининг гуллаган пайтларида кўзи уйкуга тўймади.

– Ҳозир уйкум қочади, – дейди Ойшахон опа. – Галати замонлар эди. Баъзан ўйларда ухлаб қолардим. Хўжайнинмнинг ҳам операциялари кўп эди. Гўзал мавзесидаги тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими бошлиғи бўлиб ишлаганлар. Олий Мажлис депутати бўлганлар. Бирор беморга лоқайдлик қилмаганлар. Касбига хиёнат бизнинг қонимиздаям йўқ. Касбимизга бор илм, тажрибамизни бағишлиб ишлаган-

миз. Институттда ичган Гиппократ қасамига бир умр содик ўтдик.

Ўғиллари Баҳодир билан Жаҳонгир муҳандислик касбини танлашди. Қизи Гулузро она изидан бориб шифокорлик касбини эгаллаган эди. Гинеколог бўлиб ишларди, тиббиёт фанлари номзоди эди. Кутимаган автоҳалокат туфайли оламдан ўтди. Олима қизи, ёлғизгина юрагининг қувончи ҳақида сўз кетганда опанинг кўзларидан ёш куйилди. “Гулузро докторлик ишини тугаллаш ниятида тинимсиз илмий изланишда эди. Ишлари чала қолди. Юраги тоза, ҳаммага меҳр билан қарайдиган, яхшилик қилишни ўзига одат қилиб яшаган қизимдан бир ўғил, бир қиз қолди. Биркам дунё экан. Бир умрга юрақдан ўчмайдиган армоним бу...”

Суҳбат мавзуси буғунга келиб туташади. Пандемия шамоли опанинг ҳовлисини ҳам четлаб ўтмабди, банқда ишлайдиган келинлари касал гумон қилинib 14 кун шифохонада ётиб текширувдан ўтибди. Хайриятки, касаллик юқмаган экан.


Қачон ва қандай қилиб миллат қаҳрамонига айлангани ҳақида сўз кетганда опанинг намланиб турган кўзларида қувонч, ифтихор тўйғуси балқи-ди:



— Опа, ахли Наманган сиз билан фаҳрланади, — дейман. Бизки, қанча суюндиқ, ўзингиз қандай ҳаяжонланган экансиз.

— У кунларни эсдан чиқариб бўладими! — дейди опа: — 1996 йил 26 август куни эди. Ахборот дастурида Президентимиз фармони ўқилган. Мени Ўзбекистон Қаҳрамони деб ўқиганини кўпчилик эшитган. Ўша куниям жарроҳлик столида кўзи ёриётган аёл билан бирга жон олиб, жон берёйтган эдим. Хабарни айтишганда қулоқларимга ишонмадим. Бир лаҳза ййланишга, хаёл қилиб вақтни бой беришга ҳаким йўқ, онаю боланинг ҳаёти хавф остида эди. Қувондим, ҳаяжондан титраб операцияни давом эттирдим. Шу алфозда ўн минг биринчи боламнинг жонини омон сақлаб қолганман. Эртаси куни мени вилоят тиббиёт бирлашмасига чақиришди. Ишдан ҳориб чиқиб, уйга боришга ҳам вақт тополмадим. Иш кўйлагида келган эканман, кийимим, бепардоз келганим вилоят раҳбарларидан бўлган бир опахонга ёқмади, шекилли, менга норози қиёфада қараб қўйди. У вақтларда ҳаёт бошқачароқ эди. Ҳозиргидек тайёр қулай ва замонавий кийимлар йўқ, пардоз-андоз қилишга гўзаллик салонлари қайда, дейсиз? Бунинг устига ўзи табиатимда ортиқча ҳашамга мойиллик йўқ, табиийликни яхши кўраман. Ҳай, ўша куни вилоят бўйича тиббиёт катталари йигилган экан. Тошкентдан келган соҳамиз вазири туришимга қараб, Фармонни ўқисам ҳеч ким қарсак чалмаса нима қиласман, деб ўйлаган эканлар. Номим тилга олиниши билан зал қарсагу олқишлирга тўлиб кетди. Мен ҳам тўлқинланиб кетдим. Бу нақадар катта эътироф, буюк ишонч

**ҲАММА ШИФОКОРЛАР ҲАМ ФИДОИЙ. АЙНИҚСА, ҲОЗИРГИ КУНДА АЖАЛ БИЛАН ОЛИШИБ КУН-КУНЛАБ, НЕЧА ТУНЛАБ БОШИ ЁСТИҚҚА ТЕГМАЁТГАН, ЎЗИ ҲАМ ВИРУС ЮҚТИРИБ ОЛИБ ЖОНИ АЗОБДА ЁШ ЖОНИ УВОЛ КЕТГАН, ЖОННИ НИСОР ҚИЛАЁТГАН ҲАМКАСБЛАРИМНИНГ ҲАММАСИ МИЛЛАТ ҚАҲРАМОНИ БУГУН. МЕНИНГ КЎКСИМДА ЯЛТИРАБ ТУРГАН ЎЛДУЗ УЛАРНИКИ ҲАМ.**



эди, ахир. Бошимни дадил кўтариб, ҳамма йигилганларга миннатдорчилик билдиридим. Тақдиримдан минг ўргулсан бўлади. Ҳамма шифокорлар ҳам фидои. Айниқса, ҳозирги кунда ажал билан олишиб кун-кунлаб, неча тунлаб боши ёстиққа тегмаётган, ўзи ҳам вирус юқтириб олиб жони азобда ёш жони увол кетган, жонини нисор қилаётган ҳамкасларимнинг ҳаммаси миллат қаҳрамони бугун. Менинг кўксимда ялтираб турган юлдуз уларники ҳам. Бошлари омон бўлсин, деб ҳар куни дуо қиласман.

Бирин-кетин азиз одамларимни ерга бердим: онам, қайнонам, бош эгам, қизим. Тақдир экан. Тикилиб келса, қисматга ҳеч ким чап беролмас экан. Қисматнинг ҳеч қайси шифокор даво топа олмайдиган калтаклари бор, кўнмай иложимиз йўқ. Ҳаёт гўзал, болаларимнинг боласи билан овунаман. Кўп китоб ўқийман. Ана, китоб жавонимда сизнинг китобларингиз ҳам турибди. Шеърларингизни яхши кўраман. Ундан ташқари, тиббиётдаги ҳамма янгиликларни ўқиб, ҳалиям керакли жойларини ён дафтаримга қайд қилиб қўяман. Ўрни келса, ишлаётган шогирдларимга ўргатаман.

Суҳбатларига тўймасам ҳам, бир кам саксон ёшга кирган опани аяб, ўрнимдан турдим. Ўзбекнинг қаҳрамони ҳам ўзбек-да. Эшигига келган одамни қадр қиласди.

— Қолаверинг, ана, синглингиз кузатяпти, (Ойшахон опанинг оналари жуда узоқ йиллар эрини кутиб, ахийри, умиди узилгач, боз устига ота-онаси қистови билан турмуш қурган, бу турмуш опага уч сингил ҳадя этган экан), десам ҳам остонаяча чиқдилар. Такрор-такрор раҳмат айтдилар. Ажойиб ҳалқмиз, меҳнат қилиб ҳам жасорат кўрсатиб ҳам, тилимиздан “раҳмат” сўзи тушмайди. Балки, тақдирнинг бизга сийловлари, мана шундай соддадил қизларни миллат қаҳрамони даражасига кўтариб кўйгани ҳам шу камтарлигимиз, яхшилигимиз боисидандир.

**Дилбар ҲАЙДАРОВА,  
“Саодат”нинг вилоят муҳбири.**

# ОҚРАБОТНИНГ

## *тилёҳар үзумлағи*

**Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги  
Оқработ қишлоғи ўзининг үзумчилик соҳасидаги  
ютуқлари билан машҳур.**

Ҳудудда үзумчилик билан шуғулланиб, даромад топаётган оиласлар талайгина. Оқработлик Турдимурод бобо Раҳимов бундан 10 йил аввал 30 сотихлик томорқасига ток кўчатларини ўтказган эди. Бугун кўчатлар ўсиб-униб, ўз мевасини бериб, боғ оиласнинг асосий даромад манбаига айланган.

— Қишлоғимизда узум етиштиришнинг ҳадисини олган боғбонлар кўп, — дейди Турдимурод бобо. — Мен ҳам уларга ҳавас қилиб, шу ишга кўл урган эдим. Дастрраб бироз қийналган бўлсам-да, тажрибали боғбонлар маслаҳатларига риоя қилиб, ток парваришининг ҳадисини



олдим. Узумни узум қилишнинг ўзи бўлмайди, йил, ўн икки ой фарзанд ўстиргандек меҳр берамиз. Сув, қувват берувчи қўшимча кучларни ўз вақтида қиласмиз.

Ҳосилимиз ҳам шунга яраша бўлаётир. 30 сотих томорқада 200 туп ток бор. Ҳар биридан йилига ўртача 60–70 килодан сара узум оламиз. Бу йил сифатига қараб узумнинг ҳар килоси 7–8 минг сўмдан сотилаяпти. Ҳисоб-китобларга кўра, мавсумда 80 миллиондан ортиқ даромад олишни режалаштираяпмиз.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ,  
(сурат), ЎзА.**

# КҮНГИЛЛАРИ ҲАМ РАЙХОНЛАР

## ЯНИШТ ИФОРМИ ЭДИ

Соғинч – энг чуқур изтироб аслида. Юрагингда дард симиллаб турганда, атрофинг тўла одам-у, бироқ чин меҳрибонни нигоҳинг излаб, имконсиз қолганингда, ана шу буюк соғинчга далда, тасалли излайсан, беихтиёр. Хотира эса бунда энг яхши дўст, энг одил кўнгилдошdir. Бугун биз дунёга шундай ёруғ ниятли фарзандларни бериб, элнинг дуосини олган яна бир онаизорни ёд этамиз. Таниқли шоур, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо (Ходжиматов) билан бирга, у кишининг волидаи муҳтарамаларини хотирлаймиз.



– Минҳожиддин ака, рухсат берсангиз онангиз ҳақидаги сұхбат дебочасида ардоқли шоирамиз Мұхтарама Улуғованинг сұзларини келтириб ўтсам: “Минҳожиддин Мирзони эслашнинг ўзида кўнгилга ёруғлик, иссиқлик югуради. Ва ҳар гал дилимдан: “Аллоҳ кимга ўғил фарзанд берса, шу йигитга ўхшасин”, деган тилак ўтади.

Салобатли, файзли Эргашхон ая – Минҳожиддиннинг оналари билан учрашган күнимни тақдирга миннатдорчилик, шукронга билан эслайман. Аслида бор-йўғи бир мар-

та кўришганмиз, лекин қалбидаги эзгуликка йўғрилган гўзаллик борлигидан нур таратадек эди у фариштали аёлнинг (Аллоҳ раҳматига олсин). Ярим соатми, бир соатми давом этган сұхбатда меҳрим тушди, бошка кўришув насиб этмади. Аммо камсуқум Эргашхон аянинг маърифатли, саховатли, эътиқоди бутун, ўзгаларни эъзозлаш баробарида ўз шаъни-номини бегард сақлаган қалбининг янги-янги манзаралари мен учун ҳалигача Минҳожиддин тимсолида очилаверади”.

– Аввало, бу парчани келтирганингиз учун Сиздан ҳам, бир лаҳзалик сұхбатда Онамнинг қалбини кўра олган, сийратларини суратлантирган қадрдон опам Мұхтарама Улуғовадан ҳам миннатдорман. Биласизми, шу сўзлардан Онамнинг оналиқ меҳрини, ифорини туйғандек бўлдим. Кўряпсиз, кўзим ёшга тўлди, қалб изтироблари, армонлари, соғинчлари ўзини аён этяпти... Онамни соғинибман, тўғриси ҳар куни, ҳар лаҳза соғинаман, ҳозиргиси бошқача бўлди...

– Инсон қандай маррага, манзилга етмасин, онасини эслаганда ўша масрур болалик дамларига қайтади. Сизни улғайтирган даргоҳ, ота макон хотиралари ҳақида сўзлашсак...

– Мен Андижон шаҳрининг энг кўхна масканларидан бирида туғилиб ўғанман. Болалигим шаҳар марказидаги уйимиз, маҳалламиздан ташқари, Алишер Навоий боғида, Андижоннинг эски шаҳридаги Хосиятхон бувимницида ўтган. Маҳалламизнинг қадимий номи “Қатортерак” бўлган, ҳа тўғри эсладингиз,

ўша Чўлпон туғилган маҳалла. Қатортерак – бу кенг тушунча бўлиб, у бир нечта маҳаллаларни бирлаштирган. Чунки Андикон шаҳрининг ҳозирги Алишер Навоий шоҳқўчаси, унинг атрофидаги бир қанча қўчаларни ўз ичига олган худуд каттапар тилида Қатортерак деб аталарди. Яқин қариндошимиз, таниқли шифокор Жўрахон опа Холботированинг (Оллоҳ раҳмат қўлсин) айтишларича, ҳазрати Чўлпоннинг кўп вақти бизнинг маҳалламиздаги қариндошларинида ўтган экан. Улар ҳатто, Чўлпон “Кече ва кундуз” романини маҳалламиздаги қариндоши Дўсмат аканинг болохонасида ёзган, дердилар. Ўйлаб кўрсам, бизнинг маҳалламиз ва бизнинг атрофимиздаги маҳаллалардан маърифатпарвар кишилар кўп чиқкан экан. Атоқли шоирамиз Саида Зуннунова биздан тўртта ҳовли нарида туғилиб ўсган. Раҳматли устозимиз Турсуной Содикова “Агар Алишер Навоий боғининг ўртасидан циркул қўйиб айлантириб чизсанг, Андиконнинг барча улуғлари ана шу доиранинг ичидан чиқади”, дердилар. Восит Саъдулла, Эътибор Охунова, Турсуной Содикова, Мукаррама Муродова, Фаттоҳон Мамадалиев, Обиджон Валиев, Азиза Аминова каби кўплаб таниқли шоир, олим ва санъаткорларни айтишим мумкин. Онам туғилиб ўсган ҳовли бизникидан уч бекат нарида ўша машҳур “Шум бола” кинофильми олинган майдон бозорга туташ маҳаллада эди. Бизни шаҳримизда ота тарафдан катта бобомизнинг номи билан Ҳожимуҳаммадхожининг авлодлари, уларнинг ўғиллари бўлган Абдулқосимбайваччанинг набиралари, дейишади. Она тарафдан эса илдизларимиз Эски шаҳардаги машҳур Жоме ва Девонобой масжидларининг орқа тарафидаги манзилларга бориб туташаркан. Сизга буларни гапириб беряпман-у бутун болалигимиз кўз олдидан худди кино тасмасидек ўтятти. Барча ўтган азизларимнинг аввалида Онам Эргашхонойимнинг суратлари кўз олдидан турибди. Онам ҳамиша юрагимда, айтар сўзимда...

**Гўёки йил эмас, оний хушдайсиз,  
Бир кечалик меҳмон – қочқоқ тушдайсиз,  
Умрим дарахтига бир лаҳза қўниб,  
Яна учиб кетган ўйлчи қушдайсиз.  
Мендан кетаётган кунларим, хайр!**

**Онам-ла кечирган онларим сизда,  
Отам-ла кечирган онларим сизда,  
Қандай қилиб айтинг, қўйиб юборай,  
Қайтмаи кетаётган тонгларим сизда.  
Мендан кетаётган кунларим, хайр!**



## **ЎЗ ҚАЛБИГА ХОС ГЎЗАЛЛИК, САМИМИЙЛИК, ЎЗГАЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛИБ ҚУВОНМОҚ, НАЗАРИ ТҮҚЛИК КАБИ ХИСЛАТ ВА ФАЗИЛАТЛАРНИ ҚАЛБИМИЗГА ЎТҚАЗДИ, ОДАМИЙЛИКДАН, ИЙМОНДАН ДАРС БЕРДИ, ЗАВОЛ КЎРМАСИН ДЕБ ДОИМО НАЗОРАТДА ПАРВАРИШ ҚИЛДИ.**

– Оиласиздаги муҳит, чунончи, сизни шоир қилган омилларга тўхталсангиз. Бунда онангизнинг хизмати, далдаси муҳим бўлган, шундайми?

– Бир пайтлар сухбатда мен “кўнглимнинг тарбиячиси онамдир”, деган эдим. Ўзимиз ҳам отамиз, отам Мирзобекҳожидан ҳам бир умр миннатдорман. Ҳали ҳануз падари бузрукворим ўқиб берган “Кийикнома”, “Иброҳим Адҳам” қиссалари, ҳеч бир китобда ёзилмаган, лекин ҳар бири мактаб бўлишига арзирлик ривоятлар қулоғимда. Барibir назаримда, кўнгилнинг тарбиясида оналарнинг ҳиссаси, таъсири кўпроқ бўларкан. Онам Эргашхонойим (маҳалламиз аёллари, айниқса, ёши улуғ бувиларимиз онамни хурматлаб шундай дер эдилар) бизга борини баҳшида этди.

Ўз қалбига хос гўзаллик, самимиyлик, ўзгаларга яхшилик қилиб қувонмоқ, назари тўқлик каби хислат ва фазилатларни қалбимизга ўтқазди, одамийликдан, иймондан дарс берди, завол кўрмасин деб доимо назоратда парвариш қилди. Онамнинг меҳри, ширин муюамаласи қанчалар ўзига ярашса, кибдан холи бўлган маърифатли салобати, виқори ҳам ўзига ярашиб турарди. Ёшлигига оилавий сабаб билан Тибиёт институтини охиригача ўқий олмаган эканлар. Ҳусниҳатлари жуда чиройли эди. Мен ҳамон улардай ёзишга интиламан. Онам ёшлигига чиройли шеърлар ёзган экан, айримларини ўқиб берарди. Шеърдаги умид, шижоат, сабру бардош, матонат бир умр онамга ҳамроҳ бўлди. Айтган сўзларининг ўзи бир достон эди. Кибрга йўйманг-у, онам жуда чиройли аёл эди. Сурати ва сийрати бир хил... Улар тиккан дўппилар, пиширган таомлари, варақилар, нонлар... Ҳар бир ишга янгича ёндашишга интиларди. Волидам ўз армонларини биз олти фарзанднинг тимсолида орзуга, умидга айлантирган эди. Гулсевар

эдилар, ҳовлимизга фақат райхон экардилар. Эрта тонг ва оқшом пайтлари уларни эркалаган каби сийпаганларида ҳовлимиз жаннат ифорига тўлиб кетгандай бўларди. Бутун маҳалламизга етарди у райхонлар. Кўнгиллари ҳам ўша райхонлар янглиғ ифорли эди. Ҳатто оламдан ўтганларида ҳам биз билан бирга райхонлар ҳам бошини кўксига қўйиб йиглаган. “Онам эккан райхонлар” шеъримни шу боис ҳам йиглаб ёзганман:

**Ҳар тонг туриб сийпарди гул юзларин,  
Эркалаган она каби қизларин,  
Сирдош билиб айтганни дард, сўзларин,  
Ўша чоғлар нени қилмиш баёнлар,  
Достон экан онам эккан райхонлар.**


Жуда чиройли ва ширави овози бор эди. Газални шундай ўқирдиларки... Тўгрисини айтаман, ҳали онамчалик гўзал ғазал ўқиган аёлни учратмадим. “Отмагай тонг”, “Бунча зор этдинг мени”, “Баёт”, “Бу кўнгилдир, бу кўнгил” каби ўнлаб кўшикларни кўйлаганларида сел бўлиб тинглардик. Шунданми, хонадонимизда кўшиқ айтмайдиган киши йўқ. Акаларим, опаларим, синглим, мен – ҳар биримиз соз чаламиз. Уйимизда рубоб, тор, доира, чанг, дутор, электрон мусиқа асблори бор. Лекин шуларнинг дебочаси сифатида дастлаб қалбимга онам айтган “Юлдузим” алласи муҳрланган бўлса ажаб эмас. Чақалоқлигимда бешигимни тебратиб шундай алла айтар эканлар:

**Юлдузим десам ҳам оз,  
Кундузим десам ҳам оз,  
Бу дунёда нима яхши  
Бўлса ундан ўзинг соз.  
Ухла қўзим алла-ё,  
Ухла юлдузим алла...**

Энг қизиги, кейинчалик тилим чиқиб юра бошлаганимда ҳам, уйқум келса тиззаларига бош қўйиб “Юлдузим қилинг...” дерканман ва аллани эшишиб уйқуга кетарканман. Кейинчалик билсан, бу алла ҳассос шоирамиз Саида Зуннунова қаламига мансуб экан. Бу алла юрагимга шу қадар муҳрланган эканки, ҳамма фарзандларим шу алла билан вояга етди. Аёлим бу аллани ўрганди, қолаверса, онам дунёдан ўтгандан кейин ўзим ҳам уларни соғинсан, кичик фарзандларимга шу аллани айтардим.

**– Волидангизни хурсанд қилган дамларингизни эсласак. Аслида оналар боласининг арзимаган эътиборидан кўнгли осмон бўлади. Тўғрими?**

– Ҳозирги Ўзбекистон миллий университети журналистика факультетига 1982 йил киролмадим. Мендан ҳам кўра Онам роса эзилди-



лар. Кейинги йили омадим кулиб, мандатдан ўтиб университетдаги шаҳарлараро телефондан уйга қўнғироқ қилиб, талаба бўлганимни айтдим. Онам анчагача менга тасалли учун айтаяпти, деб ишонмадилар, охири ишонтиридим, курсандчиликдан йиглаб юборди. Ўзбек оналари ўзи шунақа...Ўша пайтда Ўзбекистон радиосида “Субҳидам саломи” эшиттиришини тайёрлардим. Ҳар гал тонгда эфирга кетгандан кейин биринчи қўнғироқ Андижондан бўларди. Волидамнинг дуолари менга куч ва ишонч бағишларди, қалбимни юварди. Кейинчалик тақдир тақозоси билан раҳбарлик лавозимларида ишлаб юрган пайтларимда ҳам онам туриб-туриб шундай деб қоларди: “Болам, бу ишларинг ҳам ёмон эмас-у, шу радиодаги ишинг яхши эди-да...”

**– Онам учун энг гўзал шеърни ёза олдим, деб ўйлайсизми? Умуман, фарзанд қачон мукаррам зот олдидаги бурчдорлигини ҳис эта олади?**

– Йўқ, кўп шеърларим бор, лекин кўнглим тўлмайди. Қандай тўлсин, бутун меҳр оламини шеърга тушириб бўладими?! Фарзанднинг бурчдорлиги мурфак чогидан бошлаб меҳр кўринишида намоён бўлса керак. Бу ҳиссиёт у билан бирга улғаяди. Ўша туйғуни илғаб, унга кулоқ соглан фарзанд онасини рози қилади. Барчага уни ўз вақтида илғаш, оналар дуосини олиш насиб этсин.

**– Агар қиёс керак бўлса, оналарни нимага ўхшатган бўлардингиз?**

– Фариштага, офтобга ўхшатамиз. Лекин аслида онанинг ўхшаси йўқ. Энг меҳрибон ва раҳмдил зот Оллоҳдир, наздимда, оналарни ҳам меҳрдан яратган бўлса керак...

Дилларимизни райхонларга ошино этган, қалбларимизга одамийлик чечакларини эккан, иймонли, оқибатли, ориятли, назари тўқ қилиб ўстирган, кўнгилларимиз тарбиячиси бўлган марҳум ота-оналаримиз, устозларимизни Ҳақ раҳматидан бенасиб этмасин.

**Наргиза АСАДОВА сұхбатлашди.**

# Адолат қарор топди ака-сингил тадбиркорлар оқланди

Ҳаётнинг мураккаб йўлларини босиб ўтиш осон эмас. Гоҳида бошга тушган турли савдолар олдида ожиз ҳам қоласан. Аммо адолатсизликка чидаш қийин. Фарғона вилоятида тадбиркорлик қилаётган ака-сингилнинг тақдирида оғир кунлар бор экан.


Ўзбекистон туманида яшовчи Мунтазамхон ҳамда акаси Сайдали Мухторовга ноҳақ айб қўйилиб, бир неча йиллар унинг азобини тортиш осон бўлмади. Ва ниҳоят адолат қарор топди.

Гап шундаки, ака-сингил суд томонидан ўзганинг кўп миқдордаги 75 миллион сўмлик мулкини ва мулкка бўлган ҳуқуқларини кўлга киритиб, фирибгарлик қилганлик ва ҳужжатларни қалбакилаштирганлиқда айбли деб топилган. Иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда уч йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган.

М. Мухторова айбсизлигини исботлаш учун тинмай ҳаракат қилди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига кассация шикояти ёзиб, оқлов ҳукмини чиқаришни сўради.

Баъзида шошма-шошарлик билан қабул қилинган қарор инсон ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади. Мунтазамхон тақдири билан боғлиқ ишни кўриш жараёнида ҳам шундай бўлди. Далиллар етарли бўлмаса-да унга ноҳақ айб қўйилди. Айбсиз айбдорга айланган бу қизнинг ўтган беш йил давомидаги кўрган-кечиргандарини сўзлаш жуда оғир. У барибири ҳақиқат қарор топишига ишонарди. Шундай ҳам бўлди. Суд ҳар бир ҳолатга эътибор қаратди, натижада судланганлар томонидан фирибгарлик содир этилмаганлиги маълум бўлди.

Иш ҳужжатларига қараганда, М. Мухторова ва акаси С. Мухторов жабрланган Э. Турсунов билан унга тегишли хусусий корхонани 75 миллион сўмга сотиб олишга келишган бўлиб, пулларнинг бир қисмини бериб, ўз зиммасига олган мажбуриятни жиноий жавобгарликка тортилиб, мулкий ноҷор ахволга тушиб қолгани учун бажара олмаган. Бундай ҳолатда улар ўртасидаги низо фуқаролик ёки иқтисодий суд иши юритуви тартибида ҳал этиш лозим бўлади.



Мунтазамхон ва Сайдали Мухторовларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2019 йил 4 ноябрдаги ҳукми бекор қилинди. Жиноят иши тугатилиб, улар реабилитация қилинди.

Тадбиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилган ака-сингил фаолиятидаги ноҳақлик кеч бўлса-да, ўз якунига етди. Уларга нисбатан оқлов ҳукми эълон қилинди.

– Суд томонидан мурожаатимизга холисона эътибор берилганидан хурсандмиз, – дейди Мунтазамхон. – Асосийси, адолат қарор топди. Илгарилари қанчалаб одамлар ноҳақлик курбони бўлган. Биз ҳам шулардан биримиз. Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди. Суд адолат қўргони бўлиб, оқлов ҳукмларини ҳам чиқаряпти. Келгусида бор билим, тажриба ва имкониятимизни тадбиркорлик соҳасидаги янги ғоялар учун сарф этамиз.

**М. Сулаймонов, ўзА**

# ОЛАМГА ШУНЧАКИ келган эмасман



Шоир Файрат Мажиднинг “Гул санам”, “Хеч кимга ўхшамайсан”, “Кўзларинги согинаман”, “Кўксимдаги юлдузлар”, “Ишқа борар ўйл”, “Боболарим юрти”, “Оқкушларга айланар юрак”, каби китоблари, шунингдек, Президенттимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ижод мактаблари ҳақида “Бунда булбул китоб ўқиуди” рисоласи нашр этилган. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида фаолият юритмоқда.

## ВАТАН

Она, сен диплим сөзган,  
Мехр жадвалин тузган,  
Ҳозир тандирдан узган,  
Кулчалар Ватан менга.

Синглим, дунё губорли,  
Озор тўла бозорли,  
Чакканѓаги ифорли  
Гулчалар Ватан менга.

Ўғлим чулдирап гўзал,  
Той-той, пилдирап гўзал,  
Юзим сийпалар гўзал –  
Қўлчалар Ватан менга.

Қизим, юракни тўксак,  
Кўшиқ бўлади бешак,  
Кўзингда кўкдан юксак –  
Дилчалар Ватан менга.

## ОРЗУ

- Ўғлим, юр, – дейсиз кетмонни олиб, Лой қилиб иккимиз пахса урамиз.
- Бугун ҳам шеър ёзай, сиздан ўтинчим, Дадажон, шу ишни эрта қиласиз.
- Дангаса, – дейсиз гоҳ жаҳлингиз чиқиб, Онамми, ҳамиша менинг ғамим ер.
- Бугун ҳам индаманг, қўйинг, дадаси, Бугун ҳам, майлига, ёза қолсин шеър.
- Дада, сиз биласиз, биласиз, она, Кўнглимдан тўқилган мунис ҳазонни. Мен шундай яшайман, бир куни шундай Кафтимда кўтариб Ўзбекистонни!

## ИШҚ АЙЁМИ

Пок ишқ маним қишиларимни ёз айлар,  
Ишқ айёми ўлгунчадир, дилбарим.  
Бу дунёнинг дардлари ҳам дунёнинг  
Паймонаси тўлгунчадир, дилбарим.

Олам орзум рангларини билмайди,  
Кўнглим маним гулгунчадир, дилбарим.  
Тошибилларга гулнинг қадри бор бўлса,  
Саҳродаги ўлгунчадир, дилбарим.

Нафс ўлгурнинг меҳри алалоқибат,  
Мақсад ҳосил бўлгунчадир, дилбарим.  
Нечун кўнгил берай дунё гулига,  
Таровати сўлгунчадир, дилбарим.

Пок ишқ маним қишиларимни ёз айлар,  
Ишқ айёми ўлгунчадир, дилбарим.

\*\*\*

Ҳақдан менинг руҳимга.  
Ҷўғ тушган, зиё тушган,  
Юрагимнинг боғига  
Булбулигўё тушган.

Айттас тилда борини,  
Сўйлар дилда борини,  
Сендан неъмат, Аллоҳум,  
Ор тушган, ҳаёт тушган.

Рўзим менинг рўзимдир,  
Сўзим менинг сўзимдир,  
Битта менга тегишли  
Түғ тушган, туғро тушган.

Гоҳи виждон иҷраман,  
Гоҳи исён иҷраман,  
Ҳаётимга, водариғ,  
Гул тушган, саҳро тушган.

Эй азамат пирларим,  
Росту ошкор сирларим,  
На бўлғай деб аҳволим,  
Сир тушган, ҳулё тушган.

На матлуб, на манзурман,  
Ошиқ Машраб, Мансурман,  
Эй дил, ажаб бу ҳолинг,  
Дард тушган, даво тушган.

Дилга сўймоқ одатми,  
Ёниб, куймоқ одатми,  
Шул қутлуғ саодатми,  
Куй тушган, наво тушган.

Ёр номини ёд айлаб,  
Пайғомини ёд айлаб,  
Мудом ўйғоқ этгувчи,  
Сўз тушган, садо тушган.

Ғулом манам, шоҳ манам,  
Масрур манам, оҳ манам,  
Алҳол, зикру истигфор,  
Дуо, илтижо тушган.



# ОТАМДАН ҚОЛГАН

бүт бор

## ОТАМ ЭККАН ХУРМОЛАР

Отам эккан хурмонинг бошлари бунча эгик.  
Тирговичлар қўйсам ҳам аевалгилик бўлмас тик,  
Боғбонини сўрайди дараҳтлар ҳардамхаёл  
Ҳар япроққа битилган ҳижрондан ҳазин битик.  
Отамдан қолган бу боғ бизга мерос, ҳам юпанч.  
Дараҳт ҳам юпатаркан чекканда соғинчдан ранж.  
Боғ бурчида бор беҳи, унда отамнинг меҳри.  
Бир шохини алмашмам берсалар-да тилло, ганж!  
Отамдан қолган боғда Ҳаловат бор, таскин бор.  
Боғ эгасин соғинган мен каби бир мискин бор.

## БИР ИШҚ БЕРДИНГ...

Азобландим, Фироқ ўтида тобландим.  
Сени деб чеккан ранжу Азбларимга арзийсан!  
Ҳар келишинг байрамона, Қувонч берар дилу жона,  
Ўпдим ҳар бир пойқадаминг Ҳисобларимга арзийсан!  
Кўнгил бердим, умид бердинг,  
Гоҳи ярим ё бут бердинг,  
Маним эрдинг, маним бўлдинг,  
Шитобларимга арзийсан!  
Кундузим тун, тунум бедор,  
Бир ишқ бердинг бўйнимда дор,  
Сени дея ибодату Савобларимга арзийсан!  
Эртаю кеч зикр этдим,  
Шукр, минг бор шукр этдим.  
Орзуим ул – санга етдим,  
Тавоғларимга арзийсан!

## УМР ЎТИБ БОРМОҚДА

Гоҳ долғали, гоҳ сокин,  
Гоҳо олмай бирор тин,  
Кимда армон, кимда кин,  
Умр ўтиб бормоқда.

Кимдир мағлуб, ким ғолиб,  
Кимдир илдам, ким толиб,  
Кимдир ортда кеч қолиб,  
Умр ўтиб бормоқда.

Кимдир баҳтдан мастона,  
Яна ким шод, мардона,  
Ҳаётга олмай қона,  
Умр ўтиб бормоқда.

Ким меҳрга зор бўлиб,  
Кимдир ишқда хор бўлиб,  
Ким сөвмасга ёр бўлиб,  
Умр ўтиб бормоқда.

Кимдир узр сўролмай,  
Ким оёқда туролмай,  
Кимдир бир уй қуролмай,  
Умр ўтиб бормоқда.

Кимдир қўпол, кимдир ўр,  
Кимнинг қалби сўқир, кўр,  
Кимнинг иши доим зўр,  
Умр ўтиб бормоқда.

Кимдан кетган оқибат,  
Кимдандир кетган қувват,  
Кимдир излаб ҳамон баҳт,  
Умр ўтиб бормоқда.  
Умр кетиб бормоқда.



Гулчехра ШАҲОБИДДИН кизининг “Согинч”, “Янги ой чиққан кечা”, “Бахт хумори”, “Сўз зарби”, “Садараийхон ифори”, каби ўнлаб шеърий тўпламлари нашр этилган. Ҳарбийларимиз мавзусидаги “Тугалланмаган парвоз” номли хотира-эссе китоби адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган.

## ОНАЖОН, КЕЧИР...

Тирикчилик дебман, ташвишлар дебман,  
Эрта-кеч рўзгорим ғамини ёбман.  
Болам-чақам дебман, тўй-ҳашам дебман,  
Ишга эрта кетиб, ярим тун кебман.

Онам омонат, деб ўйламабман ҳам,  
Яхши кунларимни кўрмабман баҳам.  
Минбарларга тўкиб энг асл сўзни,  
Дардингиз сезмабман, бўлмабман, малҳам.

Сизни ўлмайди деб ўйлаган сўқир –  
Бу қалбни қарғалар чўқиса арзир.  
Камин тўлдирай деб ўтар дунёнинг  
Савдои кунига бўлибман асир.

Беназир, тенгсизим, биллур-шаффоғим,  
Борлиғим, хилқатим, шамсу қамарим.  
Минг таассуф чексам-да қайтмас жаннатим,  
Қўлдан кетган давлат, кетган самарим.

Сизсиз ложувардмас, осмонлар кир-чир,  
Сизсизлик аламдир, баҳт – икир-чикир.  
Дунё ҳам айланар теграмда чир-чир,  
Онажон кечиргин, Онажон, кечир.

Фарзанд бўлолмадим сенга муносиб.  
Казо-казоларга қилибми таъсуб  
Бошим осмонларга тегиб қолибди.  
Энди ОНА демоқ бўлмайди насиб,  
Онажон, кечиргин, жон она, кечир!



# ПОКИЗА ЙЎЛНИНГ ЙЎЛОВЧИСИ

**С**анъатнинг барча турлари зуваласи завқу жозибадан қорилади. Ҳунармандчиллик ҳам касбу кор дейилгани билан барибир ана шу завқу жозибадан узоқ эмас. Айнан шунинг учун бўлса керак, ўзига қадрдан бўлган олам – қўғирчоқлар дунёси ҳақида гапирганда Шоҳсанамнинг овози достон куйлагётган бахшининг товушидай турланади:

– Устахонамга кирганимда икки елкамдан қанот ўсиб чиққандек ўзимни жуда енгил ҳис қиласман. Тириклик ташвишларидан буткул узиласман. Қалбимни болаликнинг беғубор хотиралари чулғаб олади. Қўлимдаги ҳар бир ашёга болаликнинг тиник кўзлари билан қарайман. Ўша бетакрор фаслнинг орзулари, қувончлари билан қанча қолиб кетсам ҳам сира зерикмайман...

Гапларининг самимий эканига шубҳа қилмайсиз. Чунки Шоҳсанам 30-йиллардан бўён ҳунармандчиллик билан астойдил шуғулланади: асосан миллий қўғирчоқлар ясади. Ҳунарманддан ниҳоятда нозик дид, фаросат, айни дамда билим ва хаёлот кенглигини талаб қилувчи бу касбнинг ўз кишисига айлангунча Кўқон шаҳрининг 4-Фиштили масжид кўчасида истиқомат қилувчи, Республика “Ҳунарманд” ўюшмаси аъзоси Шоҳсанам Худойбердиева анча баланд-паст йўлларни босиб ўтди. Айниқса, яхши ниятлар билан курган турмуши бузилиб, икки фарзанд билан ота уйига қайтиб келганида қаноти қайрилган қуш алфозига тушди. Кўпинча кутлуғ остона – қизлик уйидан ёруғ юз билан, табаррук

“Ёр-ёр” лар садоси остида чиқиб кетиб, озми-кўпми вақт ўтгач, ҳақ бўлса-да, боши эгик қайтиб келган аёллар синиб қолади, қайта ўзини ўнглай олмайди. Баъзилари ҳатто ҳаёт йўлларида адашиб кетади. Шоҳсанамнинг тақдиррида изтироб бўлди, афсуслар бўлди, лекин адашиш бўлмади. Узоқ йиллар темир йўл бекатида машинист бўлиб ишлаган, кейинчалик хусусий таъмирлаш фирмасини бошқарган отаси Шарифжон Худойбердиев, болалар боғчасида тарбиячилик қилган онаси Саломатхон ая қизи ва набираларини қанотлари остига олишди.

– Ёлғон тақдир экан, кўп ҳам ўзингни қийнама. Қўлингда дипломинг, юрагингда бир олам нақшларинг бор, ора йўлда қолиб кетмайсан, – дейишиди.

Шоҳсанам ўқувчилигидаёқ мактабнинг фаол қизларидан эди. Юмшоқ ўйинчоқлар тикир, рақс тўғарақларига қатнар, мактаб ва маҳалла тадбирлари унингсиз қизимасди. Расмдан дарс берадиган устози: “Менинг Шоҳсанам қизим Шамсирўй Ҳасановадек рассом бўлади”, – деса, у қатнашадиган “Гуллола “ансамбли раҳбари Дилбархон Мансурова: “Йўқ, Мукаррамахонимдек раққоса бўлади”, – деб талашарди.

Шоҳсанам кўнглида ҳар иккисига майл бўлса-да, отасининг: “Қизболанинг ота-онаси бағридан узоқ кетмагани яхши”, – деган гапидан чиқмасдан Кўқон педагогика институтининг тарбиявий ишлар методикаси факультетига кирди. Диплом олиш арафасида кейинчалик ёлғонга чиқкан тақдирга боғланди. Лекин худойимнинг ҳар бир ишида хайр борлиги аниқ. Шоҳсанам ҳам бу турмушдан бир жуфт ўғил топди.

– Ёлғиз аёлнинг ёстиғи тошдан бўлади, деганлари ҳақ. 26 ёшимда бош эгасиз қолдим. Кимнингдир отган кесаги менга тош бўлиб тегди. Атрофимда туман айланса, чанг, дедилар, тўзон, дедилар. Лекин тишимни тишимга қўйиб, чидадим. Бир умр ҳалол меҳнат орқасидан нон, шон, ном орттирган ота-онамнинг меҳрига суюндим, уларнинг ишончидан куч-куват олдим. Бир пайтлар эрмак, юланч бўлган қўғирчоқ ясаш асосий машғулотимга айлана борди.

Дунёда beminnat яхшилик қиласиган инсонлар кўп экан. Шу ўринда кўп йиллардан бўён театрда бош рассомлик қиласиган устозим Қаҳрамонжон aka Мамазиёевни ҳурмат билан тилга олгим келади. У киши қофоз бўлакларидан қўғирчоқ ясаш сирларини ўргатдилар.

Шоҳсанам Худойбердиева ўзи ва кейинчалик ундан касб сирларини ўрганган шогирд қизлари ясаган қўғирчоқлар билан турли тадбирларда иштирок этар экан, Барчиной, Зумрад, Қиммат, Малика, Ойгул исмлари билан майдонга кирап экан, улар маънавий тарбиянинг болаларбоп воситаси эканлигига ишонч ҳосил қила борди. Болалар боғчасида, мактабда, тўгаракларда фаолият олиб бориш билан бирга, бошқа бир томондан қўғирчоқларни қўймади.

Бир муддат икки ўғлимни олиб Туркияга кетдим. Меҳмонхона ошонасида ишладим. Ош-овқат орасида фаррошлиқ ҳам қилдим.

Кейинги ишларим учун бироз жамғарма йиғиш ниятида қилаётган юмушларимнинг омонат эканлигини ҳарлаҳза ўзимга таъкидлаб турардим. “Меҳнатнинг айби йўқ, Шоҳсанам. Икки ўғлинг икки ёнингда икки қалқонинг. Сенга заррача совуқ шамол тегмайди. Насиб қилган куни Ватанингга ёруғ юз билан қайтасан ва олтинга teng хунарингни келган жойидан давом эттирасан...”

Шоҳсанам хорижда шундай ишонч ва далда билан яшади ва меҳнат қилди. Айтгани бўлди. Мана, бир неча

**- БИЗНИНГ ДОСТОНЛАРИМИЗ, ЭРТАКЛАРИМИЗ БОЛАЛАРИМИЗ ЮРАГИГА МАРДЛИК, ЖАСОРАТ ИШТИЁҚИНИ СОЛАДИ. ҲАЛОЛЛИК, МЕҲНАТСЕВАРЛИК, ПОКИЗАЛИК ДАРСЛАРИДАН САБОҚ БЕРАДИ. МЕНИНГ ҚЎҒИРЧОҚЛАРИМ АНА ШУ ҲИССИЁТЛАРГА ШАКЛ БЕРАДИ, УЛАР БИЛАН ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ТАСАВВУР КЎЗГУЛАРИДА АЗИЗ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ УЗОҚ, ЖУДА УЗОҚ ЯШАБ ҚОЛАДИ.**

иилдирки ҳовлисидағи шинамгина устахонасида шогирд қизлари қуршовида севимли хунари билан шуғулланади. Муроджон, Бекзоджон ўғиллари ҳам ёнига кириб қолишиди. Ҳўқанди латифда ўтган Ҳалқаро ҳунармандчилик фестивали, “Йил аёли” кўрик-тандлови, “Ўзбекистон аёлларининг 100 та яхши инновацион лойиҳаси” каби катта кўламли тадбирлардаги муваффақиятли иштироки қули гул ҳунармандни элга таниди. Унинг ранг-баранг либослардаги қоракўз қўғирчоқларига ҳатто хорижликлар ҳам мафтун бўлиб қолишиди. Ғолибликнинг бир тарафида фахрур турса, яна бир томонини масъулият ҳисси эгаллайди. Ўз фаолиятининг устаси сифатида маълум маррага етиб келган одамнинг энди орқасига йўли йўқ. У фақат олдинга интилиши, аввалгидан кўра кўпроқ куч билан ишлаши керак бўлади. Шоҳсанам Худойбердиева ҳам айни кунларда шундай ҳиссиётлар билан яшаётгани ҳақ.

– Бизнинг достонларимиз, эртакларимиз болаларимиз юрагига мардлик, жасорат иштиёқини солади. Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, покизалик дарсларидан сабоқ беради. Менинг қўғирчоқларим ана шу ҳиссиётларга шакл беради, улар билан фарзандларимизнинг тасаввур кўзгуларида азиз қадриятларимиз узоқ, жуда узоқ яшаб қолади. Мен қўлимдаги ҳунарга шунчаки иш деб қарамайман. Инсоннинг камолоти йўлидаги содик ҳамроҳлардек ишонаман ўзимнинг ижод маҳсулотларимга...

Ҳунарманд аёлнинг суҳбатидаги ёруғлик сизнинг ҳам кўнглингизга кўчади. У билан бирга юксалиш, мукаммаллашиш йўлида қалбан йўлдош бўлиш истаги уйғонади.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**



Муяссар ТИЛОВОВА

# Кўккўл қўшиқи

ҲИКОЯ

“Үглинг қанча кўп бўлса авлодларинг шунча бисёр, илдизинг мустаҳкам бўлади. Қиз бола бироннинг хасми, бир куни ўрнини топса, отасини ҳам, туғишганларини ҳам эсламайди. Қиз болалардан фойда йўқ. Вояга етказиб қўшқуллаб биронга топширгандан кўра, қизинг бўлмагани дуруст”. Сайфи дароз бу гапларни доим тақорорларди. Шунинг учунми, уч ўғлидан кейин қизи Гулсара туғилганида унчалик қувонмади. Бу фарзанди худди осмондан тушгандай, ўз пушти-камаридан бўлмагандай, чақалоққа эътибор бергани йўқ. Бу гадойтопмас ерларда чақалоқ туғилса, унга исм қўйиш учун овулдан анча узоққа, шаҳар марказига бориш керак. Дарознинг вақт, пул сарфлаб бориб келишга кўзи қиймади. Шаҳарга қатнайдиган ҳамқишлоғидан илтимос қилиб қўя қолди. Буни қарангки, ўша таниши хўп дейишга деди-ю, лекин қизалоққа қандай исм қўйишганини сўрамабди. Иш битмай қайтишга кўнгли бўлмагач, Гулсара деб ёздириб келаверибди. Шундан бери бемаврид туғилиб қолган гўдакнинг исми Гулсара бўлиб кетди. Бу воқеадан сўнг орадан қанча сувлар оқмади. Сайфи дароз ҳозир мункиллаган чол, ҳимоясиз қизалоқ эса улгайиб қолди. Улар яшайдиган Кўккўл атрофини аввал кўрган одам энди танимайди. Кенг майдонни катта завод эгаллаган. Илгари балиқчилик билан кун кўрадиган қишлоқ одамларидан ҳеч бири балиқ овлашга кўлга келмай қўйган. Ҳозир илгариги мўл балиқлар қайда дейсиз? Баъзи турлари бутунлай йўқолиб кетди, борлари ҳам жуда кам. Қайиқ ясатиб, тўлқинлари пишқириб ётган кўлга тушишга арзимайди. Бир вақтлар шу тўлқинлар бағрида, уларнинг қаршилигига чап бериб сузган қайиқлар қишлоқда дароздан бошқа ҳеч кимда қолмаган. Чол ҳар-ҳар замон ёрочлари чириб қолган қайифидан ўзи ҳам гумонсираб қирғоқ атрофида сузиб келади. Үнинг бир қўшиғи бор. Ҳали кўлда сузмай туриб, ёнига яқинлашиши билан куйлашни бошлайди. “Агар Кўккўлнинг олдида, ўзи ҳақидаги қўшиқни айтиб берсанг, она кўлнинг меҳри

иийиб кетади ва балиқларидан мўл-мўл беради”, – дея изоҳ бериб қўяди атрофидагиларга.

Кўккўл бизнинг онаизоримиз.  
Кўккўл бизнинг халоскоримиз,  
Багрида ўйнайди балиқлар,  
Кўккўл бизнинг ризқу рўзимиз.  
Кўккўл бизнинг онаизоримиз.  
Кўккўл бизнинг ризқу рўзимиз.

Сайфи дароз бу қўшиқни катта ўғли Нурматга айтиб берди. Ўғил отасининг овози азбаройи ширалилигидан сел бўлиб эшилди-ю, аммо ўзи ҳам қўшилиб кўйлаб кўришга унамади. Яна айтиб беришини илтимос қилганида эса кўнгли оғриган чол рози бўлмади. Отасининг аразалаганини кўргач, Нурмат қайтиб қўшиқни сўрамади.

Сайфи дароз қўшиқни иккинчи ўғли Холматга айтиб берди. Бу ўғил эса жиллақурса акасига ўхшаб тинглашни ҳам удаламади. Энсанини қотириб бош қашлади-да, қўшиқ охирига етар-етмас, ўрнидан туриб кетди. Шундан кейин чол ўғлига қайтиб қўшиқ ҳақида гапирмади.

Дароз қўшиқни кичик ўғли Норматга айтишини бошлиши билан ёшлигидан эркароқ ўғсан ийтит отасига бобиллаб берди.

– Кичкиналигимиздан бери бир хил қўшиқ. Одамни хит қилиб юбордингиз. Бўлди-да энди.

Чолга оғир ботди, лекин индамади. Чунки ўйлаб қараса, фарзандининг гапи тўғридай. Ахир ўғиллари эндиғина атак-чечак қила бошлажанидан бери ҳар куни қулогига аzon айтгандай шу қўшиқни айтади. Безор бўлиб кетишлари табиий. “Бу ота-бобосининг қўшиғи, нима учун эшитиш жонларига тегаркан?” Таслим бўлишни истамаган чол яна фурданиб қўйди.

– Ўзинг айт, қизим, қўшиқнинг нимаси ёмон? – Дароз атрофидан ҳеч қандай тингловчи тополмагач, охири қизига юзланди. – Бу қўшиқни бобом айтган, кейин мен, энди навбат болаларимга келганида улар айтиш тутул, эшитишни ҳам исташмаяпти. Ахир, ўз тарихини билмаган, ота-бобосини танимаган, уларнинг нима иш қилганини англамаган одам қандай қилиб келаjak ҳақида ўйлайди? У худди илдизсиз дарахтга

үхшайди-ку. Бундай дараҳт қанчалик катта ва баланд бўлмасин, барибир сўлиб қолади.

Қизи гапларини эшитдими-йўқми чолга фарқи йўқ. Фарқи бўлганидаям нима? Ахир яқин атрофда унинг эски ҳикояларини, Кўккўл, ундаги балиқлар ҳақидағи афсоналарини шу эсипаст қиздан бошқа эшитадиган ким ҳам бор?

Гулсара аслида ҳамма болалар тенги ақли-хуши жойида, келишган, хушбичимгина қиз эди. Агар ўша ҳало-кат рўй бермаганида овулнинг энг шайдоси кўп қизи бўларди. Уғилларини овга чиқишга кўндиrolмаган дароз “Менам борай, балиқ тува оламан”, дея кўзларини мўлтиллатган беш яшар қизчасини ташлаб кетолмади. Ўша куни ов роса бароридан келди. Ота-бала Кўккўлда тебранаётган ўркач-ўркач тўлқинлар оша ҳозир тахталари чириб қолган бўлса ҳам, илгари бу атрофда унга тенг келадигани йўқ қайифида кўл ҳақидағи қўшиқни бирга куйлашиб олис-олисларгача сузишган. “Қизим, қўшиқни ўғилларимдан яхши айтяпти, ундан ҳам ниманидир умид қилсан бўлар” дея биринчи марта хаёлидан ўтказганди Сайфи дароз. Етарлича балиқ тувишгандан кейин ҳам ота қизига кўлнинг олис сарҳадларини, тиниқ сувлар ҳайқириб бошларини дам-бадам ураётган нариги қирғоқларини кўрсатгиси келди.



— Кўккўл бизнинг онамиз, — дароз ён-верини адоқсиз сувлик қоплаган кенглика тикилиб қизига гапирди. — Бизнинг тарих жуда узоқ, ота-боболаринг ҳув анави тоғлар ортида яшашган, кейин тириклик оғирлашгач, кўл атрофига кўчиб келишган экан. Уларни кўл балиқ билан, ризқ-рўз билан таъминлаган. Овулимизнинг балиқчи дейилиши шундан. Сен ҳеч қачон аждодларингни боқкан, доим кимлигингни эслатиб турган бу жойларга беписанд қарама. Тўғри, қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Авлодларимиз, қадриятларимиз давомийлиги акаларингнинг қўлида. Қизлардан бирор нима талаб қилинмайди, жиллақурса эслаб-эслаб тур, дейман.

Овга чиқаётганларида осмон тиниқ эди, аммо тушга бориб булуғлаша бошлади. Қайиқни ортга бургандаридан қуиши бошлаган ёмғир зум ўтмай қаттиқ бўронга айланди. Дароз илгарилариям бундай ҳолатга кўп дуч келган. Бироқ ўша пайтларда ё бир ўзи, ёки ёнида забардаст бирор шериги бўларди. Энди-чи, энди ўзи-ку майли, ёнида ҳимоясиз қизи бор. Боягина умрида биринчи марта қизини одам ўрнида кўриб, у билан дилдан гаплашаётган одам, кутурган шамолда қайиқ ўзига бўйсунмай қолгач “Аёлларга қарғиши теккани шу-да, улар бор жойда фалокат оёғинг остидан чиқаверади”, дея аччиқланди. Туси ўзгарган отасидан, умрида кўрмаган ваҳимали шамол, кўпикланган тўлқинлар ичида чорасиз эканликларини ҳис қилганидан юрагига ваҳима тушган қизча қайиқнинг орқа бурчагига бориб ғужанак бўлиб қунишиб олган. Отаси эса эшкакларни ёлғиз эшавериб ҳолдан тойган, атрофни қоплаган қоронғилик ичида тез-тез чақаётган чақмоқ ёргуида узун қўлларининг ҳар чиранганида бўртиб кетаётган томирлари кўринади. Тинч пайтларда нари борса, туюнинг ўркачига тенг бўлган тўлқинлар ҳозир овул атрофидаги тепаликлардан баланд, ўкириб ўзини қайиққа уради. Ёғоч қайиқ ҳар силкинганида қарсиллаб иккига бўлиниб кетадигандай ёки тўнкарилиб тушадигандай туюлади. Отасининг жаҳл устидаги турганини кўлни, шамолларни бўралаб сўқаётганидан, ҳар-ҳар замонда қайиқ тумшугига мушт тушираётганидан сезган қизалоқ, қанчалик қўрқаётган бўлмасин, ундан паноҳ, ёрдам сўролмади. Шунинг учун қайиқ атрофидаги тошлардан бирига урилиб, синиб кетганида у отасидан узоқда, боши нимагадир урилиб, ҳушини йўқотгач, анчагача сувда қолиб кетганди. Жони омон қолишга қолди-ю, эрталаб уларни қидириб овулдаги бошқа балиқчилар келгунича отаси билан кичик оролчада, ёмғир остида қолиб кетишиди.

Гулсаранинг бошидаги жароҳат тез битди, аммо яранинг ўрнигина битди, холос. Дароз ортиқча харажат деб қизни шаҳардаги касалхонага олиб бормай, ота-бобоси қўллаган усуслардан фойдаланиб қўя қолди. Ҳаммаси ўшандан бошланди. Гулсара аввалига ўша кунни, кейинроқ болалигини, қишлоқдошларни унута бошлади. Ота-онасининг кимлигини, ниҳоят, ўзининг кимлигини унуганида келиб текширган доктор вақт ўтганини, энди иложи йўқлигини, ҳаракат қилган билан фойдасиз эканини айтди.

“Одатда, қизлар уйини эрга текканидан кейин унтарди, меники эса шунгачаям етолмади. Худо бу ишда ҳам қистангага ўхшайди”, дея секингнига гудраниб қўйди докторнинг гапидан кейин дароз.

Кўл атрофида заводнинг қурилганида ҳаммадан ҳам Сайфига қийин бўлди. Уч ўғлиям шаҳарда ўқиб келгач, шу ерга ишга жойлашиши. Энди уларда балиқ овлашга вақт қаёқда дейсиз? Бунинг устига, она кўлда балиқлар илгаригидек сероб эмас. Заводнинг оқава чиқиндиси тўғри кўлга келиб қуйилади. Соҳилдаги харсанг устига чўккалаб кўлни соатлаб кузатадиган чол унинг суви тортилиб бораётганини, бошини соҳилга ураётган бебош тўлқинлар ҳам аввалгидек тоза, зилол эмас, ранги қандайдир тундлашганини пайқайди. Фақатгина устида чағалайлар учачётган кўлга қараб бир вақтлар бу ерларда ўзининг овулдошлари билан кўплашиб балиқ овига чиққанларини, ўлжанинг кўплигидан қийшайиб қолган қайиқларни елдириб келишганини эслайди. Ўшанда одамлар ҳозиргига ўхшамасди. Эҳтимол, жуда ақлли бўлишгандир, эҳтимол, эси пастроқ. Лекин ҳаммасининг кўнглида номлаб бўлмайдиган нимадир бор эди. Турли овозларнинг бирга янгранидан, осмону фалакка ўрлайдиган қўшиқ акс-садоси дарознинг қулоқларини жазиллатиб ўтгандай бўлади. Овулда ўзи тенгилардан ҳеч ким қолмаган. Чол қисиқ кўзларини олисларга қадаб бошқаларнинг ҳисоби учун ҳам кўлга узоқ термилади.

Сўнг ортига ўгирилиб, йигирма беш йилдан бери ҳар куни шу кўл атрофида изгийдиган Гулсарага сўз қотади. Қиз гап маъносига бормасада, худди ўзини эшитаётгандай кўрсатиб, бошини қўйи солганча жим тураверади.

– Бизнинг мана бу еримизга, – дароз мушти билан кўкрагини муштлайди, – асли ким эканимизни, кимларнинг фарзанди эканимизни ва қандай яшашимиз кераклигини ўргатиб, қон-қонимизга сингдириб кетиши. Биз-чи? – гапининг шу ерида қисиқ кўзларида милтиллаган ёш ҳалқаландади. – Биз нима қилдик? Ҳатто, ўз болаларига гапи ўтмайдиган гўрсўхтага айландик. Сен она кўлга қара. Уни бир вақтлар сулоласининг бошини, ота-боболарини боқсан одамларнинг авлодлари ҳалок қиляпти. Мен балиқчиларга сардор бўлганимда ҳали ёш ўфилларимга қараб, ўлмаслигимни, уларнинг, набираларимнинг сиймосида қайта-қайта тугилаверишимни ўйлаб фахрлардим.

Гулсара отасининг гапини охиригача эшитмади. Соҳил бўйлаб бепарво юриб кетди.

Ҳафсаласи пир бўлган дароз қизининг ортидан қўлларини асабий силкитиб, яна харсанг устига ёнбошлади. Аммо..., аммо шу пайт Гулсаранинг майин овози янграй бошлади.

Кўккўл бизнинг онаизоримиз.  
Кўккўл бизнинг халоскоримиз.  
Бағрида ўйнайди балиқлар,  
Кўккўл бизнинг ризқу рўзимиз.

Сайфи ота қандай ўрнидан туриб, ўша ёққа бориб қолгани эсида йўқ. Маъносиз нигоҳлари тўлқинларга қадалган қизига ўзгача меҳр, ҳайрат билан боқарди.

– Сен... сен... – отанинг лаблари титраб кетди, – сен бу қўшиқни биласанми?

Гулсара жилмайиб бош силкитди.

– Қаердан биласан?

– Бошим тошга қаттиқ урилган куни айтиб бергансиз. Жудаям чиройли куйлагандингиз.

Гулсара гапи тугагач, тағин уй томон шошилиб кетди. Ортидан термилиб қолган чол эса нима дейишини билмасди. Шу чоғ отанинг кекса кўнглида минг йиллардан бери мудраб ётган пўртана бош кўтарганди. “Мени кечир, қизим, аҳмоқ отангни кечир...”

Дароз қай томон юраётганини ўзи билмас, фақат шаҳдам одимлаётганидан қайси-дир ёдидан кўтарилиган муҳим ишини қилмоқчига ўхшарди. “Мен қари аҳмоқ авлодимнинг давомчиси фақат ўфилларим деб ўйлабман”. Чол яна нималардир деб гудранар, эски қайиғи боғлаб қўйилган жойга яқинлашгани сари оёқ олиши тезлашарди. “Она Кўккўл, ҳали сен ҳақингдаги қўшиқ унтилмабди. Афуски, уни мен ишонган ўфилларим эмас, қизим куйляпти. Бунинг учун одам авлодларида айб йўқ, ҳамма гуноҳ менда”. Сайфи дароз чинор шохларидай узун ва ингичка бармоқлари қалтираб, эскилигидан сирти могорлаб қолган қайигини сув томон сурди. Анчадан бери қимирламай туравериб, оғирлашиб қолибди. Амаллаб сувга тушириди. Кўл доимгида сокин, тўлқинлар қуёш нурида жимирилади. Дароз эшкакларни аввалига қийналиб, кейин эса енгил эша бошлади. У ёлғиз, эски, аммо қадрдон қайигида кўлнинг охири уфққа уланган томонига қараб сузиб кетди.

Гулсара ҳали кетмаган экан, у анчагача чолнинг бир бўллагига айланиб қолган қўшиғини эшитиб турди. Отаси узоқлашиб, кўздан йўқолгач, овози ҳам, қўшиқ ҳам тинди.

Ўфиллар тун яримдан оққан эса-да, қайтмаган оталарини роса қидиришарди. Дароз еру кўкда йўқ, бирор уларнинг ҳеч бири Гулсарадан бир оғиз сўрамасди. Чунки қиз сонда ҳам, саноқда ҳам йўқ эди.

Буни билган, идрок этолган қиз эса, “У Кўккўлда, мен яхши кўрган қўшиқни айтипти”, – дея бирор эшитмайдиган қилиб шивирлаб қўярди.

# Мен қилеман үттиз...



Халкнинг, миллатнинг ўзига азиз, фақат қалб билан англанадиган қадриятлари мужассам бўлгани учун тўй ўтказиш расмига жуда нозик муносабатда бўлинади. Ҳатто одамларнинг тўпланиши бер оз хатарли ҳисобланган ҳозирги пандемия шароитида ҳам никоҳ тўйларини ўтказиш деярли тўхтатилмади. Фақат юзага келган вазият тақоси билан маълум чекловлар ўрнатилди, холос. Ҳар доимгидек кўзим, қулоғим элдошларимизда бўлгани учун бу борадаги гап-сўзлардан тўла хабардорман, десам ҳам бўлади. Ҳозир айни пишиқчилик – тўйлар фасли бўлгани учун шу мавзу айланаётган давраларга кираман.

Ўттиз киши билан тўй ўтказинг, дегувчиларга ташаккурларимиз бисёр. Айтилганидан битта ҳам оширмадик. Никоҳ, курсандчилик, дастурхонлар – ҳаммаси жой-жойида бўлди. Бирорта қариндош:

“Биз бехабар қолибмиз, таклиф қилинмабмиз”, дея гина ҳам қилмади. Аксинча: “Муҳими, ёшларнинг баҳти. Борсак-бормасак, дуодамиз”, дейишди...

– Дабдабали тўйлар ихчамлашиб, ресторон-кафеларга сарфланадиган жарақ-жарақ пулларга ёшларнинг ўзларига керакли буюмлар харид қилганимизни айтинг. Бўлар экан-ку шунаقا ақл-фаросат билан тўй ўтказсан ҳам...

Бундай фикрлар кўп ва хўп айтилмоқда. Айниқса, ёшларнинг ўзларидан:

– Пандемия ўтиб кетгандан кейин ҳам шу тарздаги ихчам тўйлар ўтказиш одати давом этиши керак, бу биз учун ҳар тарафлама маъқул, – деган таклифларнинг бўлаётгани шахсан биз – ёши улуғларни курсанд қиляпти.

Лекин ўнта бармоқ бир хил эмас, деганларида тўйлар борасидаги нуқтаи назарлар ҳам турлича. Мана, яқинда бир тўйнинг таърифини гапириб беришди. Эмишки, тўй соҳиби ҳафтанинг беш кунида ўттизтадан одам чорлаб, беш марта дастурхон ёзибди. Биринчи кун ота уруғи, иккинчисида она тараф қариндошлар, қўни-қўшилар, гапдаги биродарлари... Ўттизни бешга кўпайтирасак ҳамишаги тўйларнинг саноғи чиқади. Ҳар гал салатлар, хўл меваларнинг янгилангани, таомларнинг ҳам қайта пиширилишини эътиборга оладиган бўлсак, харажатлар аввалги тўйларникидан ҳам ошиб кетади. Бу масаланинг бир жиҳати, холос. Кўзга кўринмас оғат одамлар оралаб юрганида, хасталиклар кўпайиб, ҳатто йўқотишлар алами ҳам юракларимизга юқ бўлиб тушаётган бундай кунларда тақрор-тақрор катта-кичикни бир жойга тўплашда хатар йўқ, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди-ку. Асли ўзи чекловлар мана шундай хавфнинг олдини олиш учун ўрнатилган эмасми? Ўзларининг уйига ўттизта, қўшни уйларга яна нечталаб ўттизлар меҳмон чорлаётганларни ҳам биламиз. Ресторон, кафеларда икки-учталаб жойни тузаб тўй ўтказаётганлардан ҳам хабаримиз бор. Булар кўзбўямачилиқдан бошқа нарса эмас-ку. Биз кимнинг кўзини бўяб юрибмиз? Ахир, аслида камхарж, ихчам тўй ўтказиш таклифи бизнинг, аҳолимизнинг саломатлиги, қолаверса ҳаёт тарзимиз осон кечмаётган шу кунларда рўзгоримизнинг тўқислигини ўйлаб қилинган тадбир эмасми? Ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборот воситаларида тўйлар, бошқа катта-кичик йигинларда бир пайтнинг ўзида бир неча одамга касаллик юқсанни, бунинг оқибати баъзан ачинарли якун топгани ҳақидаги хабарларни ўқиб, эшитиб турибмиз. Наҳот, бундай ҳолатлар ҳам бизни ҳушёр тортирумаса?! Бу ҳаётда баъзи бир хатарлар борки, уларни бартараф қилиш инсоннинг ихтиёрида бўлмайди. Одам боласи ҳарчанд истаса-да, ундан қутулишга заифлик қиласди. Аммо биздан талаб қилинаётгандек ихчам тўй ўтказиш, иложи борича, бир даврага кўп кишини йиғмаслик – бу одамнинг қўлидан келадиган иш.

Қўлимиздаги ишдан қолмайлик, азизлар!

РОСТОНБУВИ

# Истеъдоднинг жуфт қаноти

**Инсон туйғуларини тарбиялайди. Қалбга завқ-шавқ сурини солади. Шундан мусиқани дилдан ҳис қилган инсон ҳаётсевар бўлади. Агар бу одам муаллим, ўргатувчи бўлса-чи?.. Унинг санъатга бўлган меҳри кенг аудиторияга ўтади...**

**А**йгул Надирова. Бу исмни эшигтан одамда қорақалпоқ халқининг миллий либосида, “саҳро булбуллари”га хос ширали ва ёқимли овози билан қардош халқнинг бой мусиқий санъатидан намуна ижро этаётган гўзал ва латофатли аёл кўз олдимизда гавдаланди. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти педагогика факультети мусиқий таълим кафедраси доценти Айгул Надирова қорақалпок ва ўзбек халқлари мусиқа санъатини ривожлантириш йўлида сермаҳсул фаолият олиб бораётган фидойи инсонлардан биридир.

Санъатсеварлик унга отадан мерос. Отаси Базарбай Нукус шахридаги маданият ва санъат коллежида умрининг сўнгги кунларигача ёшларга мусиқа санъатидан дарс бериб келди. Айгул кўпинча отасига эргашиб коллажга борар, турлича садо бераётган мусиқа асблолар унга мўъжизадек бўлиб туюлар эди. Дутор торлари, пианино клавишларини бармоқларида силаб, ўзини чолгучилар ўрнида тасаввур қиларди.

Бу тасаввурлар ёш қизалоқни Нукус давлат санъат билим юртига бошлади. 1994 йил мазкур

таълим муассасасининг фортепиано мутахассислигини имтиёзли диплом билан битириб, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг мусиқа ва дунё маданияти тарихи мутахассислигига ўқишига кирди. 1999 йилда институтни битириб, меҳнат фаолиятини мазкур даргоҳда мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлашдан бошлади.

Институтда мусиқа назарияси, гармония, мусиқа тарихи, вокал ва замонавий мусиқа, қорақалпоқ мусиқа тарихи фанларидан ёш авлодларга маъруза ва амалий дарсларни ўтиб келмоқда. У ҳар бир дарс машғулотини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишига ҳаракат қилиб, мутахассисликка оид таълимий ўйинлар, “Тушунчалар таҳлили”, “Муаммоли таълим”, “Эссе”, “Блиц” сингари замонавий ўқитиш усулларидан, тақдимотлар, мультимедиа воситалари, ахборот коммуникация технологияларидан, шунингдек, инновацион педагогик технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда олиб боради.

Ҳозирги пандемия шароитида республика олий таълим муассасаларида ўқиш масофавий шаклда



олиб борилаётгани сабабли дарсларни онлайн ташкил этиш, айниқса, институт веб-сайтидаги “Moodle” тизими саҳифаларига маъruzалар ҳамда видеодарсларни жойлаштиришда намуна кўрсатмоқда.

– Техника – таълим сифатини кўтариш учун яхши восита. Лекин мен ўз талабаларимдан кўпроқ табиий воситалардан фойдаланишни, бармоқларида қўбиз, чанқовуз сеҳрини ҳис этишини талаб қиласман, – дейди муаллима.

У амалиёт билан илмни ўз фаолиятининг жуфт қанотидай кўради. Бугунги кунга қадар илмий-педагогик фаолияти давомида 20 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар муаллифи сифатида ўз илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини илмий-оммабоп журналларда, хусусан, Россия Федерацијаси, Франция, Германия, Украина ва бошқа хорижий давлатларда, шунингдек, республика миқёсидағи нашрларда чоп эттирган. Унинг “Қорақалпоқ мусиқа тарихи” номли дарслиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгашга тавсия этилиб, вазирликнинг буйруғи асосида нашр қилишга рухсат берилган.

Орқасига қайрилиб қарагандан: “Мана шуларга менинг меҳнатим



сингиган, кетсам йўлларимда изим бор”, дея хотиржам яшайдиган бағрикенг устоздир.

Айгул Надирова фаолияти давомида бир гурӯх иқтидорли талабаларни илмий-ижодий танловларга, фан олимпиада-рига тайёрлади, уларнинг ютуқларидан суюнди. Шогирлари Байрам Пердебаев, Раджив Атажанов, Гулнигар Сапаевалар Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган артист, ёш бахши Мұхаммед Торебеков “Ниҳол” давлат мукофоти совриндори, яна бир умидли бахши қиз Динара Нуралинова Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлганида ҳамкаслари муаллими ҳам табриклидилар. Бу муносиб шогирларнинг ҳар бири гулдаста кўтариб келганда, ўзини боғ яратган боғондек сезиб фахрланди.

Айгул Надирова дарсда қанча самимий, серзавқ бўлса, Мустақиллик, Наврӯз байрамлари муносабати билан Тошкент ва Нукус шаҳарларида ташкил этиладиган умумхалқ тантаналарида ва бошқа йирик оммавий-маданий тадбирларда куйлаганда ҳам шундай дилбар, дилтортар...

Фидойи меҳнат ерда қолмайди. Қаҳрамонимиз 2007 йилда Ўзбекистон Ҳалқ таълими вазирлигининг “Ҳалқ таълими аъло-чиси” кўкрак нишони, 2013 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони ҳамда 2020 йил Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Нишондор ўқитувчи оиласда меҳрибон она, муносиб рафиқа ҳамдир. Ўғли Темирбек Москва шаҳридаги Миллӣ тадқиқот университети Олий иқтисодиёт мактаби магистранти, қизи Айсанем эса Тошкент тиббиёт академияси талабаси. Бошқа-бошқа қасбни танлаган бўлишса-да, фарзандлар уйга жамланганда сухбат соз билан давом этади.

Биз қорақалпоқ ҳалқ қўшиклари, замонавий оҳангларни ёшлар орқали олис-олис огуллардаги мактаб болаларига улашаётган жонкуяр санъаткорнинг билими, дунёқарashi, одоби, овози билан юртимизга бир сийлов сифатида қадрлаймиз.

**Ислам МАТЕКОВ,**

Нукус давлат педагогика институти матбуот котиби.



# Мисиз ёв билин юзма-юз...

Мантиқ тарозисининг бир палласига инсон соғлигию иккинчи палласига, айтайлик, бу дунё моддий неъматларининг наздимизда энг бебаҳо, ноёбу камёб бўлиб туюлганлари қўйилса ҳам, қадру қиммат жиҳатидан биринчи палла салмоғи олдида иккинчисиники енгил хас-хашак мисоли бўлиб қолади. Агар тарозининг бир палласига кишининг умри қўйилса-чи, иккинчи томонга... Йўқ, бу дунёда айни ғанимат, бетакрор неъмат – ҳаётнинг тенги, ўрнини босиши мумкин бўлган ҳеч нарса йўқ. Бу оддий ҳақиқат!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг фармони билан** коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, юртимизда санитар-эпидемиологик осойишталикини таъминлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг матонати, билим ва салоҳияти, профессионал маҳоратини намоён этиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги фидойилиги учун фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланган бир гурӯҳ юртдошларимиз рўйхати билан шошилмай танишарканман, хаёлимдан юқоридаги фикр ўтди.

**Хукуматимиз томонидан “Фидокорона хизматлари учун” ордени** билан тақдирланган Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори **Дилдора Рустамова** билан сұхбатлашиб асносида кўпчилик тасаввур этиши ҳам қийин бўлган фидойилик – эл соғлиги учун ҳар қандай вазиятда камарбасталикни ҳис этдим. Бу шифокорининг учта фарзанди, уч нафар набираси бор.

– Касбимни жуда яхши кўраман, – Дилдораҳон гапини шундай бошлади. – Беморлар кундан-кунга кўпайиб, ёрдамга муҳтоҷ бўлиб турганда, қандай қилиб четда туришим мумкин? 20 марта бошлаб, қарийб тўрт ойдан буён шифохонадаман, орада бир ҳафта соғлигимни тиклаб келдим.

Тўрт ой давомида оила, уч фарзандиу набираларини кўргиси, бағрига босгиси келмайдими, соғинмайдими она?! Тўрт ой давомида куну тун ҳар хил кайфият, турфа ҳо-

латдаги bemorларга қарав, уларни тинглаш, англаш, кўнглини кўтариш, ҳаммасига бирдек меҳру муҳаббат, умид улашиш осонми? Аммо Дилдора Рустамова бу ҳақда оғиз ҳам очмади. Телефон орқали мен билан сұхбатга қисқа вақтини ажратган бўлса-да, фикру хаёли bemorларда эканини гапларидан англадим:

– Бизни энг кўп қийнаган муаммо – айрим юртдошларимизнинг ўз соғликларига ўта бепарволиклари. Касаллик белгилари кўрингандан кейин ҳам уйда ўзлари даволанмоқчи бўлиб, билиб-бilmай муолажалар қилиб, ўнглаб бўлмас аҳволга тушиб қолаётгандар оз эмас. Баъзиларнинг ўзи ва атрофидагилар соғлигига ўта эътиборсизлиги ҳамон оғир ҳолатлар, ўлимларнинг асосий сабаби бўлиб турибди. Яқинда ўттиз ёшли йигитни бехуш ҳолда “Тез ёрдам”да олиб келишди, у нафас ололмай қолганди. Коронавирус юқтирганини билгандан кейин ҳам ўзича дори ичib, ишга бориб келаверган. Оила аъзоларини ҳам хавфга қўйган, касалини юқтирган. Шифохонамизда керакли дори-дармонлар, замонавий тиббий анжомлар етарли бўлишига қарамай, йигитга ёрдам беролмадик, чунки дард унинг аҳволини ўта оғир даражага келтириб бўлган экан. Коронавирусни енгишда инсон руҳиятининг тетик бўлиши жуда катта аҳмиятга эга эканини кўриб турибмиз. Умидсизлик, кайфиятсизлик дарднинг оғирлашувига олиб келади. Шуни ҳаммага тушунтиряпмиз, дейди Дилдора куюнчаклик билан.

Фаргона вилояти Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими ҳамшираси, “Соғлом турмуш” медали соҳиби **Турсуной Ибрагимова** билан ҳам телефон орқали боғланмоқчи бўлдик. Лекин у bemorларни муолажа қилиш билан банд-

лигини, ҳали-ҳозир бўшамас-лигини айтишди. Ҳамкаслари Турсунойнинг 28 йилдан бўён шу ерда ишлашини, касалхонага 23 марта короновирус юқтириган илк бемор келиб тушгандан бўён ҳозиргача хизматда экани ҳақида меҳр билан гапириши. Беморлардан ўзиям вирус юқтириб олиб даволаниб келибди-ю, “Энди ҳамшира сифатида ҳам, коронавирусни бошидан кечирган тажрибали маслаҳатчи сифатида ҳам bemорларга ёрдам беришим керак”, деб яна ишга қайтиби.

Қадим китобларда ширинсўз, мулойим, меҳру мурувватли, ғамхўр аёлларни таърифлашда (ким бўлишидан қатъи назар) “ҳамшира” сўзини ишлатганлар. Ҳа, бу кенг маъноли сўзга муносиблик аёл учун нечоғли шараф, ярашимли!

Мукофотланганларнинг олти нафари вафотидан кейин “Жасорат” медали билан тақдирланганлар. Улар, наздимизда, эзгу мақсад йўлида орқа-олдига қарамай курашга дадил кирган қаҳрамонлардир. Зеро, шундай кишилар борки, улар элу юртга фидойилик, жасорат, холислик билан хизмат қилишни оддий инсоний бурч деб биладилар, фаолиятларида бу эътиқоддан ҳеч оғишмайдилар. Республика шошилинч тиббиёт ёрдам илмий маркази Қорақалпогистон филиали неврология бўлими катта ҳамшираси Зулфия Жуманиязова ҳам ана шундай меҳридарё, мурувватпеша, тиниб-тинчимас тиббиёт ходимларидан эди. 35 йил давомида У. Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази жонлантириш бўлими ҳамшираси, В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус филиали катта ҳамшираси, Республика шошилинч тез тиббиёт ёрдам илмий маркази Қорақалпогистон филиалининг дастлабки жонлантириш бўлими, сўнгра неврология бўлими катта ҳамшираси... Саноқлардан кўриниб турибдик, олий тоифали ҳамшира Зулфия Жуманиязова доим



тиббиётнинг энг оғир, алоҳида масъулият-талаб, ўз ҳаловатидан кечиб ишлаш керак бўлган нуқталарида фолият кўрсатди. Ҳа, у чин маънода ҳамшира эди. Ногиронликнинг олдини олиш борасида фидойи меҳнат қилди, кўплаб шогирдлар тайёрлади, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга катта ҳисса кўшди. Хизмат вақтида «Covid-19» вирусига чалиниб ҳаётдан кўз юмди. Касбини садоқат билан жасорат ишига айлантирган Зулфия Жуманиязова вафотидан кейин “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Мукофотланганларнинг юздан ортикрофи аёллар – опа-сингилларимиз. Ва улар билан ёнма-ён – пандемия билан юзма-юз туриб ҳалқ соғлиги учун курашаётган тиббиётимизнинг муҳтарама фидойилари юз-юзлаб! Тилсиз ёв билан курашда вафот этганлари ҳам оз эмас

(Аллоҳ раҳматларига ғарқ этсин!)  
Уларнинг барчаси энг олий мукофотларга муносиб.

Имкон бўлса, тиббиёт ходимларининг ҳар биттасини табриклагинг, миннатдорчилик билдиргинг, дил сўзларини тинглагинг келади. Оқ ҳалатли кучли тоифа вакилларига чукур эҳтиромимизни изҳор этган ҳолда, бугун чин маънода айримларнинг ҳаёт-мамоти учун кураш кетаётган соғломлаштириш масканларида шифокор, ҳамшира, энага, хона бекаси, фаррош бўлиб меҳнат қилаётган опа-сингиллар, дугоналарга алоҳида меҳру ташаккуримизни изҳор эта-миз. Ҳафталаб, бир неча ўн кунлаб, ҳатто ойлаб беморларга парвона бўлаётган, қўли, тили, дилининг малҳами билан юзлаб дардманлар жисму руҳини енгиллаштириш, касалини аритиш учун курашаётган азизу мукаррамалар, баҳтимизга ўзингиз ҳам соғ-омон бўлинг. Яхшиликнинг жавоби яхшиликдир. Бошқаларга кўрсатган мурувват, меҳрибонлик, фидойиликларингиз, инشاоллоҳ, ўзингизга бир неча баробар ортиғи билан қайтсан, деган тилагимизни ҳар лаҳза ҳис этиб туришингизни, Аллоҳдан бу ниятлар ижобатини сўраймиз.

**Мухтарама УЛУГОВА,**  
Республика Маънавият ва  
маърифат маркази масъул  
ходими

# Эллинг кўрки, ифтихори улар

Ҳар кўклам бошида бир-биридан гўзал ва лобар, адабиёт, илм-фан, спорт каби йўналишларда етук бўлган қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлиб, элу юртимизнинг кўркига, ифтихорига айланишади. Бу йил ҳам ана шундай эзгу анъана давом эттирилиб, юксак мукофотга лойиқ топилган ёшлар талайгина бўлди. Биз уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

## Ватан манзаралари – менинг илҳом манбайм

Китоб шундай дўстки, киши ҳаёти учун энг муҳим бўлган яхшиликларни бера олади. У шундай мўъжизаки, инсонларни баҳт ва омадга элтади. Йўқса, олис Жиззах вилоятининг хушманзара Бахмал туманида туғилган қизалоққа совға қилинган Пушкиннинг китоби ва ундаги рангли суратлар қизчада ҳаётида тасвирий санъатга бўлган иштиёқ ва меҳрни уйғотиб юборармиди?..

Моҳинур Жалолова болалиги улуғ тоғлар бағрида, тиниқ булоқлар қошида кечганилиги учун ҳам бугун у чизган суратларда айнан табиат манзаралари устуворлик қилади.

Бу йил Камолиддин Беҳзод номидаги дизайн ва рассомчилик инстититути талабаси бўлган Моҳинурнинг ниятлари катта.

– Асли жizzахликман. Кейинчалик Тошкент вилоятига кўчиб келган бўлсам-да, қалбимда туғилиб ўсан диёрнинг соғинчи, бетакрор манзараси ҳамиша уйғоқ. Яъни илҳом манбайм ўша ер, ўша сувлар ва дилга яқин одамлар, – дейди

Моҳинур. – Республика рассомлик ва дизайн мактабида жуда кўп устозлардан ранг-тасвир сирларини ўргандим. Таникли рассомлар Ортиқали Қозоқов, Бобур Расуловларга шогирд тушдим. Тасвирий санъатнинг кўламини, унинг жозибаси ва жилосини ҳамон ўрганиш жараёнидаман. Бадиий адабиётни ўқишни яхши кўраман. “Кеча ва кундуз”, “Ўтган кунлар”, “Чинор” каби асарлар доимий ҳамроҳим.

2016 йил Чехия Республикасининг маданият, таълим, ёшлар, спорт, ташқи ишлар вазирликлари ҳамда Юнеско ташкилоти томонидан ташкил этилган 44-халқаро ёш рассомлар кўрик-танловида, шу йил Болгариянинг Монтана шаҳрида бўлиб ўтган “Миллый рақс” мавзусида ёш рассомлар кўрик-танлови ҳамда Россия Федерацияси Владимир шаҳрида бўлиб ўтган XV халқаро ёш рассомлар пленэрида 1-даражали “Фахрий ёрлиқ” ҳамда олтин медаль билан тақдирландим. Энг катта ютуғим жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотини муҳтарам Президентимиз кўлидан олганим бўлди. Ўша бетакрор лаҳзалар ҳаяжонлари ҳали ҳам мен билан бирга. Турли йўналишлар бўйича тақдирланган биз қизлар март ойида бўлган ўша кунги учрашувда шу қадар қувондикки, қарасам ҳамманинг киприклиари намланган. Биласизми, бу севинч ва баҳт ёшлари эди. Шу ёшда давлат раҳбари томонидан рағбат кўриш биздек ёшларга катта ишонч ва кўтаринки руҳ берадики, буни сўз билан таърифлаш қийин.



## Қиличлар жарангига ҳамиша мафтунман

Юртимизда спортта қаратилаётган эътибор туфайли ёшлар орасида мунтазам спорт билан шуғулланадиганлар кўп. Айниқса, қизларимизнинг бу борада ютуқлари талай.

Шаҳноза Тоғаймуродова ҳам спортнинг қиличбозлик турига болалиқдан меҳр қўйган. Машғулотлар олиб борилаётган Ўзбек жанг санъати федерациясига биринчи марта ойиси билан кириб борганда спортчи қизларнинг қўлида зардан жаранг сочайтган қиличларга маҳлиё бўлиб қолди. Қизларнинг абжирлиги, рақибларига қилаётган нозик, аммо шиддатли ҳужумлари уни шу спортта ошуфта этди-кўйди. Кейин...

– Қиличбозликка 2015 йилда ойим билан устозимнинг олдига келган бўлсак, ўтган йиллар мени бу йўналишда тинимсиз изланишимга, машғулотларда чиниқиб, ўз устимда ишлашимга имкон бўлди, – дейди Шаҳноза биз билан суҳбатда. – Шу йилларда Алишер Содиқов, Адҳам Ҳайдаров сингари мураббийларимдан соҳанинг энг зарур жиҳатларини ўзлаштирудим.

Бир қараганда, қиз бола учун қиличбозлик мушкулдек. Бироқ унинг ўзига хос яхши томонлари бор. Чақонлик, зийраклик, чапдастлик каби хислатларни шакллантиришда бу спорт турининг аҳамияти катта. Мен ҳозир сабле (қилич)да кунига беш соат шуғулланаман. Ҳаракатларим самараси ўлароқ, республика ҳамда ҳалқаро мусобақаларда иштирок этдим. Айниқса, 2018 йил Дубай шахрида ўтказилган Осиё чемпионати сира ёдимдан чиқмайди. Турли давлатлардан келган ёшлар ўртасида кечган мусобақа анча муросасиз ўтган. Жуда кучли ва тажрибали тенгдошларимни кўриб, ғолиблар сафида албатта бўлишим керак, деган фикрга келганман. Япониялик тенгдошим билан кечган беллашувда ғолиб бўлиб, фахрли 3-ўринни эгалладим.

Энг катта ютуғим жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилганим бўлди. Энди бу ишончни оқлаш ҳаракатидаман.

Келажакда юртимиз шарафига шараф қўшадиган моҳир дипломат бўлиш орзуимдир.

**НАРГИЗАБОНУ** тайёрлади.



# Санобар

**Ү**н етти ёшли қизнинг тасаввуримиздаги суврати ва сийрати қандай? Биз кўпинча уларни “муҳаббат” тушунчаси билан ёнма-ён қўямиз. Гўзал бўлишга, соч турмаклари, пардоз-андозга майл уйғонган, турфа либосларга ҳавасманд бўлган бир алфозда кўз олдимизга келади. Бу тасаввур қачон, қандай муносабат билан хаёл кўзгумизда муҳрланиб қолган, билмайманку-я, лекин бугунги ёшларимиз, бугунги ўн етти ёшлилар бу тасаввурларимизни бутунлай бошқа ўзанларга буриб юборди. Ҳозир битирувчи қизларимиз даврасига тушиб қолсангиз, уларнинг билимдонлиги, зукколиги, дунёқарашининг кенглигидан ақлингиз шошади. Айниқса, Санобарга ўхшаганларининг шу ёшида қилган ишларию эришган ютуқлари ҳақида ўйласангиз, келажагимиз буюк бўлишига ишонгингиз келади. Давраларда тез-тез айтилаётган “Биздан энди Фарғонийлар, Андижонийлар, Хоразмийлар чиқади”, деган орзуларга қўшилгингиз, “Илоҳо, шундай бўлсин”, дея дуолар қўшгингиз келади. Гап бугунги ёшларга берилаётган эътибордан фойдаланиб, кун-бакун ўзининг истеъдод қирраларини кашф этаётган қизлардан бири

Андижон шаҳридаги 55-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Санобархон Акрамовага келиб тақалган экан, у ҳақида муфассалроқ сұхбатлашсак...

– Бўладиган бола бошидан маълум, дейишади-ку. Санобар менинг энг серсавол ўқувчиларимдан бири эди, – дейди унга бошлангич синфда таълим берган устози Наргиза Алиева. Албатта, устоз ҳам тийрак кўзчаларини кўзига тикиб: “Нимага, нега?” деб турган ўқувчисининг раъйини қайтармади. “Катта бўлгандা билиб оласан”, демади. Баъзан дарсдан кейин бўлса-да, Санобарнинг беғубор фикратига ёшига мос чиройли сўзлар ёзишга, яъни тушунчалирини тўлдиришга ҳаракат қилди.

– Кейинги йилларда таълим сифатига берилаётган катта эътибор, мактабларга, умумун ҳаётимизга техниканинг шиддат билан кириб келиши, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш учун бўлаётган умуммиллий ҳаракатлар Санобар Акрамованинг ҳам таржимаи ҳолини кетма-кет муваффақиятлар билан зийнатлай бошлади.

Халқимиз бошига тушган синовли кунларни ҳар ким ҳар хил қабул қиляпти, ҳар

ким ҳар хил ўтказяпти. Қувонарлиси шундаки, ҳали ҳаётнинг ранжу озорларини тортмаган қиз бу кунларга ўзининг чиройли амаллари билан гўзал маъно-мазмун беришга уринди. Ахир, ҳар бир киши ўз имконияти даражасида эзгу ишлар қилса, ҳаёт машақатлари чекинади-ку. Жумладан, Санобар Акрамова.

– Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни муносабати билан Давлат экология қўмитаси бир неча ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказган “Озон – ҳаёт учун” видеороликлар танловида иштирок этиб, республика миқёсида биринчи ўринга муносиб кўрилди.

– БМТ нинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ва яна бир неча нуфузли ташкилотлар томонидан ташкил этилган “Ёшлар одам савосига қарши” креатив видероликлар танловида эса республикадаги иштирокчи тенгдошлари орасида иккинчи ўринни эгаллади.

– Ҳали “Бувижон, дуоларингиз ижобат бўлди, яна ғолиб бўлдим”, деб телевизор билан келади, ҳали ёстиқнинг ярмайдай телефонни “ҳадяга беришди”, дея суюниб кўтариб келади. Неварагинамнинг орқасидан уч синглисиям нималидир бўлиб қолди, – дея уй юмушларида ҳам эпчил, дастёр Санобарни алқаб гапиради бувиси Саодатхон ая.

Санобар видеороликлари билан ғолиб бўлган танловларнинг номи бу ҳаракатчан қизнинг қанчалар кенг кўламда фикрлаётгани, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишга бор имконияти билан интилаётганини билдиради. “Ҳаётга қўшил”, “Карантинни ҳандай ўтказяпмиз?”. “Ёзги таътилни самарали ўтказишнинг 10 та қоидаси”... Бу танловларда иштирок қиласар экан, у атрофига таҳлилий кўз билан қарайди. Янгича ёндашувлар ахтаради. Буюк Бретания, АҚШ, Австралия каби ривожланган давлатларнинг ёшлар тафаккурини ўстириш



мақсадида ташкил этган ўқув курсларида онлайн тарзда ўқиганлиги бундай ёндашувларни топишида кўл келади.

Доимий равищдаги фикрий ҳаракат Санобарга янги ғоялар берди. У мактаб ўқувчиларининг карантин даврида бўш вақтларини қандай ўтказётганини тасвирловчи янгиликлар дастурини тайёрлаб, муаллифлик кўрсатуви сифатида 8 та сонини ижтимоий тармоқларга қўйди.

– Бугунги ёшлар бошқача. Санобар қизимиз тайёрлаган “Биз билган ва билмаган Ҳиндистон” номли ҳамда Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” асари асосида ги ижодий кўрсатувлар фақат ўқувчилар учун эмас, катталарга ҳам қизиқарлидир. Биз бундай келажаги бор ўғил-қизларимизни ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз, ёрдам берамиз, – дейди мактабнинг маънавий ишлар бўйича директор ўрибосари Сайджаҳон Исмонов.

Санобар Акрамова журналист бўлишни орзу қиласи. Бугунги изланишлари, изланиш йўлидаги меҳнатлари, муваффақиятлари эртага орзулари ушалганда унга тажриба, маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Мухсимахон  
Собирова,**  
Андижон шаҳридаги  
55-умумтаълим мактаби  
ўқитувчиси.

# “НАМУНА”НИНГ НАМУНАЛИ МИРИШКОРЛАРИ

**Й**ўлнинг икки юзидағи ишкомли уйларга ҳавас билан нигоҳ ташлаганча манзил томон боряпмиз. Кўзлаганимиз – шу обод масканда кафтдеккина томорқасидан даромад олаётган, эл-юртига ноз-неъмат улашаётган, давр имкониятлари туфайли тадбиркорликка илк қадамларини қўйган қўштепаликлар билан сұхбатлашиш, улар ибратини тарғиб қилиш. Зеро, мамлакатимизда томорқадан унумли фойдаланиш бўйича Юртбошимиз ташаббуслари билан кенг қамровли ҳаракат бошланганига анча бўлди. Озиқ-овқат хавфсизлиги энг долзарб масалалардан бирига айланиб, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш вазифаси долзарб тус олган бугунги пандемия шароитида давлатимиз раҳбари бошлигидаги ҳаётга тадбиқ этилган мазкур ислоҳотнинг нақадар халқчиллиги ўз исботини топди.

Жорий йилнинг қисқагина даврида экин экиш, ихчам иссиқхона куриш, паррандачилик, чорвачилик ва бошқа йўналишлар учун салмоқли маблағлар ажратилганинг ўзиёқ карантин шароитида ҳам ер эгаларига катта мадад сафарбар этилаётганини билдиради.

Бугун биз мулоқотга чорлаётган тумандошларимиз “Намуна” маҳалла фуқаролари йигинига қарашли Мустақиллик кўчасидаги қўшни хонадонлар соҳиблари. Умрзаковлар хонадонида бизни оила бошлиғи Тўланбой ака кутиб олдилар. Дарвозадан кириб ҳовлидаги озодалик, саранжомликдан баҳри-дилимиз очилди. Рўпарадаги ишкомда ток новдаларига атайлаб териб қўйилгандек шокила-шокила узум мевалари ўй эгаларининг боғдорчиликда уста бўлиб кетганини кўрсатиб турибди.

– Вой, келинглар, – дея очик юз билан қарши олган Азизахон опа саломлашиб асносида кўлларини қоқиб, хижолатомуз жилмайди. – Узр, кўчадаги ги-лосни тераётган эдик...

Ишни ишга улаб ўрганган каттаю кичик шу баҳона бир муддат тин олди. Келинлар чаққонлик билан якандоз тўшаган сўрига ўтириб, юртга тинчлик-ободлик, дехқончиликка барака сўраб дуо қилингач сұхбатимиз тезгина қовушиб кетди.

– Менинг касбим ошпазлик, аёлим чевар, – дейдилар Тўланбой ака, – тўртта фарзандимиз ҳам бари касб-корли. Лекин ерга меҳримиз бўлакча. Мана, кўриб турибсиз, бўш жойнинг ўзи йўқ. Ток остидан яқиндагина картошка ҳосилини йигиб олдик. Узумларимиз чаккимас, ўтган йили 20 миллиондан зиёд даромад олганимиз, бу йил кўпроғини ният қилиб турибмиз.



– Томорқанинг иши ҳам ўзига яраша бўлади, кўплашиб қарамасангиз бўлмас?

– Ха, албатта, – дея сұхбатга қўшилдилар Азизахон опа. – Ўғилларимиз Жамшидбек, Фарҳоджонлар курувчилик билан банд, лекин келинларим Зарифахон, Нозимахонлар яқин ёрдамчи. Қизларимиз Мафтунахон, Маҳбубаҳонларнинг болалари ҳам тез-тез ҳашарга келиб туришади. Астойдил бўлсанг, одамдан иш қочиб кутулмас экан. Мана, бир ойдирки, оиласи тадбиркорликни ҳам йўлга қўйиб олдик.

Шундай деб бизни чоғроққина хона томон бошладилар.

Тўртта замонавий тикув машинаси ҳозирги кун талабига кўра оралиқ масофа билан жойлаштирилган, бурчакда тахланиб турган газлама хом ашёси иш жараёни анча қизғинлигини кўрсатиб турибди.

– Чевар бўлишимни онам раҳматли орзу қилгандар, – деб ҳикоя қиласиди Азизахон опа. – Ўқув курсида шу хунарни ўрганиб, йиллар давомида эски тепки машинада ул-бул тикиб юрардим. Ип билан битадиган барча иш кўлимдан келади. Аммо, тўғриси, кичик бўлса ҳам ўз цехим бўлиши ҳақида ўйласам, бу факат орзудай туюлар эди. Энди ўзим шоҳидман – бизнинг юртда излаганга имкон топилар экан! Мана бу машиналарга бир қаранг, унча-мунча чокни кўрдим демайди. Бирам енгил, фириллатиб тикиб ташлайди! Иш қуролинг соз бўлса, ҳавасга ишлар экансан.

Азизахон опа Президентимизнинг хотин-қизларни кўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатларидан хабардор бўлиб, ўзгаришларни кузатиб руҳланиб кетди. Умр йўлдошига цех ташкиллаш ниятидан сўз очганди,

у киши ҳам муллоҳаза қилиб, хайрихоҳ бўлдилар. Сергайрат аёлнинг ташаббуси ерда қолмади. Ортиқча югур-югурларсиз, республика Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлигининг кўмаги билан туман ҳокимлиги томонидан тўртта сўнгги русумдаги тикув дасттоҳи имтиёзли асосда келтириб берилди. Карабисизки, оиласидаги аёллардан ташқари, эпли-уқувли қўшнилардан Саидахон, Севараҳонлар ҳам ишли бўлишди. Буюртма олишни ҳам йўлга кўйган ишбилармон аёл ҳозирда чевар қизлари билан вилоят онкологик шифохонаси учун матрас кўрпачалар тикишаётган экан. Келажак режалари эса анча салмоқли:

– Ҳозирча тўрт нафар ишчимиз бор. Ҳўжаниним ўғиллар билан маслаҳатлашди, ҳовлининг нариги томонига яна бир катта хона куришга келишдик. Худо берса, цехни кенгайтириб, ишлаб чиқаришга айлантирамиз. Янги ишчи ўринларини яратамиз.

Албатта, ҳар қандай йирик бизнес кичик қадамдан бошланади. Кейинги, 42-хонадонда ҳам ана шундай дадил мақсадли кишилар билан учрашишга муяссар бўлдик. Кўча томонда, сўнг ичкарида батартиб токзор, маржондек узум шингиллари бу йил ҳам ҳосилнинг чўғи баланд бўлишига умид уйғотиб турарди. Ҳовли сахнида иссиқхона, ундан сал берида усталар хом гиштдан бино тикляяптилар. Бу яна бир миришкор оила, нафақа ёшида ҳам ёшлардан зиёда меҳнати билан томорқани хазинага айлантириб яшаётган Раҳмоновлар хонадони экан.

Оила бошлиғи Мухторжон aka Фаргона нефти қайта ишлаш заводида, кирқ йиллик тажрибага эга ошпаз Санобархон опа эса тумандаги 36-богчада ишлайдилар. Қизлари Саодатхон ва Сапурахон тиниб-тинчиганлар, ўғиллари Абдурашид ва Абдурасул устачилик қилишади. Томорқа ва иссиқхона ишларида келинойлар Мафтунахон ва Шоҳсанамхон кўмакчилар. Ўтган йил ноябрда барпо этилган иссиқхона икки сотихни эгаллаган бўлиб, унда помидор, бодринг ва қалампир етиштирилади.

– Инсон доим ҳаракатда бўлиши керак, – дейдилар Санобархон опа Раҳмонова. – Турмуш ўртогим иккимиз нафақадамиз деб қўл қовуштириб ўтиришини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Давлат ишини ҳам, томорқадаги ишни ҳам канда қилмаймиз. Ўтган йили иссиқхона куриш мақсадида узум савдосидан йигилган 18 миллион сўмни ҳеч иккимай сарфладик. Мана, ҳаражатини қоплашни бошлади: ҳозиргача кўчат билан плёнкага сарфлаган пулимиз ортиғи билан қайтди. Бир йилда уч марта ҳосил олишни кўзлаяпмиз, августда янги кўчат қўямиз.

Тўққиз набирали бобо ва бувининг файратига ҳавас қилгулик, интилишлари эса ҳайратга солади. Айтишларича, қурилаётган ярми очиқ бино гул уруғлари ва иссиқхона учун кўчат етиштиришга мўлжалланган экан.

– Помидор кўчати бақувват бўлсин учун ён шохлари синдириб олинишини деҳқонлар яхши



билишади. Уларни ташлаб юборишга кўзим қиймай, сувга солиб кўйгандим. Вақт ўтиб қарасам, бинойидай илдиз отиб қолибди. Дарҳол елим идишга экдим ва кўчатлар етиштира бошладим. Кўни-кўшни, яқинларимга тарқатдим. Демак, ўзимизнинг қўлумиздан келаркан. Шундай экан, кўчатни ҳам ўзимиз тайёрлаймиз, деб аҳд қилдик. Гулларни яхши кўраман, турли навларнинг уругларини тайёрлаш ниятим бор. Албатта, бино қурдиришдан олдин соҳани интернет сайтларидан яхшилаб ўргандик, тажриба йигиш учун Олтиариқча бориб келдик, кўриб-билиб, кейин жазм этдик.

Дарвоқе, Санобархон опанинг токларни пайвандлаш маҳорати ҳақида ҳам тўхталиш жоиз, шу кунгача жуда кўпчиликнинг ҳожатини чиқарганлар. Томорқа ишига ижодкорона ёндашаётган Раҳмоновларнинг келгуси режаларида экинни томчилатиб сугоришга ўтиш ва катта ўғилларининг ер участкасида беш сотихлик иссиқхона ташкил қилиш ниятлари бор.

Даромаднинг ilk нишонларидан қувват олиб, эртанги кунга ишонч билан олға қадам ташлаётган юртдошларимиз меҳнати оиласидар фаровонлиги, эл ризқининг мўллиги ва пиравардида карантин шароитида юзага келган мураккаб вазиятнинг салбий оқибатларини юмшатишга ҳисса бўлиб қўшилаётгани шак-шубҳасиз. Ўзидаги шароитни тўғри баҳолаб, тупроқдан ризқрўз ундириш имкони озми-кўпми, ҳар бир томорқа эгасида бор, аслида. Давлатимиз енг шимарган томорқачига ёрдам беришга тайёр, бунга асос сифатида қатор меъёрий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилган. Факат кунт ва ишонч лозим. Умид қиласизки, “Намуна”лик юртдошларимизнинг файрат-шижоати бошқаларга ибрат бўлади.

**Гулчехра АСРОНОВА,**

Суратларни

Бахтиёр РЎЗИОХУНОВ олган.

# Яйианинг ёқимли ёлғонлари

Нимҳазил

Яйиа энг кенжабирирамиз. Тўрт ёшда. Биз уни негадир, шу исм билан аташга одатланганимиз. Унинг ўзи ҳам шуни хоҳлади. Асли исми нима, дейсизми? Мунаввара! Бироқ ундан, “Отинг нима?” – деб сўрасангиз, “Яйиа!”, – деб жавоб беради.

Бу сўзнинг асл маъносини, ўзи билмаса, тўғриси, биз билмаймиз. Бироқ шуни аниқ биламизки, шу исм унинг ўзига ёқади ва бизга ҳам!


Яйиа, шунақаям ёқимтойки! Нима иш қилса, ўзига бирам ярашишини айтинг. Ўзиям, тоза меҳнаткаш – чақонча: ойиси бир соатда зўрга эплайдиган ишни ярим минутда бажаради. Қозон-товоққа уннаса, таоми беш сонияда пишади. Ҳа, ишонаверинг! Айрим япасқи қизларга ўхшаб, аччиқ ичақдай чўзилиб, битта картошкани беш дақиқа арчиб, ивирсимайди.

Ана, ойиси нонуштага қўймоқ пиширмоқчи. Мунавваранинг қўймоғи келинимиз тухумни чақишига улгурмай, аллақачон дастурхонимизда бўлади. Чойларини айтинг, шунақа ҳушбўй, шунақаям тиниқ. Бунақа ҳуштаъм чойни хитой хонимлари туғул, япон нозанинлари ҳам дамлашолмайди.

Уни чақонча дедим. Чақончаки, онаси авир-савир қилгунча, ўйинчоқ газининг бир кўзида манти димланган, бошқасида чучвара қайнаётган, чойгум вақиллаётган бўлади.

Овқатларининг мазасини айтинг: ум-м, уларни емабсиз, дунёга кемабсиз!

Яна бир сирни очай, чақончамиз жудаям кўли енгил шифокор. Ҳар қандай касални бир зумда даволаш сирларини Андикондаги бувижониси Фарида опадан ўргангандаги. Фарида опа вилоятга донғи кетган жарроҳ. Тиббий асбоб-ускуналарини қачон, қандай ишлатишни, ўша кишидан кўриб, ўрганиб олган. Ойиси ҳам шифохонада врач бўлиб ишлайди-да.



Даволаш бобида у ҳозир онасини-ку қўйинг, ҳатто, бувижонисидан маҳоратлироқ, ҳа! Масалан, қон босим ошса, қайси билакнинг қаеридан ўлчаш кераклигини ойисига ўша қақилдоқ ўргатиб туради. Кўпинча, ойиси чиқарган хулосалардан кўнгли тўлмайди. Фонендоскопни олиб, менинг қон босимимни ўзи ўлчаб, ишонч ҳосил қилмагунча, кўнгли ўрнига тушмайди. Тўғри-да, ойиси ўлчаганда бир юзу элликка тўқсонни кўрсатган қон босимим у ўлчаса, бор йўғи, ўн килогина чиқади.

Чақончанинг қўли шунақаям енгилки, оғриётган жойингизни майнингина силаб кўйса бас, ҳар қанча дардингиз бўлса, чиқади-кетади. Ана ундан кейин у нимани буюрса, бехато бажаришингиз шарт. Тайинлаган дорисини ичмай, айтган машқларини бажармасангиз, хафа бўлиб қолади. У ҳолда сизга, қўшимча укол тайинлаб, жазолаб қўйиши ҳам мумкин.

Ана энди, ҳамширалар юмшоқ ерингизни жизиллатиб, додингизни беришини кутинг!

Йўқ, Яйиани мен қаҳри қаттиқ қиз, деёлмайман. Чунки ҳатоингизни тан олиб, узр-маъзур қилсангиз, кўнгли бир зумда юмшайди-қолади ва жудаям меҳрибон қизга айланади.

Гарчи, катта дўхтирларга хос иш бўлмаса-да, юзингизни силаб, ўпиб-қуҷоқлаб, кўл-оёқларингизни уқалаб, ора-сира тепалаб ҳам қўяверади. Қўйингки, покизалик, рўзгор юритиш, саломатлик, саранжом-саришталик бўйича у билмаган ишнинг ўзи йўқ. Ана шу масалаларда ўйл-йўриқ, маслаҳат-пастлаҳат керак бўлиб қолса, тортинасадан келаверасиз. Яйиачамиз меҳмондорчиликни ҳам жуда яхши қўради: ўрнига қўяди. Остонадан кимдир кириб келсами, яйраб-яшнаб кетади...

Яна нима дей, шугинамизнинг баҳти-тахтини ҳам берган бўлгин, дейман-да.

# Эпистоляр жанр

• ёхуд “пўстлоқи мактублар” Одам Атодан болалар сўради...

Уларнинг кўнглида ҳам, албатта, Буюк муҳаббат соҳиблари – оталари Одам Ато ва оналари Момо Ҳаво қалбида ҳадди аълосига етган Ишқ отлиғ олов яшар эди. Ана шу неъмат, шубҳасиз, ўз навбатида Атозодалар тақдиррида ҳам нозик майл, орзу-ҳавас туйғуларини алангалитиб туардиди, бу нарса энди кишини не кўйларга солмайди, биласиз!..

Кўнгил кечинмаларини сўзда ҳавола қилмоқ имконияти бориб-бориб қайсиdir бир Одам ўғлини қониқтирмай қўиди. Унинг хаёлида энди ҳис-туйгулари, аҳволи-зорини ҳеч кимга ўхшамаган шаклу шамо-йилларда ифода этиш истаги туғилди. Изтиробларини тол пўстлоғидан эшиб тайёрланадиган арқондан тугунчали шакллар ясаб ифода этишини ўрганиб олди. Натижада, тўқима, арқон мактублар бинога келди. Бу янгиликни эпистоляр жанрнинг илк кўриниши деса ҳам бўлар.

Афсуски, инжа ва нозик туйғулар ифодаланган бундай мактубларнинг шакли анчайин беўшов ва қўпол кўринишда эди. Йигитидан ўнта мактуб олган қиз ўн килога яқин важни сандигида саклашга мажбур бўларди. Турган гапки, бунақа бесўнақай дил изҳорларини ўзгалар назаридан яшириш осон бўлмаган. Икки дилнинг “сирли оҳлари” қизнинг ёки йигитнинг ота-оналари, гоҳида ағёrlар қўлига ҳам тушиб, ошкор бўлиб қолаверган.

Тили куйган қайсиdir бир ошиқнинг миясига бир ажойиб фикр келади: арқон ясаб, ундан мактуб тўқиб ўтирамай, туйғуларимни пўстлоқнинг ўзига дарж этсамчи?!

Бу энди товушларнинг шаклий кўриниши эди, азизлар!

Ўша кундан бошлаб “ҳалво”ли уйларни пўстлоқи мактублар босиб кетди. Қизи бор оталарнинг шўри куриди. Билгич муаррихларнинг тасдиқ этишларича, у

пайтларнинг хонимлари ҳам эридан қолишмайдиган мард, жасур аёллар бўлган экан. Эркаклар ҳозирги айрим эрларга ўхшаб ўз боласидан воз кечиб алиментидан қочиб юрадиган ношуд-номард бўлмаган. Заифалари ҳам ҳозирги баъзи аёллардай, эрининг чизигидан чиқмай, айтганини қилиб юргандай кўриниб, пинҳона кўнглининг кўчалари тусаган ишни қилиб юрадиганлардан бўлмаган. Эрлари билан бир сафда туриб жанг қилган. Найза тутиб ваҳший хайвонлар, хатто мамонтларни овлаган. Кўйингки, яшаш учун эркаклар билан баб-баравар курашган. Эркаги арслоннинг думидан ушлаб тортса, аёли ўлжанинг олдидан чиқиб оғзини йиритиб ташлаган...

Шу жойини озгина ошировордим, чоғи, азиз ўкувчи?

Бу айтаётган гапларимиз сизга ҳам сал-пал маъқул келаётгандай туюляпти, адашмасам. Ҳикояни давом эттирасак бўлаверадиганга ўхшайди.

Хуллас, айрим хонадонлар “пўстлоқи хатлар”ни ёки ташлаб ҳам йўқотолмай қолдилар. Орияти бутун оипалар, қизларига атаб девор ковагига тиқиб кетилган, ёхуд, ҳовли бўғотидан оқиб кирган “ярамас пўстлоқ”ларнику бир амаллашарди, аммо ўз уйларидан чиқиб кетганларини-чи?!...

Бундай номаъқул ҳолатдан қанчадан-қанча ошиқ-мошиқлар эл-юрти, ота-оналари олдида ноқурай аҳволга тушиб, мулзам тортиб қолмади дейсиз. Иш шу даражаларга бориб етдики, сири фош бўлиб сазойи қилинган аламзада ёшлар бошларини олиб тоғу тошларга чиқиб кетадиган бўлдилар...

Ишқ ўлгур бир гуриллаб олса, аспло бўш келмайди, биласиз. Юраги ишқда ёнгандар қайга боришимасин, ишқ ишқлигича қоларди. Баттар ловулласа ловуллардики, аспло пасаймасди. Тоғу тошларнинг одам боши узра юракларга вахима солиб осилиб турадиган харсанглари, қия қояларнинг ойнадай силлиқ юзаларига ўйиб битилган ажойиб шаклларни кўргансиз. Ана шу битиклар ҳам маъшуқаси доғида ўртаниб кетган, кўнгил майли учун ўлимдан қайтмайдиган оташин ошиқларнинг оҳи зорлари бўлса не ажаб!

Ушбу даъволарингга мисол келтир, дейсизми? Марҳамат! Мисолми, қанча керак сизга?

Мисолларни ўқиш учун энди “Саодат” журналининг навбатдаги сонини кутишингизга тўғри келади. Демак, журналда яна учрашгунча, азизлар!

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ



О.Генри

# Перкинснинг ваъдаси

– Саксон биринчи кўча... Тушадиган борми? –  
қичқирди кўк мундири „чўпон“.

Шу ерлик „қўйлар подаси“ вагондан тушишди, бошқа „пода“ уларнинг ўрнини эгаллади. Дингдинг! Манхэттен йўналишидаги „пода“ ортган вагонлар тарақ-турук билан олдинга ҳаракатланишиди, Жон Перкинс эса озодликка қўйиб юборилган „пода“ билан пастга тушди.

Жон квартираси томон аста-секин одимлади. Аста-секин, чунки унинг кундалик ҳаётидаги лугатида „тез-тез“ деган сўзнинг ўзи йўқ эди. Уйланганига икки йил бўлган, арzon квартирада яшаётган кишини ҳеч қандай сюрпризлар кутиб турмайди. Йўл бўйи Жон Перкинс маъюслик билан муқаррар зерикарли куннинг сўнгини ўйлаб келди.

Кэти уни эшик олдида колдкрем<sup>1</sup> ва обакидандон исини таратиб, хушумоалалик билан кутиб олади. Жон пальтосини ечади, асфальтдай қаттиқ күшеткага ўтириб, «қирғинбарот» ли-нотиплар<sup>2</sup> томонидан «ўлдирилган» руслар ва японлар ҳақидаги оқшомги газеталарни ўқиуди. Кечликка дудланган гўшт, терини ёрмайдиган ва бузмайдиган (кафолатланган) „этик локи“ билан зираворланган салат, димланган равоч, „Кимёвий тоза“ ёрлиги ёпиширилган қип-қизил қулупнай мураббоси бўлади. Овқатдан сўнг Кэти унга курок кўрпасидаги ўзининг галстуgidан қирқиб берган янги ямоқчани кўрсатади. Кечки еттию ўттизда улар тепа қаватдаги бақалоқ гимнастика билан шуғулланганда шифтдан ёғила бошлайдиган сувок парчаларини муносиб кутиб олиш учун диван ва креслоларга газета ёйишади. Роппа-роса саккизда да Хайки ва Муни – қарама-қарши квартирадаги мюзик-холл жуфтлик (ангажементсиз<sup>3</sup>) Delirium Tremens<sup>4</sup>нинг нозик таъсирига берилиб, антрепренер<sup>5</sup> Гаммерштейн ҳафасига беш юз доллар шартнома билан уларнинг ортидан куваётганига ишонишиб стулларни ағдар-тўнтар қилишни бошлашади. Кейин кудуқли ҳовли тарафдаги уйда яшовчи киши флейтаси билан ойна олдига ўтиради; газ ўйнаб-кулиб номаълум томонларга оқа бошлайди; ошхона лифти рельсдан чиқиб кетади; швейцар яна бир бор Зеновицкая хонимни бешта

<sup>1</sup> Колдкрем – юз ва қўл терисини юмшатадиган мой.

<sup>2</sup> Линотип – ҳарф териш машинаси.

<sup>3</sup> Ангажемент – таклифнома.

<sup>4</sup> Delirium Tremens – алкоголизм оқибатидаги оғир руҳий касаллик.

<sup>5</sup> Антрепренер – театр хўжайини.



боласи билан Яла дарёси ортига сиқиб чиқаради; ранги учган яшил туфлидаги хоним шотланд теръери<sup>6</sup> ҳамроҳлигидан пастга тушиб, пайшанба кунлари олиб юрадиган фамилияси ёзилган карточкасини телефон кўнгироги ва поча қутиси орқали тўлдиради ва Фрогморнинг даромад келтириадиган уйига осойишталик чўкади.

Жон Перкинс ҳаммаси айнан шундай бўлишини биларди. Яна у билардики, ўн бешта кам тўққизда Жон Перкинс ўзини қўлга олиб, шляпасига қўлини чўзади, хотини эса асабийлашиб қуйидаги сўзларни айтади:

– Қаёқقا, Жон Перкинс, билсак бўладими?

– Мак-Клоскинига бирров кириб ўтсамми девдим, – жавоб беради у, – ошналар билан қарта ўйнагани.

Сўнгти пайтларда бу унга одат бўлиб қолди. Ўн ёки ўн бирларда уйга қайтарди. Баъзида Кэти ухлаб ётар, баъзида қозонда қайнаб турган ғазабини ўт олдиришга тайёр бўлиб кутиб ўтиради. Жон Фрогморнинг даромад келтириадиган уйидаги „курбонлик“лари билан маҳшаргох олдида турганда бу ишларнинг ҳаммаси учун Купидон<sup>7</sup> жавоб беришига тўғри келади.

Шу кечада Жон Перкинс уйига кириб ҳар кунги эски ҳолатнинг бузилганига гувоҳ бўлди. Квартирада даҳшатли тартибсизлик хукм сурарди. Кэтининг буюмлари ҳар ёқса сочилиганди. Оёқ кийимлар хонанинг ўртасида ивисиб ётар, соч тўғноғичлари, бантклар, халат, упа-элик кутичаси жавон, стул устига пала-партиш иргитиб ташланганди. Кэтининг бундай қилифи йўқ эди. Тароқ тишлари орасида унинг кўнгир соч толаларини кўрганда Жоннинг ўтакаси ёрилаёзди. Кэти, чамаси, шошилган ва қаттиқ ҳаяжонланган. Одатда у соч толаларини ҳар бир аёлнинг орзуси бўлмиш ясама соч қилиш учун каминдаги кўк гулдонга ҳафса-ла билан яшириб қўярди.

<sup>6</sup> Теръер – кичик ҳайвонларни овлайдиган ит.

<sup>7</sup> Купидон – севги илохи (юн. миф.).

Газ рожгининг<sup>8</sup> кўринарли ерига бир парча қозоз ипга осиб қўйилганди. Жон уни олди. Бу Кэти қолдирган хат эди:

“Азизим Жон, ҳозиргина ойимнинг бетоблиги ҳақида телеграмма олдим. Тўрту ўттиздан поезд билан жўнаяпман. Укам Сэм мени станцияда кутиб олади. Музхонада қўй гўшти бор. Ойим шамоллаб қолмаган бўлсин-да, ишқилиб. Сут сотувчига эллик цент тўлаб қўй. Ўтган баҳорда ҳам ойимнинг касали хуруж қилганди. Газ идорасига газ ҳисоблагич ҳақида ёзишни унумта. Тоза пайпокларинг тепадаги кутида. Эртага яна ёзаман. Кетдим. Кэти”.

Икки йиллик турмушларида улар ҳали бирор бир тунни алоҳида-алоҳида ўтказишмаганди. Жон ҳайрон бўлиб хатни яна бир бор ўқиб чиқди. Бир зайлдаги ҳаёт тартибининг бузилганлиги Жонни эсанкиратиб қўйди. Овқат тайёрлаганда Кэти доим тақиб юрадиган майда қора холли қизил пешбанд стул суюнчиғида осилиб турар, ҳар куни киядиган кўйлаклари тўғри келган жойга иргитиб ташланган, унинг севимли обакидандонли халтаси ҳали очилмаган, газеталар полда сочилиб ётарди. Хонада ҳар бир буюм айрилиқ ҳақида гапираётгандай эди. Қалбини маъюс ҳис чулғаган, нурсиз Жон Перкинс, ҳаробаҳона ўртасида туриб қолди.

У билганича уйни тартибга келтира бошлади. Кэтининг кўйлакларига қўлини узатганда уни қўрқув қамраб олди. Жон Кэтисиз ҳаёти нима бўлишини ҳеч ўйлаб кўрмаганди. Хотини унинг ҳаётида ҳаводек зарур эди. Энди у гўё ҳеч қачон мавжуд бўлмагандек ғойиб бўлганди. Албатта, бу бир неча кунга, холос, нари борса бир ёки икки ҳафтага. Лекин Жонга ўлимнинг ўзи унинг мустаҳкам ва осуда бошпанасига бош сукқандек туолди.

Жон музхонадан муздек қўй гўштини олиб, “ким-ёвий тоза” қулуңпай мураббоси билан юзма-юз ўтириб, овқатланишга тушди. Унинг хонадонидан файз кўтарилиган эди. Хаста қайнонаси уни хонавайрон қилди. Ёлғизликда овқатланиб бўлгач дераза олдига келиб ўтириди.

Чеккиси ҳам келмасди. Ойна ортида шаҳар шовқин солар, Жонни ҳеч нарсани ўйламасдан хурсандчиликка чорларди. Тун унинг ихтиёрида эди. У ҳеч кимдан сўрамай кетиши, эркин, хушчақчак бўйдоқдай лаззат денгизга шўнгиши мумкин. Жон тонггача айш-ишрат қилиши мумкин, ғазабнок Кэти уни хуноб бўлиб кутмайди. Агар хоҳласа, Аврора<sup>9</sup> электр чироқларини ўзининг нурлари билан тўсиб қўймагунча, Мак-Клоскинида ошналари билан бильярд ўйнаши мумкин. Жонни ушлаб турган Гименей<sup>10</sup> занжири, энди заифлашди, чунки Кэти жўнаб кетди.

Жон Перкинс ўз туйгулари тўғрисида ўйлашга одатланмаганди. Аммо Кэти тарк этган тор квартирада ўтирап экан, Жон нима учун ўзини ёлғиз ҳис этаёттанини, Кэти унинг баҳти учун зарурлигини тушуниб етди. Кэтининг йўқлигини англагач, Жоннинг унга бўлган муҳаббати бирдан уйфонди. Ахир, биз кўйни хушловоз күшча пир етиб учиб кетгандагина қадрлашимиз мatal,

<sup>8</sup> Рожог – ичи найчасимон шаклда кенгайиб борувчи асбоб.

<sup>9</sup> Аврора – тонгги шафак илоҳи (юн. миф.)

<sup>10</sup> Гименей – никоҳ худоси (юн. миф.)

панд-насиҳат ва масаллар орқали қайта-қайта уқтирилмайдими?

“Қандай каллаварамман-а, – ўйларди Жон Перкинс. – Кэтига қандай муносабатда бўлдим-а? У билан бирга уйда ўтириш ўрнига ҳар кеча қарта ўйнаб, улфатлар билан ичиб ўтираман. Бечора доимо ёлғиз, кўнгил ёзмайди ҳам, мен бўлсан ўзимни қандай тутяпман! Жон Перкинс, сен аблахсан. Лекин мен хатоимни тузатишга ҳаракат қиласман. Мен уни театрга олиб бораман, вақтни чоғ қиласман. Мак-Клоски ва бу тўдага ҳозироқ барҳам бераман”.

Ойна ортида шаҳар шовқин солар, Жон Перкинсни Момус<sup>11</sup>нинг кенг кўйлагида рақсга тушишга чорларди. Мак-Клоскинида эса улфатлар кечки беллашув олдидан қўлларининг чигилини ёзиб, эринчоқлик билан шарларни юмалатишарди. На гулчамбарлар, на доира бўлиб қўшиқ айтиш, на кий<sup>12</sup>нинг шақирлаши ёлғиз қолган Перкинснинг кўнглига сигарди. Жон қадрига етмайдиган, ҳатто баъзида нафратланадиган бойлигини ундан тортиб олиши...

Жон Перкинсдан ўнг томонда турган стулнинг суюнчиғида Кэтининг ҳаворанг кофтаси осилиб турарди. Хотини уни янгилигича саклаганди. Кофтанинг енгларида ингичка, ўзига хос тарам-тарам фижимлар – Жон учун куляйлик ва ҳузур-ҳаловат яратиш учун тиришиб ишлаган кўл ҳаракатларининг излари билиниб турарди. Ундан кўнғироқгулнинг заиф, аммо айнан унинг иси келарди. Жон кофтанинг енгларини ушлаб, унга узоқ ва жиддий тикилиб қолди. Кэти жуда ҳам меҳрибон эди. Жон Перкинснинг кўзларida ёш, ҳа, ёш кўринди. Кэти қайтиб келгач ҳаммаси бошқача бўлади. Жон Кэтини ўзининг эътиборсизлиги учун мукофотлайди. Усиз яшашнинг нима кераги бор?

Эшик очилиб, хонага қўлида кичкина саквояж билан Кэти кириб келди. Жон унга маъносиз қараб қолди.

– Ух, уйга келганимдан бирам хурсандман, – деди Кэти. – Ойимнинг касали жуда оғир эмас экан. Сэм станцияда экан, айтишича, хуруж енгил бўлибди ва телеграмма жўнатганларидан кейин ҳаммаси ўтиб кетибди. Кейинги поезддаёқ ортимга қайтидим. Ўлгудай қаҳва иҷим келяпти.

Фрограммадир уйининг учинчи қаватида механизм тескари буралганда тишли фидирлакларнинг фижирлаганини ҳеч ким эшитмади. Пружинани тузатишиди, лента ҳаракатга тушди ва фидирлаклар аввалгидек айлана бошлади.

Жон Перкинс соатга қаради. Саккизу қирқ беш. У шляпасини олиб, эшикка йўналди.

– Қаёққа, Жон Перкинс, билсак бўладими? – сўради Кэти асабийлашиб.

– Мак-Клоскинига бирров кириб ўтсамми девдим, – жавоб берди Жон, – ошналар билан қарта ўйнагани...

Русчадан Сайджалол Сайдмуродов  
таржимаси

<sup>11</sup> Момус – масхара ва танбех худоси (юн. миф.)

<sup>12</sup> Кий – бильярд таёғи.

# Пушкиннинг дилномалари

**1831 йили**  
**Александр**  
**Сергеевич Пушкин москвалик соҳибжамол – Наталья Николаевна Гончарова билан бир ёстиққа бош кўяди. Аввалбошда қизнинг ота-онаси бу никоҳга рози бўлишмайди. Алалоқибат Пушкин Наталья Николаевнага ошиқ бўлган Дантес билан дуэлга чиқиб, ҳалок бўлади. Қуйидаги мактублар 1830 йили Пушкиннинг суюкли қалиғига йўллаган дилномалари-дир.**

## Москва, 1830 йил, марта<sup>1</sup>

Бугун сизни илк бор кўрганимга ропта-роса бир йил бўлади...

Қанча кўп ўй-хаёллар гирдобига гарқ бўлганим сари сизсиз яшолмаслигимга шунча кўп амин бўлмоқдаман: мен сизни севиш ва сизга эргашиш учун яралганман; қолган гам-ташишиларим – бориб турган телбалик. Сиздан олисда каминани эришилмаган баҳт армони тинимсиз таъкиб қилмоқда. Эртами-кечми, барчасига қўл силтаб, оёқларингиз остига ўзимни ташлашимга тўғри келади. Қанийди, ...да бир парча ерим бўлсайди! Уерда сизнинг уйингиз атрофида тентирашим, дийдорингизни кўришим, сизга эргашишим мумкин бўларди-я! Мана шу фикр миямни пармаламоқда...

\* \* \*

## Москва, август охри.

Ўзимни тақдир ҳукмига ташлаб, Нижнийга жўнаб кетяпман. Башарти онангиз тўйимизни бузмокка қарор қилган-у, ўзингиз ҳам волидангизга итоат этмоққа рози бўлсангиз, ҳам то кечадан монга қилган можароси, устимдан ёғдирган ҳақоратлари каби “асосли” бўлса ҳам унга маъқул ҳар қандай важ-корсонларга имзо чекаман. Эҳтимол, онангиз ҳак-у, бир дақиқага мен баҳт учун яратилганман, деб хаёл қилганимда, ноҳақ бўлгандирман. Нима бўлган тақдирда ҳам сиз мутлақо озодсиз; менга келадиган бўлсак, сизга сўз бериб айтаманки, мен фақат сизга тегишилиман ва ҳеч қачон уйланмайман.


А. П.

\* \* \*

## Болдино, 11 октябрь.

Москвага кириш тақиқланган, мана, Болдинода қамалиб ўтирибман. Фалак номи ила ёлбораман, азизам Наталья Николаевна, гарчи ёзгингиз келмаса-да, менга хат битинг. Айтинг, қаердасиз? Москвани ташлаб чиқдингизми? Каминани оёқларингиз остига олиб борадиган бирорта айланма йўл борми? Жасурлигимдан асар ҳам қолмади, нима қилишга бошим қотган. Шу йили (лаънатлар бўлсин шу йилга!) тўйимиз бўлмаслиги тайин. Лекин Москвани ташлаб кетганингиз ростми? Вабо ичра жонни хавф остига кўйиш кечирилмас хато бўлур эди. Вабонинг қиргинбарот манзараси ва қурбонлар

<sup>1</sup>Мактубнинг қораламаси француз тилида битилган (изохлар таржимонники).



сонини доим бүрттириб күрсатишларини яхши биламан; бир замонлар Константинополлик ёш жувон фақатгина *la canaille*<sup>2</sup> вабодан ҳалок бўларкан, деб айтганди. Ҳўш, сиз қишлоқда вабодан панаадамисиз? Манзилингиз ва соглигингиз ҳақидаги бўллаетенни жўнатинг! Биз карантинда эмасмиз, аммо ҳали эпидемия бу ерларга етиб келганича йўқ. Болдино қоялар билан тўсилган оролнинг ўзгинаси. На кўшинлар, на китоб бор-а бу ерда. Об-ҳаво жуда ёмон. Қозоз қоралаб, фигоним фалакка чиқиб вақт ўтказяпман. Ёргу дунёда нима гаплар бўляпти, дўстим Полинъякнинг аҳволи қалай экан, билмайман. Журналларнинг сўнгги сонларини ўқиганим йўқ, шу боис ҳам ёзиб туринг. Бу ерда овсарсифат бўлиб қоляпман. Бобо билан буви эсон-омоними? Олдимда жўкрофий ҳарита: шундоқ чангак ташласам-у, Кяхта ёки Архангельск орқали қошингизга етиб борсам!

Сов-омон бўлинг! Оилангиздагиларга оташин саломимини етказинг. Ҳайр, дилбар фариштам! Вольтер айтганидек, қанотпарингиз учидан ўпиб қоламан.

\*\*\*

### Михайлоское, 8 декабрь.

Мени эслайсиз деб сира кутмагандим, соҳибжамолим, юрагимнинг туб-тубидан миннатдорлик билдираман. Байрон кўз ўнгимда янгича жозиба касб этмоқда – унинг барча қаҳрамонлари тасаввуримда

<sup>2</sup> *La canaille* – Қора ҳалқ (фр.)

унунтилмас фазилатга бурканмоқда. Сизни Гулнор ва Лайлу сиймосида кўраман. Танҳолигимни аритиш учун тақдир менга тақрор ва тақрор сизни ўйлиқтируммоқда. Сиз менинг таскин берувчи фариштамсиз, мен эса кўрнамакман, чунки ҳалигача мингирлаб нолимоқдаман. Сиз Петербургга кетяпсиз; мен дарбадар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ азобдаман. Балки ўтган фурсат мени сизга яқинлаштирас, аммо бунга умид қилишга ҳам ҳаққим йўқ.

R. S. Яна қўлимга қалам олиб, камина оёқларингиз остида эканимни, сизни севишмни, баъзида сиздан ўлқалашибимни, хушбичум кўлчаларингизни ўтиб қолишмни, баъоят беназир эканингизни айтмоқчиман.

\*\*\*

Сиз менинг сабр-бардошимни майна қилипсиз: мени тонг қолдириш сизга ўзгача хузур багишилайди; сизни эртага кўра оламан, майли, шундай бўла қолсин! Гарчи сизнинг истиқболингизга чиқиши, кўнгироқдек овозингизни эшишишдан бошим кўкка етсада, дилимдагиларни тилим орқали эмас, мактуб орқали билдиришини маъқул кўрдим. Сизда дилни сиёҳ қилгувчи, умидни пучга чиқаргувчи заҳархандалик, киноя кучли. Қаршиңизда тил ожиз қолади. Яқинда сиз ўтмиш ҳақида саннаб қолдингиз: сизнингча, мен етти ўип мобайнода ишонмасликка тиришибман... Нега бундай дейсиз? Ҳудо хайрингизни берсинг, ортиқ бундай деманг...

Рус тилидан Сайджалол Сайдмуродов  
таржимаси



Гулхумор  
ХИДИРОВА

“Фалончи чет элда ишлаётган экан...” Күпинча шундай хабарни эшиштсак, күз олдимизга бой-бадавлат одам келади. Уни ҳашаматли уй, иномарка машиналар билан бирга тасаевур қиласиз. Аслида бу тасаевуримиз ҳамиша ҳам түғри бўлавермайди. Қуйидаги битиклар эгаси Гулхумор Хидирова – самарқандлик. Оиласи бузилиб, икки қизи билан отасиникуга қайтиб келган. Бир неча йиллардан буён ота уйига сигинди бўлмаслик, фарзандларини ватанли қилиш учун Туркияда ишлайди.

– Қизларим ота-онам тарбиясида. Парваришларидан кўнглим тўқ бўлса-да, дилбандларимни, бир пайтлар болалар боғасида бирга ишлаган дугоналарим, Самарқанд, умуман, юртимизни жуда соғинаман.

Яна озгина етар-етмасларим бор, жамғарсам, қайтаман. Чунки мусофиричиликнинг берганидан олгани кўп. Тириклик кўйида юрганларни тушунса бўлади, лекин ҳавасга ҳеч ким ўз ватанидан кетмаслиги керак.

Гулхумор ижтимоий тармоқларга ўзининг мусофиричиликда кечаетган қийин кунлари ҳақида ёзар экан, доим юқоридаги фикрларни тақроорлайди. Қуйидаги унинг кундалигидан бир саҳифани эътиборингизга ҳавола қиласиз, ота-боболаримиздан қолган бир қадимиий нақлни эслаймиз:

# Ўзга юртнинг боғи билан бўстони

Ўз юртнинг тиканига бўлолмас

Иш излаётган кунларим эди. Ҳар доим иш излаб борадиган ширкатимга қўнғирок қилдим.

Ширкат раҳбари: “Ишчи сўраётган бир неча манзиллар бор, тез кел”, деди. Эртасига сафар ҳалтамга бир ҳафталик кийимларимни жойлаб йўлга чиқдим.

Ширкатга кириб боришим билан бир аёл келиб мен билан кўришди. Юз-кўзи таниш эди. Кимлигини англай олмаганимдан хижолат бўлганимни сезган аёл ўзини таништириди. Мактабдошим Маъмурда экан.

Танимаганимнинг боиси бор: у ўқувчилигимизда жуда бақувват, тўладан келган қиз эди. Ранглари синикиб, бир аҳволда бўлиб қолибди. Бир кунда тўйимиз бўлиб, бир қишлоққа

келин бўлган эдик. Шунчалик кўнгил яқин бўлган дугонамни танимаганимдан жуда хижолат бўлдим. Аммо таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини ўзига айта олмадим. Фарзандли бўлолмаганидан турмуши бузилиб кетган эди. Сездирмасликка ҳаракат қилдим.

Бегубор мактаб пайтимизни эслаб анча кулишиб олдик. Иккаламизни ширкат бошлиғи иш берувчиникуга бошлаб кетди.

Биринчи бадавлат, ёлгиз яшайдигон 60 ёшли аёлнинг уйига олиб борди. Аёл дугонамни танлади.

– Менга ёнимда олиб юришга ярашадиган киз керак, – деди. Унга менинг кўринишим ёқмагани аниқ эди. Ўша кунларда мусофири юртларда ишсиз

қолишдан қўрқиб, бор ташвишим иш ахтариш бўлгани учун пардоз-андозни ҳам унтиб қўйгандим. Хафа бўлмадим. Дугонам иш топганига хурсанд бўлдим. Ўй соҳибаси дугонам билан иш шартларини келишиб олгач, эртага келаверишини айтди. Ва ширкат бизни бошқа хона-донга бошлади.

Бу хонадон ҳам қасрдек чиройли эди. Тўрт каватли виллада яшайдиган ёлғиз аёлнинг 7 та кучуги бор экан. Аёл мендан бир ёш кичкина эди. Исли эса Буржи экан.

Эшикдан киришимиз билан кучуклар уйни бошига кўтариб вовуллашни бошлади. Жониворларни тинчлантириб уйига таклиф килди.

Кириб ўтиришимиз билан баҳайбат итлар устимизга бостириб келди.

Дугонам жуда қўрқиб кетди, мен жониворларни яхши кўрганим учун улар билан тил тошишга ҳаракат қилдим.

Мени кузатиб турган аёл ҳеч иккиланмай ишга олишини айтди. "Ҳозироқ иш бошлайсан", деди.

Мен ўй эгасидан вазифам, маошим ҳақида сўрадим.

— Сенинг кучукларга меҳр билан қараганингни кўрдим, шартномадагидан кўпроқ маош бераман, деди.

Хурсандлигимнинг чеки йўқ эди.

— Кучуклар менинг "болаларим", ҳаётдаги топганларим, севганларим ҳам шулар. Сен шуларга қарайсан. Кунига икки марта тоза ҳавода айлантириб келасан. Овқат бериш, ахлатини тозалаш ҳам сенинг бўйнингга, — деди. Аввалига иккиланиб турдим. Кейин оладиган маошим, битмай туриб ёмғир, қорнинг тагида нураб бораётган уйим, болаларим кўзимга кўринди. Рози бўлдим. У менга шартларини айта бошлади:

— Буларни ит ёки кучук деб атамайсан, ўз исми билан чақирасан. Кўча айланиб ҳовлига киришидан олдин тогорага сув олиб уларнинг оёқ ва орқаларини ювиб, куруқ латта билан артасан. Косаларига овқат тўлдирасан, ювасан, уйларни ҳар куни тозалаб турасан, "болаларим"нинг жунлари тўклиб туради, мен кўчадан овқатланаман, ўзинг учун овқат пишириб ейсан. Музхона тўла, нима десанг бор. Кўнглинг тусаганингни ейишинг мумкин. Мана бу "болам"ни алоҳида ваннада шампун, атир совунлар билан чўмилтирасан. У мен билан ухлайди. Уни ҳам масидан ҳам яхши кўраман, энг яхши кўрадиган "болам" — шу, — деди у оппоқ кучукни кўрсатиб.

Бир бошим билан шунча юмушни уddyалай оламанми, деган хавотирим ҳам бор эди.

Ўйида хизмат қилиб юрган бир аёлга ишора қилиб: "У кетади, бир ҳафта ишлади холос. Кучукларимга қарашни эплолмади", деди.

Хуллас, ўша кундан иш бошладим. Аммо чекимга тушган вазифа мен учун жуда азоб эди.

Ўйнинг учинчи каватидан менга хона тайёрланган экан. Хизмат қилаётган қиз Туркманистондан экан. Мен каби мусофириликда қийналиб нон топиш учун юрган аёл бўлгани учун тез тил топишиб олдик.

Ўйнинг тўрт каватида ҳам камералар ишлаб турарди. Ўзим билмай уч киши ҳам эплолмайдиган ишларни зиммамга олган эдим.

Кеч бўлгач, аёл бизни ёнига чакирди. Исмимни тўлиқ айтольмай "Гул" деб чақирди. "Гул, Наргиз эртага кетади, менга сўз беришинг керак, агар "болалар"имга кўнглимдагидек қарай олмасанг, тўғрисини айт, мен уларни сенга омонат ташлаб 10 кунлаб сафарларда юраман, аммо сенинг ҳар қадамингни кузатиб туриш имконим бор..." — деди.

Мен уddyалашга ҳаракат қилишимни айтдим. Аёл нуфузли фирмада реклама бўйича ишлар экан. "Кўнглимга ёқсанг, ишларинг жойида бўлса яна иш ҳақингни ошириб бераман", — деди.

Эрталаб туриб bekанинг "деразаларни очманглар", дегани эсимда йўқ, балкон эшигини очиб юборибман.

Шунчалик қаттиқ сигнал чалиндики, чинқириқ еру кўкни ларзага солди. Ёпмоқчи бўлдим, лекин ток уриб қалтираб кетдим. Буржи хоним биринчи қаватда туриб бақира бошлади.

Ўнинг кечаги дилгирлигидан асар ҳам қолмаган эди. Чўридан олиб чўрига солди. Бўғзига келган ҳақоратни оғзидан қайтармади.

Мен ҳам қўрқиб кетгандим, ҳам чўри дегани алам қилиб кўз ёшим дарё бўлди. Узр сўрадим, минг бор узр дедим, лекин унинг ғазабини сўндириб бўлмасди.

Кейин кимдир қўнғироқ қилди, у чўрининг қилган хатосини уларга тушунтириди, кейин овоз ўчди.

Ўша дақиқада кетаман, деб нарсаларимни йиғиштиришга тушдим. Хоним ҳам ҳовридан тушиб менга яхши гапириб олиб қолмоқчи бўлди. Охири Наргиз бугун кетади, сенинг ўрнингга одам келгунча ишлаб туришинг шарт деди.

Кечга яқин яна бир муҳожир кизни олиб келди. Мен эса хонимнинг топшириғига асосан, уйни то-залашга тушиб кетдим. Хар бир зинасини эмаклаб артиб чиқдим. Кучуклар эса мен билан қўшилиб дупур-дупур этиб тўртинчи каватгача чиқиб тушиб келар эди.

Хуллас, ўзимга мутлақо ёқмайдиган ҳаётим бошланганди. Кучуклар билан бирга ўтириб биргга турман. Овқатини бераман, ювинтираман. Аёл кўчага чиқиб кетиб ҳам кўлидаги камера орқали мени кузатиб иш буюриб туради.

Менда сохталик йўқ. Туз еган жойимга хиёнат қилмайман. Мехнатнинг яхши ёмони йўқ, бу вақтиналиқ ҳаёт ўтиб кетади, деб ўз-ўзимга тасалли бераман. Оталари ташлаб кетган, гўдаклик пайтидаёқ онаси меҳридан бебахра, бобоси ва бувиси қўлида бўй чўзаётган қизалоқларимга ватан тиклаш учун бу азбларга чидаяпман.

Бир куни еттита кучукнинг арқонини қўлларимга ўраб айлантириб юрсам ёнимиздан бир мушук ўтди, ўшани кувиб ортидан чопиб кетган кучукларни бошқариш учун бирга чопдим. Қўлларим тилиниб, ҳолим абгор бўлди. Ҷора терга тушиб кетдим. Шу ахволда ҳам хоним айтганидек уларни навбати билан тозалаб, оппоғойни ваннада чўмилтириб кейин уйга олиб кирдим. Юрагим қафасидан чиқиб кетгудек тез урар, бошимда қаттиқ оғриқ бор эди. Овқат қилиб, уй тозалашга мажбурман. Аранг қимирлаб турган пайтим хоним ишдан қайтди. Катта уйдаги креслога ташлаб қўйилган спорт кийимимни кўриб: “Гул, манави кийимингни ол бу ердан, энди “болаларим ётадиган уйга кийим қўймагин”, деди. Гапи жуда оғир ботди. Одамдан ҳам азизми бу кучуклар, дедим. Сен нима деяпсан, улар кучук эмас, сен кучуксан, деб менга бақира кетди.

Тортишиш бефойдалигини билгач, индамай хонани тарқ этдим. Эрталаб Феруза исмли қиз кириб келганини кўриб кўнглим бироз ёришди.

Буржи хоним телефонда гаплашиб ўтиради. Кимгadir кўнгли айниётгани, ҳомиладор бўлса болани олдириши кераклигини айтади. Менга бола керак эмас, менинг еттита болам бор, деб ғазабдан қалтираб бақираётганини кўриб яна паналандим.

Аммо яна рўпара бўлганимда менинг кетишмни истамаётганини, камерадан кузатиб қиласётган ишларимдан рози эканини айтди. Ойлигимни ошириш ниятида эканини билдирганда ҳам кўнмадим.

Дилимдагиларни шартта гапириб ташладим: – икки баравар ҳақ берсангиз ҳам қолмайман. Мен пул учун ўзимнинг инсонлик ғурурим топталишига йўл қўймайман. Мен чўри эмасман, буюм эмасман. Одамни итдан паст кўрадиган одамнинг ёнида қололмайман. Пул билан ҳамма нарсани сотиб оламан, деб ўйламанг. Мехрга эҳтиёжи бор мусоифирларга яхши гап ҳам зарур, пулингиз ўзингизга сийлов. Камроқ бақиришингиз учун иккита одам олиб ишлатинг, шунда ҳам уларни чўри деб атаманг. Итингизнинг номини адаштирасам менга танбех, бердингиз, нега чиройли Гулхумор отимни чўри дедингиз? Сизда пул бор, хоним, юрак йўқ. Эртага бошингиз ёстиққа тегса, итларингиз нима қилиб беради? Еб жойини булғаб ётган кучуклар нима қилолади? Қорнингиздаги болани олдириб ташлаб нима қиласиз? Узр, эшитиб қолдим. Қайси бир севгилингиздан бўлса ҳам зурриёдингиз-ку. У сизни она деб чақиради, вовулламайди, ширин ифори бўлади. Мен икки қизим учун олис юртларда шу оғир қисматга чидаб юрибман. Хайф сизга аёллик, – дедим.

Аёл: – Мен сендан маслаҳат олишга зор эмасман, – деди. Аммо кўзида ёш кўрдим. Қайтиб бутурғида оғиз очмадим.

Соат кечаси ўнлар атрофи эди.

Ҳозир кетаман, деб туриб олдим. Иш берувчилар бизни ишга олган заҳоти паспортимизни қўллимиздан олиб кўяр эди. Хўп майли, кетақол деб қўллимга икки кунлигинг деб 10 доллар берди. Хоним сумкасини титиб бир нарса кидирди, паспортимни беради деб кутиб тургандим: “Сенинг паспортинги Наргизга адаштириб бериб юборибман, – деди. Ишонмадим. Наргизнинг паспортини қўллимга тутқазди. Атайлаб қилганилиги юзидан билиниб туарди.

– Кетолмайсан энди, Наргиз қачон келса ўшанда кетасан, хавотир олма, кунлик пулингни бериб тураман, – деди.

Унамадим. Наргизнинг паспортини менга беринг, уни ўзим топаман, телефон рақамини ҳам беринг, дедим қайсарлигим тутиб. Ҳамма нарсамни олиб эшиқдан чиқсан, оёқ кийимим йўқ. Қидираётганимни кўриб: “Наргизнинг оёқ кийимини “болалар” ўйнаб йиртиб ташлаган экан, сенинг кроссовкангни кийдириб юбордим”, – деди тиржайиб. Жаҳлим чиқди. Ўзими ни аранг босиб туардим. Қўлимдан ҳеч нарса келмаганлиги алам килар, ожизлигимдан азобда эдим. Майли, ялангоёқ кетаман, дедим. Остона ҳатладим. Хоним инсофга келди, шекилли: “Учинчи қаватда эски ишчиларимнинг оёқ кийимлари қолган, шулардан бирини бераман, юр”, – деди.

Учинчи қаватдаги битта катта шкаф тўла оёқ кийими экан. Қидира-қидира ёзда киядиган туфлича чиқариб берди. Оёғимга сифмади. Оёғ учига илган бўлдим. Тезроқ чиқиб кетишни хоҳлардим.

Йўлда машрутка, автобус килиб аввалроқ танишган юртдош опамнинг уйига кириб бордим. Наргизани топиб, хужжатларни алишириб олгунимча ойлар ўтди.

Бир куни Буржи хоним телефон қилди. “Уйимга қайт. Катта ойлик тўлайман. Қизларингни ҳам олиб келамиз, ўз уйингдек яшайверасизлар”, – деди.

– Бор молу дунёнгизни берсангиз ҳам мен у уйга қайтмайман, ўзимнинг аччиқ қисматимга ҳеч қачон болаларимни шерик қилмайман. Улар сиздек фаҳмисиз бойларнинг уйида итини боқмайди. Бойвачча ўғилнинг касал отасига тувак тутмайди, ўзини хор-зор қилмайди. Уларнинг гўзал ҳаётда яшаши учун мен яхши кунларимни қурбон қилдим. Қолаверса, ҳозир юртимизда ҳам ҳаёт ўзгаряпти. Қизларимнинг ёруғ келажагига ишонаман, – дедим.

Бу кундалигимнинг битта саҳифаси холос, азизлар. Бу саҳифаларга қанча кўз ёшларим томган бўлса-да, она сифатидаги фидойилигимдан нолимайман. Аксинча, ота-оналар ўз фарзандлари учун ҳамиша жоннисор бўлиши зарур. Шунда фарзандлар ҳам меҳр, садоқат қадрини билади, деб ўйлайман.



# ПАРИЗОДИМ, СЕНИ ИЗЛАБ ТОҒЛАРГА БОРДИМ...

Гүрӯғлини сўраб шивирлаган ёзувчи

– Бу кино жуда зерикарли экан.

– Чунки унда бирортаям аёл образи йўқ...

Бу тўқилган диалог эмас. Дарҳақиқат, аёлсиз ҳаётнинг ўзи ғарид бўлганидек, у иштирок этмаган бадиий асарларда ҳам жозиба йўқ. Аёл бош қаҳрамон даражасига олиб чиқилган асарлар ҳақидаги фикрлар қандай? Эътиборингизга ёзувчи Фозил Фарҳоднинг “Паризод” фильмни ҳақидаги фикрларини ҳавола қилар эканмиз, шу саволга жавоб изладик.

Ўйласам, бу қораламани ёзишга узоқ чоғланабман. Атайлаб эмас, кўнгил йўл бермабди, ҳали фикрлар пишиб етилмаган, мулоҳазалар узуқ-юлуқ эди-да ўшанда.

Киноқиссани картинадан аввал ўқиганим учунми, фильмни илк бор кинозалдан кўриб чиққанимда дилим анча хуфтон бўлган эди. Фильм ёзувчи Эркин Аъзамнинг «Фаришта» киноқиссаси асосида режиссёр Аюб Шаҳобиддинов томонидан суратга олинган.

Тасаввуримда инсон қиёфасидаги самовий фаришта ердаги ташвишларга қоришиб яшаётган

оддий одамга айланиб қолганди. Лекин фильмни кейинчалик қайта-қайта кўришим натижасида дастлабки таассуротим бироз ўзгарди. Бу ҳол фильмнинг фестиваллардан кўша-кўша мукофотларни олиб келиши билан боғлиқ эмас асло. Бунинг сабаби оддий: фаришта режиссёр томонидан моддийлаштирилиб – ерлаштириб қўйилган эса-да, адабий асос – сценарийнинг бақувватлиги картинага устун бўлиб турарди, маҳоратли актёрлар ижроси ўша устунни мустаҳкамларди, мусиқанинг кучи эса фильмга жозибадорлик бахш этарди.

Кимсасиз қишлоқда, қоронгулик қаърида Бозор дев (Тоҳир Сайдов) чангалидан омон қолиш учун инграницаб, оғир қисматни бошдан кечираётган вужудни нозик оёқлари ила кўтариб чопқиллаётган Паризод (Зарина Низомиддинова) гўё тақдирдан қочмоқидай, шўр пешонасига битилган аччиқ ёзиқни четлаб ўтмоқидай. Тўғри-да, жамоли ой деса ойдек Пари келиб-келиб қандайдир тентак, худобеҳабар бир баттол Бозор девга насиб этсинми? Бунинг устига, мифологиямизда ҳам девлар париларга ҳеч қачон чанг солмаган, ахир.

Достонлардаям Кўхиқофда,  
Эрам боғида яшаган париларни  
ғайритабиий кучлар – девлар  
кўриқлашган, холос. Парилар

## ПАРИЗОДНИНГ ЁЛГИЗЛИГИ БОШҚА ЖУВОНЛАР – ЭРИ УРУШГА КЕТГАН Ё ВАФОТ ЭТГАН АЁЛЛАРНИНГ ЁЛГИЗЛИГИГА СИРА ЎХШАМАС. У ЁЛГИЗЛАРНИНГ ЁЛГИЗИ, ТАНҲОЛАРНИНГ ТАНҲОСИ.

идеал қаҳрамонга – етук инсонга, масалан, Гўрўғлига илгаридан “белгиланган”, “аталган” бўлсалар-да, улар машаққат, куч, ақл, фаросат, тадбиркорлик билан кўлга киритилган, висолига етишилган.

Паризоднинг ёлғизлиги бошқа жувонлар – эри урушга кетган ё вафот этган аёлларнинг ёлғизлигига сира ўхшамас. У ёлғизларнинг ёлғизи, танҳоларнинг танҳоси. Майлиди, урушгами ё узоқроқ сафаргами кетган бирор кутгани бўлса. Чунки ундей маҳал умид бўлади одамда. Йўқ, афсуски, тақдир қаҳрамонимизни ёлғизлик қамчиси билан аёвсиз – юрак-бағри эзилгунча калтакланган, пешонасига аччиқдан-аччиқ қисматдан бошқасини битмаган.

“Худо урган бу шўрлик” тўй кечаси чимилдиққа кириб-кирмай қайлиғидан ажралса-да, жувонмарг күёвига қайнотасиникида бир-икки вақт мотам тутиб ўтиргач, кейин “касофат, шумоёқ” деган тавқилаънат билан қувилса-да, ёлғиз момосидан бўлак ҳеч кими йўқ, аммо момо ҳам ўтган кузакда қазо қилиб, ҳайҳотдек чорбоғда бир боши билан қолса-да, кечалари эшикни ичкаридан тамбалаб, саҳаргача дағ-дағ титраб чиқса-да, паймонаси тўлмади. Пешонасига қандайдир бетайин Бозор девга ем бўлиш битилмаганини исботлаш учун эшик-деразаси-

ни қўлидан келганча михлаб ташлаб, тугунини қўлтиқлағанча Пари қишлоқдан бош олиб, қаёққа йўл олганиниям, энди нима қилмоқчилигиниям ўзи билмаган ҳолда чорасизликда чора, йўлсизликда йўл ахтарган ғарибу бенаво кимса сингари янги қисмат қидириб йўлга чиқади.

Бу пайт пешонасига эл корига ярашдан бошқаси битилмаган қўли калта йигит – эҳтимол, замонавий Гўрўғли – Жонибек (Самиддин Лутфуллаев) одатдаги юмуши билан, Эшон бобога укол санчиб уйига қайтаётганди. “Йўлингизда фаришталар ҳамроҳ бўлсин!” деган эшон ака – Шамсиддинхон (Рустам Аҳмедов)нинг дуоси, ярим йўлда бузилган мотоцикл жавасида кўрилган туш ижобат бўлиб Жонибекка аччиқ қисматдан қочган ҳалиги Пари ҳамроҳ бўлади. Жонибек уни уловга солиб ўз қишлоғига олиб жўнар экан, бирининг қидираётган, иккинчисининг ҳали англанмаган янги тақдирлари бошланади.

Қаерга олиб боришни билмаган Жонибек Парини ўз уйига бошлаб келади-ю, бошига бало орттириб олади. Қишлоқдошлар гап-сўзи, унаштириб қўйилган қайлиғи Ойтуман (Шахло Темирова) нинг айнаб қолиши уни чигал вазиятга солиб қўяди. Бу орада Парига “эр” ҳам топила қолади. Оиланинг тўнғич фарзанди Салима (Лола Элтоева) нинг таклифи билан Жонибек Парини Расул муаллим (Бахтиёр Қосимов)га элтиб беради. Ҳовлисида гулзор ичидаги бармоғига қадалган атиргул тиконидан азоб чекаётганди. Паризодга эҳтирос билан қараётганди Расул муаллимни “қариб қўйилмаган сассик чол” деба сўккинг келади. Бироқ унинг қилган ишидан ўзи уялиб “астағфируллоҳ, астағфируллоҳ” деба калима қайтиариши ва “тўғриси, биз унга

муносиб келмаймиз”, деба унга мосроқ – ёшроқ қуёв ахтаршини кўрганингда муаллимга меҳр кўзи билан қарайсан.

Паризод “муносиб қуёв”-га ҳам насиб этмайди. “Янги қуёв”нинг акаси Эргашқул (Фарҳод Худойбердиев)нинг “Борига-барака, қилиб ўқиб ташлайвермайсизми, мулла ака!” мазмунидаги ялинишига қарамай, никоҳ ўқиётиб нафаси ичига қайтиб кетган мулла (Омон Шоимов) дарвозадан чиқар экан, шу пайтгача ўқиган никоҳлари бирор дафъа заха емаганини, “бу заифанинг бир балоси бор”лигини айтиб, иймонига қарши бормай ортига қайтади. “Бозор бўлган” ҳамда беникоҳ хотинни уйида сақлашни ўзига ор билган Абдурашид (Толиб Мўминов) уч нафар етим боласининг зорланишларига ҳам қарамай уни Жонибекнинг ҳовлисига қайтариб олиб бориб ташлайди. Бу орада Паризоднинг довруғи бутун қишлоққа ёйилиб улгуради, ҳатто хабар қўшни қишлоқдаги Ислам бойвачча (Беҳзод Мұхаммадкаримов)нинг қулоғигача етиб боради ва у Жонибекнинг уйидаги “қушча”га харидор бўлиб бир даста пул қўлтиқланча “Парини мотоциклига солиб ҳовлима-ҳовли олиб юрадиган” деган ном орттирган йигит хузурига келади.

Тақдирнинг синовлари олдида ожиз қолган, ихтиёрини янги қисмат ҳукмига топширган Паризоднинг Ислам бойваччанинг йўлига юришдан бошқа иложи йўқ эди.

Қўли юпқа, бироқ Ислам бойваччанинг ҳаром пулини олишга ғурури йўл қўймаётганди. Ҳалол ва пок йигит – Жонибекдан бошқаси муносиб бўлмаган бу гўзал хилқат худди оловдан омон чиқсан каби қўли истаган ерига етадиган Ислам бойваччанинг чангалидан ҳам бокирагилича чиқади. Худо сақлайман деса, шунча бўлади-да!

Бироқ бу сақловлар қалб күзи ҳали тұла очилмаган Жонибекқа өткіншілді. Қаёқдан ҳам кор қылғасын. Гулдай қызы – Ойтуманни қүйіб, тоғ ошиб келган, эр күрган бир “бенаво”га уйлансынми энди: “Одамлар нима дейди ахир?”

Аммо үша гап-сүзге үч одамларнинг ҳаётіда салбай томонға бўлаётган эврилишлар, замоннинг ғалати янги тутумлари фильмда сценарий муаллифи томонидан бир неча бор уқтирилган:

Тугал хола (Дилором Каримова) ховлию богини чинни қилиб қўйған Парини қизига оғзидан бол томиб мақтаётіб айтади: “Тавба, шу замонда ҳам шундай қизлардан қолган экан-да, а, Зиёда?!“

Шу ерда ғалати парадоксга бошимиз урилади. Ҳаётнинг мұқаддас тутумларини бузиб, ана шундай оламжаҳон ўзгаришлар қилишга улгурған одамларнинг басир қалби Парининг хилват бир тоғу тошдаги турған-биттани эзгуликка йўғрилган пажмурда, аммо яшаш умидидаги муштдеккина гариб кўнглени пайқашга ожиз! Қайтага уни “бозор кўрган” хотинга чиқарип ўтирибди. Қалби басир бу одамлар Жонибекни исен қилишга-да өткіншілді. Шамсиддинхон аканинг дуоси ва кўрган тушидан кейин бу Пари йўлида бекорга учрамагани, никоҳ ўқиётган мулланинг нафаси ичига қайтиб кетгани, Парининг фалакка мунгли муножоти – рақси билан

Исмат бойваччанинг ўтакасини ёргани, қудаларнинг фотиҳани бузмоқчи бўлгани сингари воқеаларнинг ҳар бири Жонибекка ишора берарди. Аммо энди жудаям кеч бўлганди. Жонибек уни ўзи қўшқўллаб Исмат бойваччага олиб бориб бўлганди. Парини бойвачча дарвозасига ташлаб кетар экан, ожиза қызы, “Мени нима қиласыпсан, кимларга ташлаб кетаяпсан”, дегандай Жонибекка илтижоли кўзлари билан ўгирилиб қарайди. Ўзини айбдор ҳис қилган йигит эса бу нигоҳларга дош беролмай кўзларини бошқа ёққа олиб қочади.

Фильм кульминациясида янги қисмат ахтариб йўлга чиққан, аммо тақдир тугул бир чимдим баҳт ҳам тополмаган Паризод алалоқибатда, барибир, Бозор девга ем бўлиши кераклиги ойдинлашиб қолади. Жонибекнинг мотоциклни тепалиқдан пастга қараб қулагач, кажавасидаги қўлбола тайёрланган курси – Пари рамзидаги “тахт”нинг у ер-бу ери синади. Бу синик “тахт”ни шу атрофда тимирскиланиб юрган Бозор дев Жонибекдан сўрайди. “Соф жойи қолмаган-у, уни нима қиласиз?” деган йигитга дев “Кер-рак” дея дағал жавоб беради ва “тахт”ни ўзи билан олиб кетади, нарироқча бориб унда бироз ўтиради-да, Парининг қишлоққа қайтиб келганини кўриб, хурсандчилигидан “тахт”ни жарга улоқтиради. “Тахт” парча-парча бўлади. Бу парчаланиш – Парининг дев қўлида курбон бўлишига ишора эди. Бироқ Паризод фалакнинг бундай шармандали ёзигига рози эмас. Шунда унинг олдида ягона чора қолади: бу ҳаётдан кетмоқ! Бу Паризоднинг ўзига ҳусну малоҳат берган-у, бироқ шунга муносиб тақдир ато этмаган фалакка сўнгги – даҳшатли исёни эди.

Ўз ҳаётига ўзи нуқта қўйишни биз доим қоралаб келамиз. Аммо қисмат олдида бошқа чораси қолмаган Паризоднинг ҳолини қоралашга тил бормайди, бу шўрпешона ожизани мұхаббатини деб бир маромда бораётган оиласи – гулдай фарзандиу ҳиссиз бўлса-да, бошидаги эридан воз кечиб, ҳам жамиятнинг қаҳру ғазабига учраган, ҳам қидирған мұхаббати шунча курбонликларга арзимаслигини кеч англаған Анна Каренинани тушунган сингари тушунамиз, холос.

Эркаклардан ижозат ва маъзур сўраган ҳолда жайдари-ча, яъники, эркакча хулоса ясасак. Аёл хилқатининг қисмати биз эркакларнидан анча аччикроқ. Негаки уларнинг ярим тақдирни эркаклар қўлида, эрлар зиммасида. Ёзувчи айтганидай, аёлларнинг энг ёмони учун ҳам биз эркаклар айбдормиз, аслида. Шундай экан, Паризоднинг гуноҳи товони биз – тажовузкор, бироқ худобехабар Бозор девлару, хато қилғанини кеч англайдиган қўли юпқа, аммо ҳалол ва виждонли Жонибекларнинг гарданида...

Фильм сўнгидаги ёзувчининг рамзий маънодаги фалсафий хуносаси – қилған ҳатоси учун Парини топган ва йўқотган үша харсанг тош устида азоб чекиб ўтирган, дейлик замонавий Гўрўғли қиёфасидаги Жонибек ўрнида тағин Пари пайдо бўлиши – томошабинни фикрлашга чорлайди. Шу ўринда биз қуйидагича иккى ечим ясадик: бири – Жонибек қилған ҳатоси учун қисмат олдида ўлпон тўлаши – ўзи ҳам кўркам ҳилқатнинг кўрксиз кечмишини бошидан кечириши учун тақдир томонидан Париға айлантирилиши бўлса, бошқаси – ёзувчининг ҳаётда бундай Парилар ҳали борлигини, уларни асраш эса мард ва жўмард Гўрўғлилар қўлида эканини ўқувчи томошабин қулоғига хавотирли шивирлашидир.

Фозил ФАРҲОД,  
ёзувчи

**ЁЗУВЧИ АЙТГАНИДАЙ, АЁЛ-ЛАРНИНГ ЭНГ ЁМОНИ УЧУН ҲАМ БИЗ ЭРКАКЛАР АЙБДОРМИЗ, АСЛИДА. ШУНДАЙ ЭКАН, ПАРИЗОДНИНГ ГУНОҲИ ТОВОНИ БИЗ - ТАЖОВУЗКОР, БИРОҚ ХУДОБЕХАБАР БОЗОР ДЕВЛАРУ, ХАТО ҚИЛҒАНИНИ КЕЧ АНГЛАЙДИГАН ҚЎЛИ ЮПҚА, АММО ҲАЛОЛ ВА ВИЖДОНЛИ ЖОНИБЕКЛАРНИНГ ГАРДАНИДА...**



**Садоқат САМАНДАРОВА,**  
Республика Мањавият ва  
маърифат маркази.

**Халима Яъқуб**  
хоним. Сингапур прези-  
денти. Халима хоним яман-  
лик кишига турмушга чиқди.  
Университетни битиргандан сўнг  
оддий бир хонада истиқомат қи-  
лишди. Мансаби кўтарилигач, ҳукумат  
аъзоларини жамлаб деди:

– Менинг исмим Ҳалима Яъқуб. Ал-  
лоҳнинг бандаларидан бириман. Истагим  
Сингапур халқининг турмуш даражасини  
кўтариш. Мени бошқа нарса қизиқтирумай-  
ди.

У шундай ишларни амалга оширди:  
\* Сингапурнинг кирими 2 триллион  
доллардан ошди.  
\* Фуқароларининг йиллик ўртacha да-  
ромади 85000 долларга тўғри келди.  
\* Ишсизлик бир фоизга тушди.  
\* Ўн мингга яқин катта корхоналар  
очди.  
\* Мамлакатдаги ишлаб чиқа-  
риш корхоналарига солинган  
барча солиқлар бекор қи-  
линди.

**Мария Охисала. Фин-  
ляндиянинг Ички ишлар вази-  
ри. 34 ёшда. Мариянинг болалиги  
қийин шароитда, қашшоқликда кечган.  
У сиёсат оламига академик таълимда  
эришган ютуқлари сабаб кириб келган.  
Дастлаб у амалдорлар фарзандлари би-  
лан бир сафда таълим олишга қийнал-  
ган. Лекин бугун у кучли иродаси, кенг  
дунёқараши ва тинимсиз ҳаракат-  
лари сабаб дунёning энг ёш аёл  
вазирига айланди.**

# ИДЕАЛ ҲАЁТНИНГ КАЛИТИ НИМА?

**Б**олаларнинг миллати йўқ. Аёлларнинг ҳам қавми ягона. Гарчи ролларимиз, ижроларимиз, образларимиз турличадир, бироқ илдизимиз бир. Биз ҳаммамиз аслан бир хилмиз. Нозик руҳиятли, аммо кучли иродада соҳибаларимиз.


Ҳа, эркаклар рост айтишади: аёл кишини тушуниш осон эмас. Шунинг учун ҳам психологияда аёл жинси дунёқараши, руҳияти ва ҳаёт тарзи ҳақида юзлаб, минглаб саҳифаларни тўлдиргувчи маълумотлар бор. Масалан, дунёдаги аёлларнинг етмиш фоизи оғриқни, руҳий зарбаларни ичига ютиб, овоз чиқармасдан енгар экан. Улар кўп тинглайдиган қўшиклар ҳам руҳий ҳолатлари ҳақида маълумот беради.

Яна бир маълумот. Аёл умри давомида тўрт хил фаслни бошдан кечиради:

- қизалоқ
- бека
- маҳбуба
- қиролича

Бу фаслларнинг ҳар биридаги руҳият балоғатга етган хонимларда мавжуд. Фақат йиллар ҳамда ташки таъсирлар натижасида турмушимида уларнинг улуши ўзгариб туради. Бахтли аёл бўлишнинг ягона сири эса, психологларнинг таъкидлашича, ҳар бир фаслда мувозанатни топа олиш экан. Вақти келганда қизалоқ, баъзан маҳбуба, бека ва, кези келса, қиролича бўла олиш идеал ҳаётнинг калити, дейди мутахассислар.

Аммо бахтнинг ўзи шу қадар нисбий тушунчаки, атрофимизда турли одамларга ҳаётимизнинг қайсиdir қиррасини солиштира туриб ҳам ўзимизни бахтли ҳис қила оламиз. Масалан, кимдир кўшнимнинг боши касалдан чиқмайди, худога шуқр, мен бетоб бўлиб ётиб қолганимни эсполмайман, бахтлиман, деса, бемор аёл, олаётган ҳар бир нафасим, касал бўлсан ҳам фалончикдек, куним жанжал билан ўтмаётгани менинг бахтим, дейди. Ҳаёт шундай қиёслар билан ўтиб бораверади. Бироқ дунёдаги жамики аёл умри давомида бир марта бўлса ҳам, бир зумга тин олиб ўзи билан ўзи ҳаққоний сўзлашади: «Мен кимман, ким эдим-у, кимга айландим, қаерга қараб кетяпман, ким учун яшаяпман», деб



# MUVAFFAQIYAT

ҳаётини таҳлил қиласи. Бу саволларнинг жавоби эса ҳар биримизнинг маънавий онгимизга муносиб даражада бўлади.

Аёл маънавияти унинг психологиясидан ҳам долзарброқ тушунча аслида. Зотан, биз, энг аввало, онамиз, оиланинг бош устунларидан биримиз, демакки, жамиятнинг, ер юзининг таянч нуқтасимиз. Фарзандлар биздан олган тарбияси натижасида одамзотга катта наф келтиргувчи олим ёки, аксинча, зараркунанда жиноятчига айланиши ҳам кўп жихатдан аёлга боғлиқ. Қолаверса, маънавият шундай қудратли вакцинаки, у ҳаётда қоқилганда шартта ўрнимиздан туриб кета олишимизга, узоқ бўлса-да, улкан марраларни забт эта олишимизга катта куч беради. Демак, аёлнинг маънавиятли бўлиши, ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам ҳаёт-мамот масаласидир.

Ижтимоий тармоқларда ҳар куни пайдо бўлаётган аёллар билан боғлиқ “шов-шув”ларнинг неғизида ҳам айнан аёл маънавияти дараҷалари кўзга ташланади. “Ҳуқук”ини қофозга тушириб уни шаҳар марказларида кўтарганича сувратга тушиш “мания”си ҳам айнан аёл маънавиятига зид ҳаракат эканлиги боис маҳаллий аёллар томонидан кўпроқ қораланди. Зотан, нозик хилқат вакиллари учун жисмоний эмас, руҳий кайфият биринчи ўринда туради. Агар шундай бўлмаганида, самарқандлик келин Мустаҳкам 8 йил жисмоний зўравонликка чидаб яшай олмасди. Турмуш ўртоғи бир қўли билан куч ишлатса-да, бир қўлида сочини силаб мөхр бераётган аёлларнинг рўзгори айнан икки оғиз ширин сўз билан бут бўлиб келаётгани рост. Худди шундай: хожаси ҳар иили

түғилган қунига қимматбаҳо совғалар бермаса ҳам, дурдан олий муҳаббатли табриги учун минг шукронга келтиргувчи аёл маънавиятлидир. Қўшилар: “бу энди одам бўлмайди”, деб қўли билан бигиз қилиб кўрсатайтган эрини ҳидоят йўлига эргаштира олган аёллар маънавиятлидир. Шаталоқ отиб хиёнат ботқогига ботиб қолган турмуш ўртогини кечирган, боз устига уни кўкларга кўтариб мақтөвчи, ишларининг ривожи учун ҳеч бир санам бера олмаган руҳий далдани ҳар куни айтгувчи аёллар маънавиятлидир. Фарзандини ҳеч қандай тўсиқларга қарамай, ИНСОН қилиб тарбиялай олган аёллар маънавиятлидир. Маънавиятли аёл ҳам нозик хилқат вакили, хокисор, бўйсунувчан, мулойимдир, аммо асло жабрдийда эмас. Фарзандлари камоли, жамият ривожи учун кучи етганча ҳаракат қиласи.

Улар бизнинг ҳаётимизда сув ва ҳаводек зарур. Айнан шунинг учун ҳам биз ўзбекларда қиз боланинг тарбиясига жиддироқ эътибор қаратилади. Болалигидан аёллик нафосати, иффати, ҳаёси, одоби сингдириб борилади. Шу билан бирга, маънавиятнинг булоғи китоб, илм-фан, маърифат бўлгани боис жуда кўп оиласалар қиз боланинг олий маълумотли бўлиши шарт эканлигини тушунади. Шу ўринда қизини ўқитишни истамайдиган ва университет дипломини фақат моддий ҳаёт таъминоти учун йўлланма, деб тушуниб, “эри боқиб олади, аёл кишининг биринчи вазифаси – оила”, дегувчилар учун алоҳида таъқидимиз бор. Тўғри ўйляяпсиз, аёл зоти чиндан ҳам, энг аввало, оиласининг хотиржамлиги, тинчлиги, сариштаю саранжомлигига жавобгар. Бироқ олий маълумотли бўлган хонимлар бу жавобгарликни тेरанроқ ҳис қиласи эканлар. Зоро, статистикага кўра, ажримлар сони олий маълумотли аёллар ҳисобига жуда кам фоизни ташкил қиласи. Қолаверса, 2019 йил маълумотларига кўра, 23000та ажримларнинг 50 %ини маънавий-ахлоқий тарбиясизлик сабаб пайдо бўладиган оиласий низолар ташкил қилган.

Юқорида барчамизниң қавмимиз бир дедик. Аммо менталитет, тарихимиз, ўтмишимиз турлича. Ўзбек аёллари сак-мас-сагет маликаси санаатниш Тўмарис авлодлари саналади. Тўмарисда аёллик образларининг барчаси мужассам. Бироқ у ҳеч қачон “жабрдийда” ролини ўйнамаган. Ҳатто фарзандининг ўлимидан кейин ҳам эсанкираб қолмай, оналик меҳри ич-этини тирнаб ором бермаса-да, ҳалқи учун мардонавор жанг қилган. Бугун ўзбек аёли ҳалқ, миллат ривожи йўлида мана шундай фидойилик қилиши учун энг аввало, ўз орзуларини, мақсадларини, рўёбга чиқаришга ҳаракат қилиши, келин бўлиб тушган оиласининг суюкли бекасига айланиши, турмуш ўртоғининг елкасига елка тута олишию фарзандини яхши ниятлар оғушида тарбиялаши лозим. Бундай узун йўлда қўлимизга маёқ бўлгувчи ягона шуъла эса, шубҳасиз, маънавиятимиздир. Биз ҳаммамиз биргамиз, бир манзилдамиз, қадрли опа-сингиллар.

# Сиз она бўляпсиз

Жондан жоннинг бунёд бўлишига одамлар кўникиб, ўрганиб кетганлари учун оддий ҳодисадек туюлади. Аслида бу илоҳий бир жараёндир. Бу жараёнда асосий заҳматкаш Она Аёлдир. Бу даврда у ҳар қачонгидан ҳам таъсиран, атрофидагиларнинг эътиборига муҳтож бўлади. Биз сиз – мухлислардан келаётган хатларни, ҳомиладорлик билан боғлиқ тиббий, анъанавий билимларни билишга бўлган қизиқишлигинизни эътиборга олиб, мазкур рукнни ташкил қилдик. Саволларингиз бўлса, ёзинг, қўнгироқ қилинг. ТошПМИ 1-госпитал педиатрия кафедраси доценти, олий тоифали неонатолог Дилфузза Эркиновна Турдиева ҳомиладорликнинг ҳар бир ойи ҳақидаги фикрларини баён қилиш баробарида Сизнинг саволларингизга ҳам жавоб беради. Ота-она соғлом бўлсагина, фарзандлар тўрт мучаси бут дунёга келадилар.

## Ҳомиладорликнинг биринчи ойи

Она бўлишни орзу қилмайдиган аёлнинг ўзи йўқ. Аммо бу мўъжизавий давр бошлангач, унинг ўзига хос масъулияти бўлади. Аёлда энг аввало ана шу ўзининг борлигини сездириб-сездирмаётган жон учун масъулият туйғуси уйғониши керак. “Мен мана шу гўдагимни тўрт мучаси соғлом ҳолатда дунёга келтиришим шарт”, деган азму қарор бўлиши лозим. Ва бундай фикр келинчак, аёл яшаётган хонадондаги ойижонлару бувижонларни ҳам четлаб ўтмаслиги керак.

Шуни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керакки, бизда аксарият келинчаклар “далаларда, боғларда, иссиқхоналарда ишлайдилар. Улар фарзанд орзусида юрар экан, албатта, ўз заҳматларидан узилмайдилар. Ҳавоси оғир, ҳар ҳафтада турли кимёвий ўғитлар сепилаётган экинлар парвариши билан машғул бўладилар. Шамоллаш, заҳарланиш аломатлари сезилса, дори ичадилар. Ҳолбуки, бундай пайтларда унда аллақачон ҳомиладорлик бошланган бўлиши мумкин. Хўш, унинг белгилари нималарда намоён бўлади?”

\* Кичик ҳайз кўришлар. Ҳомиладорлиқда бундай ҳолат бўлиши мумкин. Ҳайз кунлари бошланди, демак, бу сафар ҳам ҳомиладор бўлолмадим, деб ўйламаслик керак. Чунки кичик ҳайз кўришлар ҳомиладорликнинг илк даврларида ҳам бўлади. 5–10 кун давомида тухум хужайралар бачадон деворига ёпишиб ўрнашади, ана шу жараёнда кичик ҳайз кўриш ҳолатлари кузатилади.

\* Бачадон бўйинчасида санчиқлар туриши кузатилиши мумкин. Ҳудди ҳайз кўриш давридаги оғриқлардай санчиқлар бўлиши ҳомиладорлик аломатларидан биридир.

\* Кўриш қобилияти бироз хиралашади. Бу ҳолат ҳар доим кузатилмаса ҳам, кам ҳолларда учраши мумкин.

\* Беҳоллик, уйқуга мойиллик.

Аёлнинг боши айланиши ва бот-бот ҳушидан кетиши мумкин.

4-акушерлик ҳафтасида тиббий жиҳатдан қандай ўзгаришлар содир бўлиши мумкин? Акушерлик ҳисоб-китоби бўйича, ҳомиладорликнинг 4-ҳафтасида эмбрион “ўз уйчаси” томон ҳаракатланаётган бўлади. Бу даврда – бачадондан ташқари ҳомиладорлик бўлиб қолиш ҳавфи туғилади. Агар эмбрион финал нуқтасига етишга улгурмаса ва туғуруқ йўлларида улғаядиган бўлса, шифокорлар бачадондан ташқари ҳомилани қайд этадилар. Аслида бу ҳамма аёл ҳаётида ҳам рўй беравермайди ва бунинг муайян сабаблари бор. Шундай экан, ортиқча ҳавотирланишга ўрин йўқ. Иложи борича, оғир-босиқ бўлиш ва агар ҳомиладорлик қайд этилган бўлса, унинг ҳар бир лаҳзасини хурсандчилик билан қабул қилиш керак. Ҳомиладорликнинг 4-ҳафтасида ҳомиланинг ҳажми энига – 1 мм дан ошмайди, узунасига – 0.36 мм атрофида бўлади. Мана шу босқичда йўлдош пайдо бўлади. Бачадон найчасидан ўтиб, эмбрион-ҳомила она бачадонининг ички деворига жойлашади. Бу жараён имплантация деб аталади. Йўлдош ривожланәётган ҳомилага кислород, озуқалар, гормонлар ва дори-дармонларни етказади. Ҳомиладорликнинг 4-ҳафтасида бўлғуси ҳомиланинг боши шакллана бошлайди. Эпигласт 3 та маҳсус тўқималарни ёки пушт қатламларини шакллантиради; улар эктодерма, эндодерма ва мезодерма деб аталади. Айнан шулар мия, қалқонсимон ва ошқозоности безлари, қон, мускул ва сукнинг шаклланишига бевосита таъсири кўрсатади.

Эктодерма кўп сонли тузилмаларни ривожлантиради, шу жумладан мия, орқа мия, нервлар, тери, тирноқлар ва сочни ўстиради. Эндормерма нафас олиш тизимини ва ошқозон-ичак йўлининг асосини вужудга келтиради ҳамда жигар ва ошқо-

зон ости бези каби аъзолар қисмларини барпо этади. Мезодерма юрак, буйрак, сүяк, кемирчак, мускуллар, қон хужайралари ва бошқа тузилмаларни шакллантиради.

3-ҳафтага қадар мия учта асосий бўлинмаларга бўлинади; улар олд мия, ўрта мия ва орқа мия деб аталади. Нафас йўли ва овқатни ҳазм қилувчи аъзолар тузилмаларида ҳам ривожланиш жараёни бошланади.

Биринчи қон хужайралари тухум саригининг халтасида пайдо бўлганда, пуштнинг ҳар томонида қон томирлари шаклланади ва каналсимон юрак кўринади. Шу пайтдан бошлаб тез ўсаётган юрак алоҳида камералар каби ўз ичига бувланиб ривожланиши бошлайди.

Юрак уруғлантирилгандан сўнг уч ҳафтаю бир кундан сўнг уришни бошлайди. Учинчи ва тўртинчи ҳафталар оралиғида мия, орқа мия ва эмбрионнинг юраги кўринишида одам танаси тухум халтасидан осонгина ажralиб туради.

Тез фурсатларда ўсиши нисбий текис эмбрионнинг бувланишига олиб келади. Мазкур жараён тухум халтасининг бир парчасини овқат ҳазм қилиш тизимининг асосига бирлаштиради ва ривожланаётган одамнинг кўкрак қафаси ва қорин бўшлигини шакллантиради.

4-ҳафтага қадар тоза сув қобиги ҳомилани суюқлик тўлдирилган халта билан қоплади. Унинг атрофидаги амнион суюқлиги деб атала-диган мазкур стерил суюқлик ҳомиланинг жароҳатдан сақланишини таъминлайди.

Софлом насл қолдиришни истар эканмиз, мана шу биринчи ойлардан ҳомиладор аёларимизни асраб-авайлаш ҳамма оила аъзоларининг асосий мақсади бўлиши керак.

Шифокор томонидан тавсия этилган, ҳомиладорликнинг дастлабки ҳафталаридағи энг зарур дори-дармон фолий кислотаси ҳисобланади. Уни ҳатто ҳомиладорлик режалаштирилаётган ва унга тайёргарлик кўрилаётган пайтдан бошлаб, то ўн иккинчи ҳафтасигача қабул қилишни тўхтатмаслик қатъий тавсия этилади. Фолий кислотаси боланинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, хусусан, асаб тизими ҳамда кўпгина аъзо ва тўқималарнинг ривожланишига ёрдам беради. Ҳомиладорлар учун махсус ишлаб чиқилган витаминлар комплексларини қабул қилиш нафақат бола учун фойдали, балки она учун ҳам зарурат ҳисобланади, унинг сүяк тизимини мустаҳкамлайди ва гемоглобинни бир маромда ушлаб туради.

Биз она жисмидаги эмбрион ривожлана бошлаганданоқ унинг ўзи билан бирга атрофидаги барча яқинларига ҳам масъулият тушишини айтган эдик. Фикримизни давом эттириб яна шуни ҳам таъкидлар эдикки, бўлажак онани азали жойларга олиб боришдан сақлаш керак. Қадимда, ҳатто, яқинлари вафот этган бўлса-да, ҳомиладор аёлни қора кийимга буркамаганлар.



Кайфиятига ёмон таъсир қилади ва бу ҳолат ҳомила ривожида акс этади, деб ҳисоблаганлар. Шомдан сўнг қоронгулиқда юришга ҳам монелик қилишган. Гарчи буни инс-жинслар илашади, деб изоҳласалар ҳам, аслида бўлажак она қоронғуда нимадандир кўрқиши ё эҳтиётсизлик орқасидан қоқилиб, суриниши мумкин. Ҳарҳолда, асрanganни асрайман, деган нақлга амал қилган ютқазмайди. Яна бу даврдан бошлаб ҳомиладор аёл факат еб-ичишига эмас, кийинишига ҳам эътибор қаратиши зарур бўлади. Ҳаво ўтказмайдиган сунъий матолардан иложи борича, фойдаланмаслик, организмидаги кислородга муҳтожлик ҳолатларини келтириб чиқармаслиги керак. Ҳомиладор аёллар гумонали бўлган онларданоқ кўнгилчан бўлиб қолади. Айниқса, турмуш ўртоги бу ҳолатни чукур ҳис этиши, рафиқасига сунъич бўлиши керак. Аёли унинг ёнида ўзини кучли сезиши учун шароит яратиши зарур. Аммо тавсияларимизни бўлажак онани етти қават кўрпачага ўтқазиб, қўлини совук сувга урдирмаслик керак, деб тушунмаслигинизни истаймиз. Аксинча, у аввалидан ҳам ҳаракатчан, фаол бўлиши, иложи бўлса, кўпроқ мумтоз мусиқалар тинглаши, гул парвариши билан шуғуланиши, ибратли ҳикоятлар жамланган ва бошқа бадиий китобларни ўқиши керак. Чиройли хаёллар, чиройли орзулар билан яшай бошласа, она қалбидан, бошидан кечётган барча ҳолатлар аста-секинлик билан ҳомилага ўта бошлайди. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир иш бошиданоқ ҳайрли бошланса, яъни пойдевор мустаҳкам бўлса, кейинги ҳаётда ҳам яхшиликка умид қилса бўлади. Худо инсонларни фарзанд билан сийлайди, уни соғлом жисм, соғлом ақл билан дунёга келтиришни Аллоҳнинг инояти, омонатга садоқат деб билишини ҳар бир аёл, ҳар бир оиласга тилаб қоламиз.

**Дилфуза ТУРДИЕВА,  
ТошПМИ 1-госпитал педиатрия кафедраси  
доценти, олий тоифали неонатолог.**

(Давоми кейинги сонда)

## Икра тайёрлаш

### БАҚЛАЖОН ИКРАСИ

Бақлажон, пиёз, булғор қалампири, помидор тозалаб ювилади. Бақлажоннинг пўстси арчилади ва кубик шаклида тўғралади. Паст оловда ёғда қовуриб олинади.

Алоҳида идишда майдаган тўғралган пиёз, қайноқ сувга ботириб олинган, пўстси шилинган ҳамда сомонча шаклида тўғралган булғор қалампири ва майдаган тўғралган помидор қовуриб олинади. Тайба кўра туз ва мурч қўшиб, қовуришда давом этилади. Пишганидан сўнг бақлажон қовурмасига аралаштириллади, кейин майдаган тўғралган саримсоқ қўшиб, 10-15 дақиқа қовурилади.

Икра тайёр бўлгач, стерилланган банкаларга солинади ва қайнатилган металл қопқоқлар билан зичлаб ёпилади ҳамда иссиқлигича ўраб қўйилади.

**Керакли масаллиқлар:**

- 4-5 дона кабачки
- 2 дона сабзи
- 2 дона пиёз
- 3 дона помидор
- 100 мл. ўсимлик ёғи
- 1 дона "Магги" зиравори
- 2 дона саримсоқ палласи
- зираворлар, туз.



### КОНСЕРВАЛАНГАН САЛАТЛАР КАРАМЛИ САЛАТ

Карам, пиёз, қизил булғор қалампири, сабзи майдаган тўғралади.

Тўғралган маҳсулотлар катта ҳажмдаги сирли идишга солинади ва туз, шакар, сирка, кунгабоқар ёғи қўшиллади, масаллиқлар аста аралаштириллади. Сўнгра банкаларга зичлаб солинади ва елим қопқоқ ёпиб, музлаткичда сақланади.

Бу маҳсулотни қовурма, қайла, қуюқ овқатлар учун ишлатиш мумкин

**Керакли масаллиқлар:**

- 5 кг. карам
- 1 кг. сабзи
- 1 кг. пиёз
- 1 кг. қизил булғор қалампири
- 350 гр. шакар
- 4 ош қошиқ туз
- 500 мл ўсимлик ёғи
- 500 мл 9%-ли сирка.

### КОРЕЙСЧА БАҚЛАЖОН ИКРАСИ

Бақлажонлар икки дақиқа қайнатиб олинади ва суви силқитиб қўйилади. Сўнгра кубик шаклида тўғралади.

Булғор қалампири, сабзи сомонча шаклида, пиёз паррак қилиб тўғралади. Саримсоқ эзилади.

Барча сабзавотлар туз, шакар, сирка ва ўсимлик ёғи қўшиб аралаштирилади. Бу масаллиқ бир кунга музлаткичга олиб қўйилади. Сўнгра стерилланган банкаларга солинади ва қопқоқлари ёпилиб, 1 литрли банкалар 20 дақиқа, ярим литрли банкалар 15 дақиқа стерилланади.

Банкалар оғзи металл қопқоқлар билан маҳкам ёпилади ва ўраб қўйилади.

**Керакли масаллиқлар:**

- 1 кг. бақлажон
- 2 дона қизил булғор қалампири
- 1 дона йирик сабзи
- 1 дона пиёз
- 1 бosh саримсоқ
- 2 ош қошиқ шакар
- 100 гр. 6%-ли сирка
- 100 мл. ёғи
- 1 ош қошиқ туз.

### “ЛЕЧО” ҚОВУРМАСИ

Товада қизиб турган ёғда пиёз қовуриб олинади, сўнг сомонча шаклида тўғралган сабзи, шарбати ажратиб олинган помидор қўшиллади ва 10 дақиқа давомида янада қовурилади. Кейин сомонча шаклда тўғралган қизил булғор қалампири, саримсоқ, кўкатлар, шакар, туз қўшиб, янада қовурилади. Ҳаммаси бўлиб масаллиқ 45 дақиқа пиширилиши зарур.


Жараён ниҳоясида етай деганда сирка қўшиллади ва аралаштирилади. Стерилланган банкаларга лечо солиб, металл қопқоқлар билан маҳкам бекитилади, тўнкарилиб ўраб қўйилади.

**Керакли масаллиқлар:**

- 5 кг. булғор қалампири
- 500 гр. пиёз
- 1 кг қизил сабзи
- 16 дона саримсоқ доначалари
- 5 кг помидор
- 500 мл. ўсимлик ёғи
- 100 гр. шакар
- 2 ош қошиқ сирка
- 100 гр. туз.



# Пардоз – орасталик, латофат



Куз фаслида лаб парваришига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Негаки айнан шу мавсумда лаблар ёрилиши, куруқлашиши ва ачишиши кўп кузатилади. Бундай муаммолар юзага келмаслиги учун кўйидаги маслаҳатлардан фойдаланиш зарур.

- Уқалаш. Ҳар куни уқаланадиган лаблар майин ва чиройли рангта эга бўлади. Бунинг учун оддий тиш чўткаси керак бўлади. Уқалашдан аввал озгина лаб малҳами ёки бирор хил (юз учун) кремни суртинг. Шу малҳам лабга тўлиқ сингиб кетгунча айланга ҳаракат лар билан уқаланг.

- Шакарли пилинг. Лаблар ёрилмаслиги учун бу муолажани ҳафтада бир маротаба қўлланг. З ош қошиқ

асални 1 ош қошиқ шакар ва бир қошиқ ўсимлик ёғи билан аралаштириб, бир неча сонияга микротўлқинли печга солиб қўйинг. Сўнгра бу массани лабга суртиб, енгил ҳаракатлар билан уқаланг ва илиқ сувда ювиб ташланг.

- Ўсимлик ёғи ҳам фойдали. Кузда лаблар аллергияга мойил бўлади. Шу сабабдан мутахассислар декоратив лаб бўёғи ўрнига оддий ўсимлик ёғини тавсия қилишади. Кўчага чиқишидан озгина олдин ўсимлик ёғини сурни олишини одат тусига киритсангиз, ачишиш ва ёрилишдан узоқ бўласиз.


Кўп ҳолларда аёллар лаблари атрофида ажин пайдо бўлишидан шикоят қилишади. Бу муаммонинг ечими жуда осон. Кунора 8–10 маротабадан “А”, “О”, “И”, “У” ҳарфларини овоз чиқариб айтсангиз кифоя. Ҳар куни худди шамни ўчираётгандек 8 марта пуллаш ҳам ажинлардан асрайди.

## Уларни танийсиз...

Авле Мари ва Леа  
Росе дунёдаги энг чиройли  
эгизаклар деб тан олинган.  
Лос Анжелесдаги бу эгизаклар  
ижтимоий тармоқларда  
тезлиқда шуҳрат қозонишиди.  
Аниқроғи, инстаграм ижтимоий  
тармоғида ўзларининг  
мафтункор кўринишлари  
орқали 800 000 дан ортиқ  
кузатувчиларига эга бўлишиди.

Блогерлик билан  
шуғулланувчи Жақи яъни  
эгизакларнинг онаси тармоққа  
фарзандларининг 6 ойлик  
пайтидаги расмини ҳам  
жойлаштирган.

Хозирда унинг қизлари  
модел даражасига чиқишиди.  
Кўплаб профессионал  
сураткашлар бу ёқимтой  
эгизакларни тасвирга олишга  
ишиқибоз.



# САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнали  
**1925 йилдан чиқа бошлаган**

6-7-сон (910-911) 2020 йил

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Маҳалла ва оиласи қўллаб-  
қувватлаш вазирлиги

БОШ МУҲАРРИР:  
Мунаввара УСМОНОВА

“САОДАТ” КЕНГАШИ:

Танзила НАРБАЕВА

Гулнора МАҶРУФОВА

Мұхаббат ШАРОПОВА

Саодат БОЙМИРЗАЕВА

Ойдин ҲОЖИЕВА

Энахон СИДДИҚОВА

Гулистон МАТЁҚУБОВА

Гавҳар АЛИМОВА

ТАҲРИРИЯТ:

Бош мұхаррир ўринбосари:

Махмуда САҶДУЛЛАЕВА

Бўлим мудири:

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

Мусаххих:

Маъмурда ЗОҲИДОВА

Саҳифаловчи:

Фиёсiddин ЎНАРОВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани

Мирзакалон Исмоилий Г-1.

E-mail: [info@saodat-gul.uz](mailto:info@saodat-gul.uz)

Веб сайт: [www.saodat-gul.uz](http://www.saodat-gul.uz)

Тел.: (71) 202-70-04, 202-70-05

Босмахонага **5.10.2020** йил  
топширилди.

Қоғоз бичими **60x84 1/8.**

Ботик босма.

Нашр ҳисоб тобоги **5,75.**

Индекс – **867**

**ISSN 2010-541X.** Журнал 2006 йил

22 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0061-рақам билан рўйхатга олинган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.  
Буюртма №1113. Адади 2600.

Баҳоси келишилган нархда.

## Ушбу сонда:

### МИЛЛАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

4 **Мен отамни кўрмаганман**

### ЖАННАТИМ ОНАМ

8 **Кўнгилларим ҳам райҳонлар  
янглиф ифорли эди**

### НАСР

16 **Кўккўл қўшиғи**

### ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН

32 **О.Генри. Перкинснинг  
ваъдаси. Ҳикоя**

### МАКТУБЛАР КЎНГИЛНИНГ ТАРЖИ- МОНИДИР

34 **Пушкиннинг дилномалари**

### ОЛИСДАГИ ЯҚИНЛАРИМИЗ

36 **Ўзга юртнинг боғи билан  
бўстони**

### НИГОХ

26 **Паризодим, сени излаб  
тоғларга бордим...**



Биринчи муқовада:

Моҳир ҳунарманд

Шоҳсанам Ҳудойбердиева  
ўзи ясаган қўғирчоқлар-  
ни болаликнинг ишончли  
тарбиячилари деб билади.

(Ҳунарманд  
ҳақидаги мақолани  
журналиниг 22-саҳифасида  
ўқинг).

## Азиз мухлисларимиз!

Бутун дунёга, шу жумладан, юртимиз бошига тушган синовли кунлар туфайли журнализмининг навбатдаги – Сизга июнь ойида етиб бориши керак бўлган сони кечикди. Сиздан узр сўраган ҳолда “Саодат”нинг июнь-июль – қўшма сонларини тақдим қўялпмиз. Бу машиқатли, сабоқли дамларни ҳам, албатта, биргалиқда енгиллатиш, унга руҳий қувват баҳш этишини ҳисобга оладиган бўлсак бугун бир-биримизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ керак эканимизга шубҳа йўқ. Демак, биз Сиз учун меҳнат қилишни давом эттирамиз, Сиз ҳам ўз хонадонингиз, оиласигиз, маҳаллангиз билан қадрдон нашрингиздан узоқлашмайсиз, деб ишонамиз!



Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, қорақалпоқ элининг довругига довруқ қўшаётган севимли қизларидан бири, “Дўстлик” ордени соҳибаси Айгул Надирова куйлагандага саҳнаю майдонлар денгиз чагалайларининг ҳайқуриклари, тўргай сайроқлари билан тўлғандек бўлади.



Зулфия номидаги  
Давлат мукофоти  
совриндори,  
Осиё чемпионати,  
о Жаҳон кубоги каби  
дунёнинг нуфузли  
беллашувларида спортнинг  
қиличбозлик тури бўйича  
совринли ўринларни эгаллаб  
келаётган Шаҳноза  
Тогаймуродованинг дадил  
қадамларида, опаси  
Ўзбекистон чемпиони, спорт  
устаси Чарос эришаётган  
ютуқларда Ватанимиз  
шухратига шухрат қўшишини  
орзулаётган қизларимиз  
учун катта ибрат бор.